

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент архитектура қурилиш институти

Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси кафедраси

МИРЗАЕВ М.К

**“ТУМАННИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШТИРИШ”
ФАНИДАН МАЪРУЗА МАТНИ**

Тошкент - 2013 йил

МУНЖАРЕЖА

Сўз боши

1-БЎЛИМ. ТУМАННИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК АСОСЛАРИ.

Шаҳарсозлик бўйича илмий-лойиҳавий ишлар тизимини ва унда туманни режалаштиришнинг ўрни

1.2 Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси.

1.3 Туманни режалаштиришнинг объектлари ва турлари

II-БЎЛИМ. ҲУДУДНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ҳудудни табиий шарт-шароитлар бўйича баҳолаш

2.2. Ҳудудни антропоген омиллар бўйича баҳолаш

2.3. Ҳудудни комплекс баҳолаш

2.4. Туманни режалаштиришда демографик сиғимни ҳисоблаш

III- БЎЛИМ. АҲОЛИ ВА ХЎЖАЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КЕЛАЖАГИ.

3.1. Аҳоли сонини ҳисоблаш

3.2. Меҳнат ресурслари

3.3. Саноатни ривожланиши ва жойлашиши

3.4. Агросаноат мажмуаси

4 – БЎЛИМ. АҲОЛИ ЖОЙЛАШУВИ.

4.1 Аҳоли жойлашуви турлари, шакллари ва тизимлари

4.2 Агломерациялар турлари ва уларнинг ривожланишини бошқариш

4.3 Агломерациялар ривожланишини бошқариш.

4.4. Ўзбекистонда аҳоли жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари

5 – БЎЛИМ. ҲУДУДНИ ТАРҲИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ

5.1 Тарҳий таркиб ва функционал қисмларга бўлиш

5.2 Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш

5.3 Оммавий дам олиш, курорт даволаниш ва туризмни ташкил этиш

5.3 Ҳудудни меъморий-эстетик ташкил этиш

6-БЎЛИМ. АТРОФ-МУҲИТНИ САҚЛАШ ВА ИНЖЕНЕРЛИК МАСАЛАЛАРИ

6.1 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

6.2 Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш

6.3 Туманни режалаштиришда транспорт масалалари

6.4 Инженер-техник инфраструктураси

Сўз боши

Туманни режалаштириш фани шаҳарсозлик фаолиятининг бир тармоғи сифатида ва комплекс фан бўлиб, турли хил иқтисодий, шаҳарсозлик, техник, ижтимоий ва экологик масалаларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Илмий-техник прогресс ишлаб чиқариш кучларининг тез ўсишига, маҳсулот ҳажмининг кўпайишига олиб келди. Урбанизация жараёнлари эса ўз навбатида шаҳарларнинг ўсиб, алломерацияларга, урбанизациялашган ҳудудларга айланишига сабаб бўлди. Аммо барча туманлар ҳудуди ўзгармасдан қолди. Шу туфайли ишлаб чиқариш кучларини, аҳоли жойлашувини ва ижтимоий-маданий соҳани жойлаштиришда режалаштириш омилининг роли тобора ортиб бормоқда.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида энг муҳим масалалардан бири бўлиб “Ўзбекистон Республикаси кадрларни тайёрлаш Миллий дастурида” акс этган таълим тизимини такомиллаштириш, халқ хўжалиги учун мустақил фикрлайдиган, илм-фаннинг сўнги ютуқларидан хабардор кадрларни тайёрлаш масаласи олдинга чиқди. Ўзбекистон олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашнинг ҳозирги йўналишини икки босқичли таълим: бакалавр ва магистрларни тайёрлаш белгилайди. Бу тадбир архитектура соҳасини ҳам ўз ичига олади.

Ушбу дарслик олий ўқув юртларининг архитектура факультетларида “Шаҳарсозилик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс куриш” ихтисослиги бўйича магистратура 1 босқичида ўқтилади. Дарсликнинг мақсади – архитектура курилиш институтларининг магистрантларини регионал аҳоли жойлашуви ва туманни режалаштиришнинг вазифалари ва методологик асослари билан таништиришдан иборат. Унда туманни режалаштиришнинг халқ хўжалиги ва ҳудудий режалаштиришдаги аҳамияти, унинг турлари ва объектлари кўрсатилган, ҳудудни табиий шарт-шароитлар ва антропоген омиллар бўйича таҳлили, меъморий-эстетика, табиатни муҳофаза қилиш, транспорт ва инженер-техник инфраструктура масалалари ёритиб берилган. Машғулотлар 60 соатга мўлжалланган бўлиб, ундан 20


соати ўқитувчи томонидан ўқиладиган маърузаларни, 20 соати амалий машғулотлар ва 20 соати мустақил таълим учун мўлжалланган мавзуларни ўз ичига олади.

1-БЎЛИМ. ТУМАННИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК АСОСЛАРИ.

1.1. Шаҳарсозлик бўйича илмий-лойиҳавий ишлар тизимини ва унда туманни режалаштиришнинг ўрни

Ҳозирги вақтга келиб мамалакатимизда кўп йиллик ривожланиш натижасида мураккаб ва аниқ аҳоли жойлашуви ва шаҳарсозлик масалалари ҳал этиладиган илмий-лойиҳавий ишлар тизими шаклланди.

Агар бу тизимни пирамида шаклида тасаввур этадиган бўлсак, унинг учини *макроҳудудий* – бош ва регионал аҳоли жойлашуви схемалари, ўрта қисмини – *мезоҳудудий* даражадаги туманни режалаштириш чизмалари ва лойиҳалари, асосида эса *микроҳудудий* даражадаги шаҳарсозлик ишлари – шаҳар ва аҳоли жойларининг бош режалари, уларнинг қисмлари лойиҳалари ташкил этади (1-расм).



1- расм. Шаҳарсозлик бўйича илмий-лойиҳавий ишлар тизими
Макроҳудудий (А), мезоҳудудий (Б), микроҳудудий босқичлари.(В)


Шаҳарсозлик бўйича барча илмий-лойиҳавий ишлар тизими учун босқиччилик ва кетма-кетлик ҳосдир – қуйи даражадаги ишлар юқори босқич ишлари тугалланганидан сўнг ва уларга асосланиб ишлаб чиқилади. Шунга асосан бу ишларнинг мақсад ва вазифалари лойиҳалаш жараёни қамраб олган

худуд ўлчами ва лойиҳалаш материаллари масштаби билан боғлиқ ўзига хосликка эгадирлар.

Юқорида келтирилган барча босқичларда шаҳарсозлик, худудни тарҳий ташкил этиш, ижтимоий ва инженер-техник инфраструктурани ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон худудида бош аҳоли жойлашуви тузилмасида қуйидаги асосий вазифалар ҳал этилади:


асосий аҳоли жойлашуви турлари ва шакллари таҳлили ва прогнози; аҳоли жойлашуви тизимларининг шароитлари, нисбати ва параметрларини аниқлаш; инженер-техник инфраструктурани, транспортни ривожлантириш бўйича, худудни эколого-шаҳарсозлик қисмларга бўлиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш. Бу шаҳарсозлик хужжати 1:500000 масштабда ишлаб чиқилади (2-расм).



2- расм. Ўзбекистон Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси.

Вилоят, ўлка, автоном республика ҳудуди учун ишлаб чиқилган
Туманни режалаштириш тузилмаларида қуйидаги вазифалар:

табiiй, иқтисодий ва меҳнат ресурсларини баҳолаш; ҳудудни хўжалик комплексини ривожлантириш потенциал имкониятларини аниқлаш; функционал қисмларга бўлиш; асосий хўжалик соҳаларини ҳудудий боғлаш ва ривожланиш параметларини аниқлаш; шаҳарсозлик, оммавий дам олишга яроқли ҳудудларни аниқлаш ва таҳлил қилиш; аҳоли жойлашуви тизимларининг чегаралари ва энг муҳим параметрларини аниқлаш; қишлоқ аҳоли жойлашуви ривожланишининг умумий тенденцияларини ишлаб чиқиш; сув таъминоти, канализация, транспорт, энергия таъминоти, атроф-муҳитни муҳофазаси масалаларини ечиш ҳал этилади. Бу ҳужжат 1: 100 000-1:300 000 масштабларда бажарилади (3-расм).



2- расм. Туманни режалаштириш тузилмаси (Москва шаҳри ва вилояти)

Маъмурий туманлар гуруҳлари ва маъмурий туманлар ҳудудлари учун бажарилган **Туманни режалаштириш лойиҳаларида** қуйидаги асосий вазифалар:

ҳудудни комплекс баҳолаш ва уни функционал қисмларга бўлиш; граждан, саноат ва рекреацион қурилишга яроқли майдонларнинг таҳлили. Хўжаликни ривожланиш масалаларини янада деталлаштириш, конкрет майдонларда саноат, қишлоқ хўжалик ва транспорт объектларини жойлаштириш. Аҳоли жойлашуви тизимини шакллантириш, аҳоли жойлари аро маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва оммавий дам олиш тизимини ташкил этиш бўйича таклифлар. Перспектив қишлоқ аҳоли пунктлари тармоғини аниқлаш. Транспорт, сув таъминоти, энергия таъминоти ва бошқа муҳандислик тармоқларини ривожлантириш масалаларини ишлаб чиқиш. Туман ҳудудини мелиорациялаш, кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича таклифлар шакллантирилади ва амалга оширилади. Бу ҳужжат 1:25000 дан 1: 100000 гача масштабларда бажарилади (4-расм).


Аҳоли жойлари ва уларнинг элементлари учун тузиладиган **аҳоли жойлари бош режалари ва аҳоли жойлари элементлари детал лойиҳаларида** алоҳида шаҳар ёки қишлоқ аҳоли пунктининг энг муҳим меъморий-тарҳий, инженер-техник масалалари (функционал қисмларга бўлиш, тарҳий таркиб, магистраллар, жамоат марказлари тизими ва ҳ.к.) ишлаб чиқилади, алоҳида қисмлар учун эса меъморий-тарҳий ва инженер-техник масалалар деталлаштириб ҳал қилинади. Бу ҳужжатлар 1:2000 дан 1:25000 масштабларгача бажарилади (5-расм).




4- расм. Туманни режалаштириш лойиҳаси (Катта Стокгольм)

1-шаҳар ядроси ва муҳим туман жамоат марказлари; 2-ярим марказ характеридаги аҳоли иш жойлари; 3-бошқа иш жойлари; 4-турар жой ҳудудлари; 5-турар жой ҳудудлари заҳиралари; 6-халқаро тезкор автострадалар; 7-шаҳар автострадалари; 8-бошқа муҳим йўллар; 9-темир йўллар; 10-метро линиялари.

А



Б



**5- расм. Шаҳар тарҳий таркиби ва функционал қисмлари.
А-Харлоу; Б-Тихи.**


Туманни режалаштириш бўйича ишлар регионал аҳоли жойлашуви ва аҳоли жойларида унинг қисмлари лойиҳалари орасидаги ўрта ҳолатни

эгаллайди. Шунга кўра регионал аҳоли жойлашуви туманни режалаштиришни шаҳарсозлик стратегияси (аҳоли жойлашуви, ҳудудни тарҳий ташкил этиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва бошқа масалалар) билан, туманни режалаштириш эса, ўз навбатида шаҳарлар ва аҳоли жойлари лойиҳалари учун асос бўлиб, уларни аҳоли жойлари параметрлари, кенг аҳоли жойлариаро ҳудудларни ривожлантириш кўрсаткичлари, транспорт, инженер-техник инфраструктура, атроф-муҳит муҳофазаси масалалари бўйича маълумот билан таъминлайди.

Туманни режалаштириш ҳудудий лойиҳалаш тури сифатида XX аср бошидаги илмий-техник ва ижтимоий ўзгаришлар натижасида пайдо бўлди.

1924 йилда нефт саноатини қайта тиклаш режалари асосида Апшерон ярим оролида нефт қазиб олиш туманини лойиҳалаш бўйича ишлар амалга оширилди. 1924-25 йилларда бу туманни ва Баку шаҳрининг бош тарҳи проф.А.П.Иваницкий раҳбарлигида туманни режалаштириш бўйича биринчи лойиҳа сифатида амалга оширилди.

1932-34 йилларда Промстройпроект томонидан Россиянинг бир қанча туманларини лойиҳалаш ишлари бажарилди. Шу пайтда Украинада туманни режалаштириш бўйича қуйидаги ишлар олиб борилди: Қримнинг жанубий соҳили (1932-1937), Кавказ минерал сувлари (1937-1938 йиллар) (6-расм).



6-расм. Қрим жанубий қирғоғини туманни режалаштириш тузилмаси.1-курорт шаҳарларни жойлаштириш қисмлари.

Туманни режалаштиришнинг бу даврдаги характерли белгилари – режалаштириш ишлари билан ҳудудларнинг қамраб олинганлиги, бу ишларда йирик архитектор, инженер, иқтисодчилар ва бошқа мутахассисларнинг қатнашуви (А.П.Иваницкий, В.Н.Семёнов, М.Я.Гинзбург, В.Г.Давидович), бу нарса лойиҳаларнинг юқори сифатини таъминлади, қисқа вақт ичида туманни режалаштиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқич – урушдан кейинги (1945-1960 йиллар) – туманни режалаштиришнинг аҳамиятини тан олиш вақти. Туманни режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқувчи илмий марказлар сони анча ошди.

ГИПРОгор Братск ва Красноярск ГЭСлари таъсир зоналарини режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқди. Бу йилларда қишлоқ хўжалик туманларини лойиҳалаш кенг тус олди. Аммо туманни режалаштиришга тармоқ ёндошуви хос эди, у турлар бўйича: саноат, қишлоқ хўжалиги ва курортлар бўйича ишлаб чиқилади.


1960 йиллар охирларидан бошлаб, комплекс режалаштириш қўллана бошланди, у хўжаликнинг ҳамма тармоқларини қамраб олди. Комплекс лойиҳалашга ўтиш замонавий, **учинчи босқичга** ўтилганлигини билдиради. Бу босқич янги шароитлар билан характерланади. СОПС томонидан иқтисодий туманларда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш тузилмалари ишлаб чиқилди. Улар туманни режалаштириш учун хўжаликни келажак ривожланишини асослашга база бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари бош ва регионал аҳоли жойлашуви тузилмалари ишланиб – гуруҳли аҳоли жойлашуви шаклларига ўтиш бошланди. Ва ниҳоят атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қатор қонунлар қабул қилиндики, уларнинг татбиқи туманни режалаштириш тузилма ва лойиҳаларида акс этиши керак.

Чет элларда туманни режалаштириш бўйича ишлар биринчи жаҳон урушидан кейин бошланди.

Европа мамлакатларидан Чехословакия, Германия, Франция, Англияда миллий (туманни) режалаштириш бўйича қатор ишлар бажарилди.

1929 йил Қўшма Штатларда Нью-Йорк ва унинг таъсир зонасида туманни режалаштириш ишларини амалга ошириш бўйича ассоциация тузилди. Туманни режалаштириш лойиҳасида аҳолини жойлаштириш, саноат объектларини дислокацияси ва аҳоли жойлари ўртасидаги транспорт алоқалари кўриб чиқилган.

Англияда 1920 йилларда архитектор П.Аберкромби Лондон графлигининг катта қисмини ўз ичига олган Катта Лондоннинг туманни режалаштириш лойиҳасини тузди. Лойиҳада Лондонни чолдевор уй жойлардан уларнинг аҳолисини саккизта янги сателлит-шаҳарларда ташкил этилаётган саноат корхоналарига жалб этиш орқали озод этиш вазифаси қўйилган эди. Саккизта янги сателлит-шаҳарлардан ташқари Лондон графлигидаги кичик шаҳарлар ҳам бунда иштирок этиши кўзда тутилган эди (7-расм).




7-расм. Катта Лондон туманни режалаштириш лойиҳаси.

Сателлит шаҳарларга Лондондан бир қатор саноат корхоналарини чиқариш, бунда саноат комплексларини аҳоли яшайдиган қисмлардан ташқарида жойлаштириш назарда тутилганди. Сателлит шаҳарлар орасида транспорт магистраллари тармоғи ишлаб чиқилган эди. Кўп кичик шаҳарлар Англия учун анъанавий бўлган боғ-шаҳар схемасида лойиҳаланган эдилар.

1933 йили Францияда Рона дарёсига ёндошган ҳудудларни туманни режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун миллий комитет тузилди.

Лойиҳаланаётган ҳудудда кичик шаҳарлар тизимини тузиш бўйича, Ўрта ер денгизи қирғоқларидаги водийларни сув билан таъминлаш бўйича, кемалар қатновини яхшилаш бўйича, гидроэнергетика объектларини, балиқ кўпайтирадиган ҳовузлар, каналлар тизими ва транспорт магистралларини куриш бўйича ишлар бажарилди (8-расм).



8- расм. Рона дарёси водийсидаги ягона саноат тумани чизмаси.


1-Атом энергияси маркази Маркуль шахри; 2-Ардуаз шахридаги янги саноат корхоналари маркази; 3-изотоплар заводи; 4-Донзер Мондрагон тўғони; 5-Янги Баньол-сюр-Сез шахри; 6-Тон-Сент-Эспри шахри; 7-Пирлат шахри; 8-Оранж шахри; 9-Авиньон шахри; 10-Ним шахри; 11-Марсель-Лион темир йўли; 12-Автомобил йўллари; 13-Лангедок шахри.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг 1947 йили Буюк Британияда уни ривожлантириш режаси тўғрисида қонун қабул қилинди. Унинг асосида барча графликлар учун уларнинг маъмурий чегараларида регионал режалаштириш тузилмалари ишлаб чиқилди. Уларнинг ичида энг муҳимлари –Манчестер, шарқий Кент, ғарбий Кент, Клайд дарёси водийси (Глазго

тумани) ва уни атрофи ҳамда бошқа туманлардир. Катта Лондонни туманни режалаштириш бўйича ишлар давом эттирилди. Урушдан вайрон бўлган Ковентри шаҳрини қайта тиклаш лойиҳасида шаҳар ерларини замонавий қисмларга бўлиш, кўча тармоғи элементларини функционал қисмларга ажратиш, саноат қисмларини аҳоли яшайдиган қисмлардан ташқарига чиқариш тамойиллари қўлланилган. Аммо ҳудудий режалаштириш усуллари билан аҳоли жойлашуви ва ишлаб чиқариш объектларини рационал жойлаштиришга уриниш монополиялар, фирмалар, ер эгаларининг тазйиқига учради. Туманни режалаштириш лойиҳалари конъюктура шароитларига қараб ўзгаришларга учради.

Шарқий Европа мамлакатларида урушдан кейинги халқ хўжалиги режалари асосида ишлаб чиқариш кучларини ва йирик аҳоли жойларини ҳудудий жойлаштириш тузилмалари ва лойиҳалари ишлаб чиқилди. Кўп ҳолларда алоҳида иқтисодий туманлар доирасида туманни режалаштириш лойиҳалари тузилди. Уларда саноат комплексларини, энергия ва сув таъминотини, транспорт йўлларини, қўриқланадиган қисмларни ҳамда шаҳар ва қишлоқ аҳоли жойлари тизимларини жойлаштириш ўринлари аниқланган. Туманни режалаштириш лойиҳалари орқали маълум бир муддатга, кўпинча беш йиллик, қабул қилинган режалар комплексини ҳудудий боғлаш амалга оширилди, бу ҳар бир туманни ихтисослашувига ёрдам берди.

Чехословакияда туманни режалаштириш лойиҳалари барча муҳим иқтисодий туманлар учун тузилган, уларнинг ихтисослиги белигиланган. Бу мамлакатда ҳудудий режалаштиришнинг етакчи вазифаси бўлиб, янги саноат ва фуқаро қурилишини мавжуд саноат комплекслари ва аҳоли жойлари билан мувофиқлаштириш хизмат қилади. Бир вақтнинг ўзида туманни режалаштириш лойиҳаларида қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ва қишлоқ поселкаларини жойлаштириш масалалари ҳал этилган (9-расм).




9- расм. Чехия урбанизациясининг схематик модели. Юқоридаги расмда транспорт етарлилиги изохронлари акс эттирилган.

1-бирламчи урбанизация туманлари; 2-юқори урбанизациялашган туманлар; 3-иккинчи даражали марказлар; 4-иккинчи даражали марказлар(5) билан биргаликда бош шаҳар марказлари.

Польшада туманни реажалаштириш лойиҳалари бутунлай воеводаликлар ҳудудларини ёки алоҳида ихтисослашган туманларни қамраб олди. Комплекс туманни режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилган туманлар қаторида Юқори Силезия саноат туманини келтириш мумкин. У шаҳарлар ва ишчи поселкаларининг зич жойлашганлиги, саноат ишлаб чиқаришини кўп тармоқларининг ривожланганлиги (кўмир қазиб чиқариш ва

қайта ишлаш, химия, металл қайта ишлаш ва машинасозлик тармоқлари) билан характерланади (10-расм).



10-расм. Польша урбанизациясининг схемаси.


Венгрияда туманни режалаштириш лойиҳалари ўнта лойиҳавий туманлар учун, шу жумладан Будапешт шаҳрига ёндошган қисм учун, саноат ривожланаётган туманлар ва умумдавлат санатория-курорт базасини ривожлантириш кўзда тутилган Балатон кўли ҳудуди учун ҳам ишлаб чиқилган.

Ҳудудий режалаштириш ишлари, туманни режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан бирга, яна Болгария, Руминия, Югославия ва Монголияда олиб борилган. Ҳозирги пайтда бу мамлакатларда илгари

тузилган туманни режалаштириш лойиҳаларини шу мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларига мослаштириб, коррективировка қилинмоқда.

1.2 Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси.

Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси мамлакат халқ хўжалиги комплекси асосида шаклланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси шаҳарлар, шаҳар типдаги поселкалар ва қишлоқлар ривожланишида давлат сиёсатини амалга ошириш йўллари ва усулларини аниқлайди ҳамда муҳим халқ хўжалиги масалаларини тезликда ечиш, жамоат ишлаб чиқариш эффективлигини ошириш ва халқ турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида мамлакатда аҳоли жойлашувини янада такомиллаштиришнинг принципиал йўналишларини белгилаб беради (11-расм).



11- расм. Ўзбекистон Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси.

Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг илмий ва маданий фаолиятнинг олий даражаларидан баҳраманд бўлиш, махсус таълим олиш, кам учрайдиган ва юқори даражали ихтисослашган хизмат кўрсатиш (савдо-маиший, медицина ва ҳ.к.), узоқ дам олиш ва туризм каби эҳтиёжларини қондириши лозим.

Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси ишлаб чиқариш кучларининг эффектив ривожланиши ва жойлашувига, ресурслардан рационал фойдаланишга ва мамлакат халқ хўжалик комплексини турғун ривожланишига ёрдам берувчи, аҳолининг турмуш даражасини янада ўсишини таъминлови учун шаҳарсозлик асос яратиб берадиган аҳоли жойлашувини такомиллаштиришни кўзда тутди. Бош аҳоли жойлашуви тузилмасини амалга ошишининг муҳим шарти бўлиб мамлакат ягона халқ хўжалиги комплекси доирасида ишлаб чиқариш ва аҳоли жойлашувини комплекс ҳудудий ташкил этиш ҳисобланади.

Бош аҳоли жойлашуви шаҳар ва қишлоқ аҳоли жойлашувининг энг муҳим муаммоларини ечишга, мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш темпларини тезлаштиришга йўналтирилган.

Бош аҳоли жойлашуви тузилмасини шакллантиришдан мақсад – узоқ муддатли илмий асосланган лойиҳаолди таклифларни ишлаб чиқиш, аҳоли жойлашувини такомиллаштиришдан иборат.


У **ижтимоий соҳада** – меҳнат қилиш жойлари, хизмат кўрсатиш, дам олиш, фан ва маданият ютуқларини ўзлаштириш, таълим олишнинг хилма-хиллигини кенгайтириш; турли регионлар, шаҳар ва қишлоқ аҳоли жойлари, ҳар хил катталикдаги шаҳарлардаги аҳоли турмуш даражасидаги номутаносибликни йўқотиш орқали инсоннинг ҳар томонлама ривожланишига ва ривожланган жамият қуришга (12-расм);



12 – расм. Ўзбекистон Бош аҳоли жойлашуви тузилмасида ижтимоий омиллар. 1-6-шаҳарлар; 7-11-аҳоли зичлиги 10 дан 400 одам/км² гача; 12-маятникли миграция ареаллари.

иқтисодий соҳада – иқтисодиётни интенсивлашга ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш эффективлигини оширишга; шаҳарсозлик ечимларининг тежамлилигини оширишга, шаҳарлар ва туманларнинг меҳнат, ҳудудий, ёқилғи-энергетик ва бошқа ресурслардан рационал фойдаланишга; агросаноат мажмуасининг ҳудудий шакллари тақомиллаштиришга; йирик шаҳарлар илмий-техник потенциалидан унумли фойдаланишга; урбанизация темпларини ошишига (13-расм);

табиат муҳофазаси соҳасида – табиатдан фойдаланишнинг рационаллашувига ва аҳоли турмуши гигиенаси шароитларининг яхшиланувига; ҳудуддан фойдаланишнинг экологик рационал режимларини ўрнатиш ҳамда сув ва ҳаво ҳавзаларини, ўсимлик-тупроқ қатлами ҳимоясини таъминлайдиган прогрессив инеженерлик ечимларини татбиқ этиш орқали табиий муҳитни қайта тиклашга ёрдам беради (14-расм).



13- расм- Ўзбекистон Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси.
а -шаҳарсозлик ресурслари; б-рекреация ресурслари.



14- расм. Ўзбекистон Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси.
Комплекс муаммоли ареаллар.

Бу мақсадларга етишиш учун қуйидаги шаҳарсозлик масалаларини:

- турли хил катталиқдаги маъмурий аҳамияти ва халқ хўжалиги профилидаги шаҳарлар ва қишлоқ жойларни пропорционал ривожлантириш, йирик шаҳарларнинг ўсишини чеклаган ҳолда, уларнинг ривожланишини интенсивлаштириш; ўрта ва кичик шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий потенциалини ошириш, янги ўзлаштирилган туманларда кўп функцияли шаҳар ва қишлоқ марказларини ривожлантириш;
- мамлакат барча шаҳар ва қишлоқларини маъмурий-ҳудудий ва ижтимоий-иқтисодий туманлаштириш асосида шаклланадиган ягона аҳоли жойлашуви тизимига бирлаштириш; аҳоли жойлариаро ижтимоий, транспорт ва инженерлик инфраструктурасини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- аҳоли жойлашуви тизимидаги ролига қараб алоҳида шаҳарларни комплекс ривожлантириш; шаҳарлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларини мутаносиблиги ва пропорционал ривожланишини таъминлаш; шаҳарлардаги турар-жой қурилиши,

маданий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт ва ободонлаштиришдаги номутаносибликни тугатиш, шаҳарларни режалаштиришни яхшилаш ва шаҳар ҳудудларидан фойдаланишни интенсивлигини ошириш;

- қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш таянч марказлари тармоғини ривожлантириш; замонавий агросаноат мажмуаси талабларига жавоб берувчи туман, хўжаликлараро, хўжалик ичи аҳоли жойлашуви тизимларини шакллантириш; қишлоқ аҳоли жойларини режалаштиришни, қуришни ва ободонлаштиришни, ишлаб чиқариш ва аҳолига транспорт хизмат кўрсатишни такомиллаштиришни ҳал қилиши керак.

Аҳоли жойлашувининг, шаҳарлар ва қишлоқларни қайта тиклаш ва ривожланишининг иқтисодий асоси бўлиб ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ҳисобланади. Шу билан бирга аҳоли жойлашувининг ишлаб чиқаришни ҳудудий жойлаштиришга бўлган қайта таъсири кучайиб боради. Ўзбекистонда аҳоли жойлашувининг ривожланиши авваламбор меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга, уларнинг малакасини ва мобиллигини оширишга сув ресурсларидан фойдаланишни интенсивлаштиришга йўналтирилиши лозим. Биринчи даражали вазифа бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш меҳнат сиғими катта саноат ишлаб чиқариш корхоналари, касбга йўналтириш ва ижтимоий инфраструктура асосида кичик ва ўрта шаҳарлар тармоғини ривожлантириш аҳамият касб этади.


Аҳоли зичлиги юқори ва меҳнат ресурслари аниқ бўлган интенсив қишлоқ хўжалик туманларида таянч аҳоли жойлари тармоғини ҳамда маҳаллий ва қайта ишлаш саноат корхоналарини ривожлантириш; қишлоқ аҳоли жойларини режалаштириш ва қуришни ҳудудий ресурслардан янада рационал фойдаланиш, қимматли суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини иқтисод қилиш мақсадида такомиллаштириш лозим.

Олдинга кўйилган мақсадлар ва аҳоли жойлашувини такомиллаштириш масалаларини ечишнинг муҳим омили бўлиб мамлакат ягона шаҳар ва қишлоқ аҳолиси жойлашуви тизимини халқ хўжалик комплекси билан боғлиқ ҳолда шакллантириш хизмат қилади. Бунда урбанизация жараёнларини ўзида акс эттирувчи иккита йўналиш кўзга ташланади. Улардан биринчиси бутун мамлакат ҳудудини камраб оладиган, улар доирасида рационал даражада хилма-хиллик ва транспорт етарлилиikka эга бўлган иш ва хизмат кўрсатиш жойлари таъминланади. Бундай тизимнинг асоси бўлиб маъмурий-ҳудудий (республика, вилоят, туманлар ва фуқаролар йиғини ҳудудлари) ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий туманлаштириш (иқтисодий туманлар, иқтисодий кичик туманлар) ҳисобланади.

Иккинчи йўналиш эса ягона аҳоли жойлашуви тизими доирасида приоритет ривожланиш туманларини ажаратишни ёки биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва аҳоли жойлашувининг шаклланган таркибида сифат ўзгаришларини ўтказиш мумкин бўлган туманларни реконструкциялашни кўзда тутди. Бундай туманларга йирик шаҳарлар агломерациялари, интенсив агросаноат ривожланиш қисмлари, мамлакат миқёсидаги курорт-рекреацион туманлари ва бошқалар киради.

Ягона аҳоли жойлашуви тизимини шаклланиши режалаштириш ва бошқарувнинг ҳар бир босқичида энг долзарб масалаларни ҳал қилган ҳолда амалга ошириш лoғим. Асосий босқичлар бўлиб: умумдавлат, вилоят ва туман босқичлари ажратилади. Ҳар бир босқичга аҳоли жойлашувининг ўзига хос иқтисодий ва ижтимоий функцияларни бажарувчи тегишли таянч марказлари тўғри келади.

Умумдавлат миқёсида аҳоли жойлашувининг: вилоятлараро, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, катта ва кичик шаҳарлар, турли босқичдаги аҳоли жойлашуви таянч марказлари орасидаги асосий нисбатларини такомиллаштириш; ижтимоий, инженерлик ва транспорт инфраструктуралари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ривожланишининг асосий йўналишларини аниқлаш масалалари туради (15-расм).



15- расм. Ўзбекистон Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси.

Шаҳарсозлик макроқисмларга бўлиш.

Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент – ўзининг пойтахтлик функцияларини халқ хўжалик комплексини интенсивлаштириш ва такомиллаштириш, меҳнат жойлари сони ва сифатини меҳнат ресурслари демографиясида, уларнинг таълим ва квалитификацион даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаб ривожлантириши лозим.

Вилоят миқёсида асосий вазифа бўлиб:

вилоят маркази, унинг таъсир доираси ва чекка туманлар орасидаги нисбатларни аниқлаш; вилоят ичи (туманлараро) ва туманлар марказлари сони ва ривожланиш нисбатларини белгилаш хизмат қилади.

Вилоят марказлари ўз регионлари доирасида бошқарув ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш функцияларини бажаришлари лозим. Вилоят марказларининг ишлаб чиқариш базасининг асоси бўлиб уларнинг халқ хўжалик ихтисослигига ҳамда улар етакчилик қилётган ҳудудлар эҳтиёжига мос қайта ишлаш саноатининг тугал соҳалари хизмат қилади. Вилоятчи, туманлараро марказлар вилоят марказлари ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий функцияларини тўлдириш, марказий ва чекка қисмлар орасидаги аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражасидаги

диспропорцияларни йўқотиш вазифасини бажаради. Уларнинг ишлаб чиқариш базаси бўлиб қайта ишлаш ва қазиб чиқариш саноати ва агросаноат комплекси соҳаларининг турлича мутаносиблиги хизмат қилади.

Туман миқёсида марказ ва туман бошқа шаҳар ва қишлоқ жойлари орасидаги нисбатлар аниқланади; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш таянч марказлари: хўжаликлараро, хўжалик ичи ва бошқалар ажратилади. Туман марказларини, авваламбор улар таъсир доирасидаги кичик шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқларни ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш жойлари сифатида ривожлантирмоқ лозим.


Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси нималарни белгилаб беради?
2. Бош аҳоли жойлашуви тузулмасининг ижтимоий мақсадлари.
3. Бош аҳоли жойлашуви тузулмасининг иқтисодий мақсадлари.
4. Бош аҳоли жойлашуви тузулмасининг табиат муҳофазаси соҳасидаги мақсадлари.
5. Бош аҳоли жойлашувининг умумдавлат миқёсидаги вазифалари.
6. Бош аҳоли жойлашувининг вилоят миқёсидаги вазифалари.
7. Бош аҳоли жойлашувининг туман миқёсидаги вазифалари.

1.3 Туманни режалаштиришнинг объектлари ва турлари

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда туманни режалаштиришнинг икки хил тури мавжуд: туманни режалаштириш тузилмалари ва туманни режалаштириш лойиҳалари. Бу икки хил ишлар турли ҳудудий объектлар учун кетма-кет бажарилади. Улар бир-биридан характери ва қабул қилинадиган ечимлар деталлилиги билан ҳамда лойиҳаларнинг амалга ошиш каналлари орқали фарқ қиладилар.


Туманни режалаштириш тузилмасининг объекти бўлиб республика ва вилоят ҳудудлари хизмат қилади. Хўжалик ихтисослиги, келажак ривожланиш муаммолари ва аҳоли жойлашуви тизими умумий бўлган вилоят гуруҳи учун битта туманни режалаштириш тузилмаси ишлаб чиқишга йўл қўйилади (16-расм).



16- расм. Туманни режалаштириш тузилмаси.

а- Республика, б-вилоят

Туманни режалаштириш лойиҳасининг объекти бўлиб бир нечта маъмурий туманлар ёки алоҳида маъмурий туманлар бўлиши мумкин (17-расм).



17- расм. Туманни режалаштириш лойиҳаси.

Туманни режалаштиришнинг *асосий мақсади* – у ёки бу туман ҳудудини рационал территориал-хўжалик ташкил этишдан иборатдир. Бу уни

саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, аҳоли жойлашуви, шаҳарсозлик, табиий муҳитни сақлаш ва яхшилашни табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан эффектив ва комплекс фойдаланиш йўли билан таъминловчи мақсадга мувофиқ функционал қисмларга бўлиш ва меъморий-тархӣй таркибини шакллантириш орқали амалга оширилади.

Асосий мақсадга кўра туманни режалаштириш тузилмаларини ишлаб чиқишнинг **асосий вазифалари** қуйидагилардир:

- вилоят ёки автоном республика миқёсида кўзда тутилган келажак режа асосида саноат, қишлоқ хўжалиги, граждан, транспорт ва рекреацион қурилишларнинг рационал, ўзаро келишилган асосий йўналишларини аниқлаш;
- келажакдаги шаҳар ва қишлоқ жойлар тармоғининг, аҳоли жойлашуви, аҳоли жойлариаро маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва аҳолининг оммавий дам олишини хўжалик ва аҳоли сонини келажакда кўзда тутилган ривожланиши асосида, табиий, ҳудудий, иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан рационал ва комплекс фойдаланиш орқали аниқлаш;
- келажак сув таъминоти ва ортиқча сувларни олиб кетиш, энергия таъминоти, туманлараро транспорт ривожланишини аниқлаш;
- узоқ ва қисқа дам олиш туманлари ва қисмлари, даволаш, туризм объектлари жойлашуви ҳамда атроф-муҳитни қўриқлаш, табиий ландшафтларни тиклаш, сақлаш ва яхшилашга қаратилган комплекс тадбирларни аниқлаш;
- вилоят, автоном республикани иқтисодий-тархӣй туманларга бўлишни асослаш, туманни режалаштиришнинг кейинги босқичи объектларини ажратиш ҳамда уларнинг лойиҳаларини тузиш ишлари навбатини белгилаш.

Туманни режалаштириш лойиҳасида юқорида санаб ўтилган масалаларга яқинликдан ташқари бу лойиҳа турининг анча деталлилиги ва у ёки бу ихтисослик тармоғининг етакчи рол ўйнаши туфайли ўзига хос хусусияти

бор. Шунга кўра, умуман олганда туманни режалаштириш лойиҳасида куйидаги *асосий масалалар* ечилади:

- хуудни детал таҳлил қилиш асосида келажак функционал қисмларга бўлиш, саноат ва граждан қурилиши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва аҳолининг оммавий дам олиши учун энг қулай резерв майдонларни аниқлаш, бу майдонлар рўйхатини тузиш;
- конкрет ҳисоб-китоблар асосида туманнинг ва алоҳида аҳоли жойларининг келажак аҳолиси сонини аниқлаш, аҳоли жойлашуви, аҳоли жойлариаро маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва аҳолининг оммавий дам олишини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича конкрет таклифларини ишлаб чиқиш;
- турли тарҳий вариантларни солиштириш асосида мавжудларини кенгайтириш ва янги аҳоли жойларини жойлаштириш, саноат тугунлари ва алоҳида саноат қисмлари, омборхона комплекслари, қишлоқ хўжалик ер массивлари, дам олиш, даволаш ва туризм хуудлари, шаҳарларнинг яшил ва шаҳар яқинидаги қисмларининг келажак ривожланишини аниқлаш;
- ишлаб чиқариш ва аҳолининг аниқланган ҳисобий эҳтиёжларига кўра сув таъминоти, сувларни олиб кетиш, энергия таъминоти, туман аҳамиятидаги транспорт ва инженерлик коммуникацияларини жойлаштириш бўйича конкрет таклифларни ишлаб чиқиш; сув хўжалиги ва ёқилғи-энергетик балансларини тузиш, йирик сув олиш ва тозалаш иншоотлари, автомобиль йўллари трассалари, туман сув йўналтиргичлари, газопроводлар, электр узатиш линиялари ва бошқаларни жойлаштириш;
- тумандаги санитар-гигиеник шароитларни яхшилаш ва табиатни кўриқлаш бўйича, ҳаво ва сув ҳавзаларини тозалаш ва кўриқлаш бўйича, кўриқхоналар, табиий парклар, сувни кўриқлаш, санитар-ҳимоявий ва бошқа қисмларни ташкил этиш бўйича конкрет таклифларни ишлаб чиқиш.

Туманни режалаштириш тузилмалари кадастр, баҳолаш характериға эға бўлган ишлардир. Улар вилоят, республиканинг ҳудудий-хўжалик ривожланиши имкониятларини очиб беришлари, бу имкониятларни умумий ҳолда, иложи бориға вариантлар асосида амалға ошириш йўлларини кўрсатиб беришлари лозим. Туманни режалаштириш тузилмалари тизими улар билан бутун мамлакат ҳудудини қамраб олиб, режалаштириш органлари ва лойиҳалаш ташкилотларига тегишли материалларни тақдим этади. Улар асосида иқтисодий муаммоларни ечишни, авваламбор, республика ёки вилоятда йирик янги қурилишларни жойлаштириш ҳал этилади.

Туманни режалаштириш тузилмалари республика, вилоят миқёсида йирик хўжалик қурилишини жойлаштириш учун материал тақдим этади, шу билан бирға танлаш мақсадида ҳудуднинг айрим қисми, конкрет шаҳар ва майдонларни кўрсатади. Бунда қиёслаш объектлари бўлиб: шаҳарлар ва шаҳарчалар; улардан ташқарида қурилишни жойлаштириш учун йирик майдонлар; оммавий дам олишни ташкил этиш учун ҳудудлар; қишлоқ хўжалиги учун яроқли ер массивлари хизмат қилади.

Шундай қилиб, туманни режалаштириш тузилмалари лойиҳаланаётган республика, вилоятлар миқёсида танлаш тизимини ишлаб чиқади. Бу тизимда шаҳар жойлар тармоғини ривожлантириш концепцияси марказий ўринни эгаллайди. Республика ёки вилоят миқёсида, одатда бир неча ўн шаҳар ва шаҳарчалар мавжуд бўлади. Туманни режалаштириш тузилмаларида алоҳида шаҳар жойларнинг ривожланиши имкониятларини комплекс баҳолаш ўтказилади. Шаҳар жой ҳудуди ва уни атрофларининг табиий шароити ва ландшафти уларни хўжалик ва соғломлаштириш мақсадида фойдаланиш нуқтаи назаридан баҳоланади. Қурилиш базасининг ҳолати ҳамда энергия, иссиқлик, газ, сув таъминоти, канализациянинг мавжуд резервлари аниқланади. Комплекс баҳолаш асосида қайси шаҳарларни биринчи навбатда, қайсиларини узоқ келажакда ривожлантириш лозим, қайсиларини у

ёки бу сабабларга кўра умуман ривожлантормаслик тўғрисида тавсиялар берилади.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида, вилоят, республикалар ҳудудий-хўжалик ташкил этиш имкониятларини туманни режалаштириш тузилмаларидан фарқли равишда, бундай имкониятларни конкрет амалга оширишнинг рационал йўллари кўриб чиқилади. Туманни режалаштириш лойиҳалари туманни режалаштириш тузилмаларида кўриб чиқилган ҳудудни бир қисмида бажарилади, бу эса уларни йирикроқ масштабда ва анча йирикроқ деталлар билан ишлаб чиқиш имконини беради. Туманни режалаштириш тузилмаларида ривожланиш келажаги алоҳида фақат шаҳар жойлар учун аниқланади, қишлоқ жойлар тармоғи эса яхлит кўриб чиқилади. Туманни режалаштириш лойиҳаларида ҳам шаҳар жойлар, ҳам ҳар бир йирикроқ қишлоқ ривожланишининг ва инженерлик таъминотининг принципиал масалаларини ҳал этиши лозим.

Юқорида айтилгандек туманни режалаштириш лойиҳалари маъмурий туманлар гуруҳлари ва маъмурий туманлар учун тузилиши мумкин. Маъмурий туманлар гуруҳлари учун туманни режалаштириш лойиҳалари, асосан интенсив хўжалик ўзлаштирилган ҳудудлар учун бажарилади. Бу ҳудудларда жойлашган маъмурий туманлар гуруҳи учун шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолисидан устунлиги характерлидир. Интенсив хўжалик ўзлаштирилган ҳудудларда жойлашган туманлар одатда юқори аҳоли зичлигига эга бўладилар.

Маъмурий туманлар гуруҳлари учун туманни режалаштириш лойиҳалари иқтисодий-географик ҳолати ёки турдош маъмурий туманларнинг хўжалик ихтисослиги бир хил бўлган экстенсив хўжалик ўзлаштирилган ҳудудларда ҳам бажарилади.

Маъмурий туманлар гуруҳлари туманни режалаштириш лойиҳаларида интеграл ҳудудий-хўжалик масалаларига катта аҳамият берилади. Буларга туманларни гуруҳга бирлаштирувчи омиллар: хўжалик тортилиши,

иқтисодий-географик ҳолати, ҳўжалик ихтисослиги, аҳоли жойлашуви гуруҳлари шаклланиши кабилар киради.

Алоҳида туманни режалаштириш лойиҳалари ишланадиган маъмурий туманларга, одатда, шаҳар аҳолиси қишлоқникидан кам бўлганлари тўғри келади. Бу туманларда кўпинча қишлоқ ҳўжалик ихтисослиги устун бўлади.

Туманни режалаштириш инженер-тарҳий ҳужжат бўлиб, унинг режадан фарқи - мажбурийлиги, директивлиги йўқ, у ҳудудий ва тармоқ лойиҳалаш билан узвий боғлиқдир.

Ҳудудий лойиҳалаш макробосқич, мезобосқич ва микробосқичда бажарилади. Макробосқичда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг Бош тузилмаси бажарилади. Мезобосқичда вилоятлар ва туманлар миқёсида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш лойиҳалари бажарилади. Микробосқичда шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқ аҳоли жойларининг бош режалари, саноат тугунларининг бош режалари, ер тузилиши лойиҳалари амалга оширилади.

Макробосқичдаги ишлаб чиқариш кучлари бош тузилмасига мамлакат миқёсида аҳоли жойлашувининг Бош тузилмаси тўғри келади. Мезобосқичдаги иқтисодий ишланмаларга вилоятлар миқёсида туманни режалаштириш тузилмалари, туманлар миқёсида эса туманни режалаштириш лойиҳалари мос келади. Микробосқичда – аҳоли жойлари миқёсидаги иқтисодий ишланмаларга эса аҳоли жойларининг бош режалари тўғри келади.

Мамлакатимизда ҳудудий лойиҳалашдан ташқари соҳалар бўйича лойиҳалаш ишлари турли вазирликлар ва идоралар томонидан олиб борилади. Агарда халқ ҳўжалигини бошқариш соҳалар орқали амалга оширилиши назарга олинса, туманни режалаштиришни бу лойиҳалаш тури билан боғлиқлигига катта аҳамият бериш лозим бўлади. Туманни режалаштириш ечимларининг амалга ошиши кўп ҳолда бу боғлиқлик орқали ҳал этилади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Туманни режалаштириш объектларига нималар киради?
2. Туманни режалаштиришнинг асосий мақсади.
3. Туманни режалаштириш тузилмаларининг вазифалари.
4. Туманни режалаштириш лойиҳасининг вазифалари.
5. Туманни режалаштиришнинг бошқа лойиҳавий ва режа ҳужжатлар билан боғлиқлиги ва фарқи.

II-БЎЛИМ. ҲУДУДНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ҳудудни табиий шарт-шароитлар бўйича баҳолаш

Ҳудудни таҳлил қилишнинг асосий мақсади – кўрилаётган ҳудуд табиий шарт-шароитлари ва ресурсларининг таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали ундан турли хил соҳаларда фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш: шаҳар қурилишига, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига, аҳолининг оммавий дам олиш учун ҳудудни тарҳий ташкил этишга бўлган талабларни аниқлаш.

Табиий шарт-шароитларга қуйидагилар киради:

- геоморфологик шарт-шароитлар;
- геологик тузилиш;
- гидрогеологик шарт-шароитлар;
- минерал хом ашё ресурслари;
- инженер-геологик шарт-шароитлар;
- иқлимий шарт-шароитлар;
- гидрологик шарт-шароитлар;
- тупроқлар;
- ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;
- ландшафт тавсифи.

Геоморфологик шарт-шароитларни таҳлил қилганда рельефнинг морфологик ва морфометрик элементларига алоҳида эътибор берилади: шаклига, генетик турига, абсолют ва нисбий баландликларига, эрозион бўлиниш чуқурлиги ва қалинлигига, қияликларга. Бу хусусиятлар

таҳлилидан сўнг ҳудудни у ёки бу фойдаланиш учун қулайлиги бўйича туманлаштириш ўтказилади. Масалан, туманни режалаштириш тузилмаларида шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланишга, туманни режалаштириш лойиҳаларида эса саноат ва граждан қурилиши, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, оммавий дам олиш ва табиатни муҳофазалаш учун энг қулай туманлар аниқланади. Бунда асосий информация манбаи бўлиб махсус институтлар, вазирликлар ва идоралар томонидан тузиладиган топографик, аэро- ва космик, геоморфологик ва инженер-геологик материаллар хизмат қилади.

Ҳудуднинг **геологик тузилишини** кўриб чиққанда мураккаб геологик тузилишга эга, неотектоник ва сейсмик актив, тузилиш хусусиятлари ҳамда стратографик ва литологик комплекслар қуввати ва тарқалиш қонуниятлари бўйича туманлар ажратилади. Бунда, сейсмик туманларда сейсмик ҳолатнинг таҳлиliga, оҳактошлар тарқалган туманларда карст жараёнларининг пайдо бўлиши ва характери, уларнинг интенсивлигига алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун геология фондининг тектоник, геоморфологик, сейсмик-геологик карталаридан фойдаланилади.

Гидрогеологик шарт-шароитларни таҳлил қилганда ер ости сувларининг сув элтувчи горизонтлари, уларнинг тарқалиши, чуқурлиги, сувга тўйинганлиги, кимёвий таркиби ва агрессивлиги каби тавсифлари берилади. Бундан кейин кўриб чиқиладиган ҳудуд ер ости сувлари билан таъминланганлиги, эксплуатация заҳиралари ва уларни коммунал-маиший, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш мақсадлари учун баҳолаш нуқтаи назаридан туманлаштирилади. Ҳар бир санаб чиқилган фойдаланиш тури учун ер ости сувларининг у ёки бу тавсифномаси бирламчи аҳамиятга эга бўлади. Масалан, қурилиш мақсадлари учун ер ости сувларининг чуқурлиги ва агрессивлиги; қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун – шўрлик даражаси, сув босими чуқурлиги; соғлиқни сақлаш мақсадлари учун эса – сувларнинг даволаш ва термал хусусиятлари энг кўп аҳамиятга эгадир. Керакли маълумотларни геологик фонддан, ҳудудий геологик

бошқармалардан, сув хўжалиги институтларидан олиш мумкин. Бу маълумот регионал ва ҳавза картографик материаллари сифатида берилади.

Минерал хом-ашё ресурслари саноат ишлаб чиқариш ёки курорт хўжалигини ривожлантириш базаси сифатида тавсифланади. Уларнинг тарқалиш майдонлари эса тархий чекланиш сифатида хизмат қилади, ишлаб бўлинган майдонлар рекультивация ва хўжалик мақсадлари учун кейинчалик фойдаланиладиган ҳудудлар сифатида қаралади.

Минерал хом-ашё ресурслари тавсифланганда қуйидаги кўрсаткичлар: жойлашиши, тури, очилган йили, заҳира бўйича катталиги (энг катта, катта, ўрта, кичик), ўзлаштириш даражаси бўйича (ишлатилаётган, ишлатишга тайёрланаётган, разведка қилинаётган, келажак майдони), ҳозирги ва лойиҳавий қазиб олиш, қазиб олишдаги йўқотишлар; ишлаб чиқиш усуллари (ер ости, очик, ишқорлаш орқали), йиллар бўйича заҳира билан таъминланганли; заҳираларнинг кўпайиш келажаги (майдони ва чуқурлик бўйича); қазиб олинаётган хом ашёнинг стандартларга мослиги, қазилманинг рентабеллиги, хом-ашёнинг истеъмолчилари, қазилма бойлигининг баланс заҳираси кабилар ҳисобга олинади. Бундан ташқари қазилма бойликларининг айрим турлари бўйича прогноз заҳиралари келтирилади.

Маълумот манбаи бўлиб геология бошқармалари материаллари хизмат қилади.

Инженер-геологик шароитларнинг таҳлили геоморфологик, геологолитологик, гидрогеологик, гидрологик, инженер-геологик омилларнинг батафсил тавсифномасини ва уларнинг саноат ва граждан қурилишига таъсирини баҳолашни ўз ичига олади. Бунда қатор табиий омилларнинг ўзаро таъсирининг йиғиндиси бўлган ноқулай физик-геологик жараёнларни ўрганиш алоҳида ўрин тутди. Бунинг натижасида турли даражада сел, емирилиш, карст пайдо бўладиган, кўчкили чўкиш, сейсмик жараёнлар тарқалган туманлар ажратилади. Бунда иншоотлар асослари тупроқларига бўлган, йўл қўйиладиган юкланишлар, ер ости сувларининг чуқурлиги, сув босиш эҳтимоли, тепалар қиялиги, текисликнинг горизонтал

бўлиниши, карст жараёнлари, кўчки жараёнларининг тури ва интенсивлиги, жарлар тармоғи ҳисобга олиниши керак. Юқоридагилардан ташқари антропоген омиллар: сунъий сув ҳавзаларининг мавжудлиги, (уларнинг режими ва ер ости сувларига таъсири), минерал хом-ашё ресурсларини ишлаб чиқиш характери ҳамда уларнинг ноқулай физик-геологик жараёнлар ривожланиш тезлигига таъсири ҳам ҳисобга олиниши лозим. Комплекс геологик-гидрогеологик экспедициялар, геологик фонд материаллари асос бўлиб хизмат қилади.

Иқлимий шарт-шароитлар ҳудуднинг умумиқлимий тавсифномасини ўз ичига олади. Бу тавсифнома асосида қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва оммавий дам олиш учун ҳудудни туманлаштириш амалга оширилади. Умумиқлимий ҳолатни тавсифлаганда барча иқлимий кўрсаткичлар: қуёш радиацияси, температура, ёғинлар, намлик, шамол ҳисобга олинади. Туманни режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳудуднинг микроиқлимий хусусиятларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Қурилиш-иқлимий шарт-шароитлар иқлимнинг қурилиш учун қулайлигини аниқлайди. Энг муҳим аҳамиятга эга кўрсаткичларга: 0°C дан ўтишининг қайталаши, тупроқларнинг музлаш чуқурлиги, шамолларнинг асосий йўналишлари, ҳавонинг максимал ва минимал температуралари, ёғинларнинг мавсумийлиги ва интенсивлиги, ҳавонинг нисбий ва абсолют намлиги кабилар киради.

Физиологик-иқлимий шарт-шароитлар таҳлили йилда қуёшли кунлар давомийлиги, шамол тезлиги (3 м/с ва 5 м/с, штиль даврининг давомийлиги), ўртача йиллик ҳавонинг нисбий намлиги, ҳамда температураси 15°C ва ундан юқори (ёзда) ҳамда -10°C ва паст (қишда) кунлар, қулай кунлар қайтарилиш сони, об-ҳаво режимининг контрастлиги, ўртача ҳаво ҳароратининг суткалик етакчи амплитудаларини ўз ичига олади.

Агроиқлимий баҳолаш ҳудуднинг иссиқлик ва намлик билан таъминланганлик тавсифномасини, экстремал об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда, ўз ичига олади. Иссиқлик режими қишлоқ хўжалик

экинларининг вегетация давридаги актив ҳароратлар суммаси (ўрта кенглик - 10^0C дан юқори ҳароратлар суммаси, субтропик кенглик - 15^0C дан ошқ), вегетация давридаги абсолют $\min$ ва $\max T^0\text{C}$, музлатадиган ва қурғоқчил кунлар қайталаши давомийлиги билан тавсифланади. Намлик билан таъминланганлик ўсимликларнинг риожланиш давридаги иссиқлик ва намликнинг нисбати орқали аниқланади. Бундан ташқари ёғинларнинг тавсифи, уларнинг давомийлиги ва қисқа муддат ичидаги максимал катталигини ҳисобга олмоқ лозим. Туманнинг агроиклимий потенциалини аниқлашда кум бўронлари, дўл кўринишидаги ёғинлар, довуллар ва бошқа табиий омилларни ҳисобга олмоқ лозим. Юқоридаги иқлимий омилларни ўрганиш асосида агроиклимий туманлаштириш ўтказилади. Агроиклимий шароитларни ўрганишни “Агроиклимий ресурслар” ахборотномаси орқали амалга ошириш мумкин.

Гидрография тармоғини таҳлили дарё, кўл ва сув омборларининг физик-кимёвий тавсифномасини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Бунда дарёларнинг узунлиги, сув омборлари ва кўлларнинг сув юзаси майдони, сув йиғиш майдони, озикланиш шароитлари ва сув харжи, оқим тезлиги, тошқинлар давомийлиги, сувнинг кимёвий таркиби ўрганилади. Таҳлил нафақат бутун ҳудуд, балки алоҳида регионлар (тузилмаларда), дарё, кўл ва сув омборлари ҳавзаларида (лойиҳаларда) ўтказилади. Деталлаштириб қараганда сув ресурслари манбаларининг ва коммунал аҳамиятидаги сув ҳавзаларининг қўшимча тавсифномалари ҳисобга олинмоғи лозим: бир вақтда мумкин бўлган сув олиш ҳажми, сув олиш қисмининг таъсир доирасининг кенглиги ва узунлиги. Олинган натижаларни қайта ишлаш орқали ҳудудни сув билн таъминланганлик ва туманнинг сув ресурсларини турли халқ хўжалик соҳаларида фойдаланиш даражасини баҳолаш мумкин бўлади.

Гидрографик тармоқ тўғрисидаги материалларни гидрографик ва навигацион хариталардан, махсус гидрологик ахборотномалардан олиш мумкин.

Тупроқ ўсимлик қатламини тавсифлаганда асосий диққат бу ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни сақлашга қаратилмоғи лозим. Масалан, тупроқ қатламини баҳолаганда тупроқнинг асосий турлари ва уларнинг тарқалиш ҳудудлари ажратилади. Бунда уларнинг эрозия жараёнларига дучор бўлганлиги, асосий хўжалик фойдаланиш турлари бўйича сифат ва агроиктисодий баҳолаш, шаҳарсозлик ва рекреацион баҳолашда эса тупроқларнинг кўкаламзорлаштиришга яроқлилиги ҳисобга олинади.

Ўсимликлар асосий турларининг тарқалиши, ўсимлик гуруҳларининг экологик ва эстетик хусусиятлари, уларнинг ўрмон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, рекреация, сув, табиат муҳофазаси аҳамияти билан тавсифланади. Бу масалаларни ёритишда қишлоқ хўжалик бошқармалари, ўрмон хўжалиги институтлари, топографик хариталар ва бошқалардан фойдаланилади.


Ҳайвонот дунёсининг таҳлили уларнинг хўжалик аҳамияти ва табиат муҳофазаси талабларидан келиб чиқиб ўтказилади. Ҳайвонот дунёси турларнинг тарқалиши, уларнинг экологик хусусиятлари, яшаш шароитлари билан тавсифланади. Хўжалик аҳамиятидаги (чорвачилик, ов қилиш, балиқ хўжалиги) ва муҳофаза қилиш керак бўлган камёб турлар кўриб чиқилади. Ҳайвонот дунёси тўғрисидаги материаллар алоҳида турларнинг тарқалиш хариталаридан, қишлоқ хўжалиги ва балиқ хўжалиги институтларидан, табиат муҳофазаси жамиятларидан олинади.

Ландшафтлар уларнинг аҳоли дам олиш ва инсон фаолияти натижасида бузилиши нуқтаи назаридан тавсифланади. Қуйидаги ландшафтлар – табиатнинг бебаҳо ҳудудлари ҳамда хўжалик фаолияти билан энг кўп ишдан чиққан ландшафтлар, уларни қайта тиклаш ва маданийлаштириш мақсадида, ажратилади. Керакли материаллар ландшафт хариталаридан, университет ва институтлар география кафедраларидан, табиат муҳофазаси жамиятларидан олинади.

Умуман “Табиий шароит ва ресурслар” бўлими табиий муҳит компонентларининг қисқача тавсифномаси билан чекланмай, табиий

ресурслардан фойдаланиш даражаси, эффективлиги, комплекслилиги бўйича, табиий шароитларни у ёки бу халқ хўжалик мақсадларида рационал фойдаланиш бўйича керакли хулосаларни ҳамда ҳудудни комплекс баҳолаш учун бирламчи материал бермоғи лозим.

Ҳудудларни табиий шарт-шароитлар бўйича баҳолаш асосий хўжалик юритиш турлари учун амалга оширилади. Туманни режалаштириш тузилмаларида - шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги ва оммавий дам олиш учун баҳоланса, туманни режалаштириш лойиҳаларида эса саноат ва граждан қурилиши, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, оммавий дам олиш ва табиатни қўриқлаш соҳалари учун баҳолаш амалга оширилади (18-расм)



18-расм. Туманни режалаштириш лойиҳаси. Ҳудудни табиий шарт-шароит бўйича баҳолаш: 1-дарёлар; 2-ўрмонлар; 3-қазилма бойликлар; 4-қулай; 5-чекланган қулай; 6-ноқулай ҳудудлар.


Назорат учун саволлар:

1. Табиий шарт-шароитларга нималар киради?
2. Геоморфологик шарт-шароитлар нима?
3. Геологик тузилиш деганда нимани тушунамиз?

4. Гидрогеологик шарт-шароитлар нима?
5. Инженер-геологик шарт-шароитларга нималар киради?
6. Иқлимий шарт-шароитларга нималар киради?
7. Агроиклимий баҳолаш нима?
8. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси қандай тавсифланади?
9. Ландшафтлар қандай тавсифланади?
10. Қандай хўжалик юритиш турларини биласиз?

2.2. Худудни антропоген омиллар бўйича баҳолаш

Худудни фойдаланиш характериға муҳим табиий омиллардан ташқари, инсон фаолияти билан боғлиқ антропоген омиллар ҳам таъсир кўрсатадилар. Улар баъзан таъсир кучи бўйича табиий омиллар билан баҳслашса, баъзан уларни ортида қолдириш мумкин. Антропоген омилларға: худуднинг санитар-гигиеник ҳолати; унинг транспорт ва инженерлик тармоқлари ва иншоотлари билан таъминланганлиги; асосий саноат, маъмурий-хўжалик ва маданий марказларнинг транспорт етарлилиги; табиатни муҳофаза қилиш талаблари ҳамда баъзи табиий ва маданий ландшафтларнинг меъморий-эстетик қиммати кабилар киради (19-расм).



19- расм. Туманни режаштириш лойихаси.Худудни тархй шароит бўйича қурилиш учун баҳолаш.

1-аҳоли жойлари; 2-темир йўллар; 3-автомобил йўллари; 4-дарё ва сув омборлари; 5- ўрмонлар; 6-ишлаётган конлар; 7-қулай; 8-чекланган қулай; 9-ноқулай ҳудудлар.

Худудни тарнспорт хизмати билан таъминланганлик даражаси унинг турли майдонларини мавжуд ва қуриладган транспорт тармоқларидан узоқ-яқинлиги орқали баҳоланади. Инженерлик таъминоти — янги истеъмолчиларни рационал қўша олиш радиусига эга бўлган, мавжуд ва қуриладган бош иншоотлар ҳамда бир ёки бир неча инженерлик иншоотлари турлари билан таъминланган ҳудуд майдонлари орқали баҳоланади.

Янги ҳудудларнинг санитар-гигиеник ҳолати тадқиқ қилинади. Сув манбаълари, ҳаво атмосфераси, сув ҳавзалари, тупроқлар ва ўрмон массивларининг ифлосланиш характери ва интенсивлиги ўрганилади.

Атмосферани ишлаб чиқариш газлари билан захарлайдиган, сув ҳавзалари тозаланмаган ёки кам тозаланган оқава сувлар, ҳудудни саноат чиқиндилари билан ифлослантирган корхоналар аниқланади. Туманда жойлашган минерал сувлар захиралари, даволовчи балчиқлар, тоза сув ҳавзалари, пляжлар даволаш-соғломлаштириш мақсадлари учун алоҳида ўрганилади.

Фойдали қазилмалар захиралари аниқланади: уларнинг характери, ўрганилганлик даражаси, жойлашуви ва ишлаб чиқариш учун имкониятлари белгиланади.

Ҳудудни атропоген омиллар бўйича баҳолаш ҳам асосий хўжалик юритиш фаолиятлари асосида амалга оширилади:

- **Саноат ва граждан қурилиши** учун ҳудудни транспорт хизмати билан таъминланганлиги, санитар-гигиеник шарт-шароитлар бўйича, табиатни муҳофаза қилиш шароитлари, аҳоли жойлариаро маданий-маиший хизмат кўрсатиш марказларигача бўлган масофа, архитектура-ландшафт шарт-шароитлари бўйича;
- **Қишлоқ хўжалиги учун** – транспорт хизмати билан таъминланганлик, табиатни муҳофаза қилиш шароитлари, аҳоли жойлариаро маданий-маиший хизмат кўрсатиш марказларигача бўлган масофа;
- **Ўрмон хўжалиги учун** – ҳудудни транспорт билан таъминланганлиги табиатни муҳофаза қилиш шароитлари бўйича;
- **Оммавий дам олиш учун** – архитектура-ландшафт шароитлари бўйича, табиатни муҳофаза қилиш шароитлари, ҳудудни транспорт билан таъминланганлиги, асосий шаҳарларгача бўлган масофа бўйича.

Ҳар бир хўжалик юритиш фаолияти учун тузилган чизмада баҳоловчи туманлар ажратилади, уларнинг чегараси бўлиб у ёки бу омилнинг етакчи ҳудудий тавсифномаси хизмат қилади (магистралларнинг, темир йўл станцияларининг таъсир зонаси, санитар-ҳимоя зоналари, транспорт етарлилиги ва ҳ.к.).

Назорат учун саволлар:

1. Антропоген омилларга нималар киради?
2. Худуднинг санитар-гигиеник ҳолати нима?
3. Худуднинг транспорт ва инженерлик тармоқлари билан таъминланганлиги деганда нимани тушунасиш?
4. Маъмурий ва маданий марказларнинг транспорт етарлилиги нима?
5. Табиатни муҳофаза қилиш талабларига нималар киради?
6. Табиий ва маданий ландшафтларнинг меъморий-эстетик қиммати нима?
7. Асосий хўжалик юритиш фаолияти турлари учун антропоген омилларнинг қайсилари кўпроқ роль ўйнайди?

2.3. Худудни комплекс баҳолаш

Туманни режалаштиришда худудни баҳолаш хусусий ёки комплекс бўлиши мумкин. Худудни хусусий баҳолаш унинг хўжалик фойдаланиш бирор-бир тури манфаатидан, комплекс баҳолаш эса барча хўжалик юритиш турлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилади.

Туманни режалаштиришда худудни комплекс баҳолаш деганда туманни бутун худуднинг алоҳида майдонларида асосий хўжалик юритиш турларини (қурилиш, оммавий дам олиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги) табиий ва антропоген омиллари комплекси бўйича жойлаштиришга қулайлигини нисбатан тархий баҳолаш тушунилади.

Туманни режалаштириш тузилмаларида худудни комплекс баҳолашнинг вазифалари лойиҳалашнинг шу босқичида ечилиши лозим бўлган муаммолар билан белгиланади ва улар қуйидагилардан иборат:

- танланган хўжалик фойдаланиш турларини ривожлантириш учун ёки алоҳида йирик саноат, граждон ва бошқа комплексларни, техник коммуникациялар ва иншоотларни жойлаштириш учун худудий ресурсларни топиш;
- у ёки бу фойдаланиш тури ривожланишини чекловчи ёки қийинлаштирувчи худуднинг хусусиятларини аниқлаш;


- туманни режалаштиришнинг асосий вазифаларини вилоят ҳудудида бажарилишини таъминловчи хўжалик юритиш турларини белгилаш.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида ҳудудни комплекс баҳолаш тегишли туманни режалаштириш тузилмаларида олинган натижаларга асосланмоғи лозим. Бунда уларни деталлаштирилиб, чуқурлаштирилиб ва ривожлантириб, туманнинг тархӣй эҳтиёжлари учун фойдаланиши керак.

Туманни режалаштириш тузилмаларида хўжалик юритиш турлари бўлиб саноат ва граждaн қурилиши, кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги, оммавий дам олиш, табиат муҳофазаси, тарихий ва маданий ёдгорликларни қўриқлаш хизмат қилади.

Туманни режалаштириш лойиҳасида ҳудуддан фойдаланиш турлари бўлиб анчагина майда категориялар – граждaн қурилиши, саноат қурилиши, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, ўрмон хўжалиги, балиқчилик, қисқа ва узок дам олиш, табиат муҳофазаси, тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш, туманни режалаштириш тузилмаларида эса комплекс баҳолаш объекти бўлиб вилоят ҳудуди хизмат қилади. Хўжалик функцияси умрбод белгилаб қўйилган ҳудудлар (қўриқхоналар, буюртмахоналар, тарихий ва маданий ёдгорликлар тўпланган ҳудуд, I гуруҳ ўрмонлар).

Туманни режалаштириш лойиҳаларида комплекс баҳолаш объекти бўлиб, одатда, туманни режалаштириш тузилмаси доирасидаги бирорта функционал қисм (ёки бир неча қисмлар) хизмат қилади (20-расм).



20- расм. Туманни режалаштириш тузилмасида комплекс баҳолаш.

Худудни комплекс баҳолаш даражаси.

Қурилиш учун: 1-қулай; 2-чекланган қулай; 3-ноқулай;


Дам олиш учун: 4-қулай; 5-чекланган қулай; 6-ноқулай;

Қишлоқ хўжалик учун: 7-қулай; 8-чекланган қулай; 9-ноқулай;

Ўрмон хўжалиги учун: 10-қулай; 11-чекланган қулай; 12-ноқулай.

Худудни баҳолаш икки гуруҳ – табиий ва антропоген – омиллари бўйича ўтказилади. Табиий омилларга: инженер-геологик, тўпроқ-ўсимлик, иқлимий, сув ва минерал хом ашё ресурслари ва бошқалар киради. Антропоген омилларга: худудни транспорт ва инженерлик тармоқлари ва иншоотлари билан таъминлаш; асосий саноат, маъмурий-хўжалик ва маданий марказларнинг транспорт етарлилиги, табиат муҳофазаси талаблари, санитар-гигиеник шароитлар ҳамда алоҳида табиий ва маданий ландшафтларнинг меъморий-эстетик қиммати кабилар киради.

Туманни режалаштириш лойиҳасида баҳолаш омиллари туманни режалаштириш тузилмасига нисбатан кўпроқ бўлади. Худудни комплекс баҳолашда режалаштириш объектининг баҳолаш туманлари (тузилмаларда) ва баҳолаш майдонларига (лойиҳаларда) худудни у ёки бу хўжалик юритишга лойиклик даражаси бўйича бўлиб чиқилади. Баҳолаш туманлари (майдонлари)ни уч гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир: қулай, чекланган қулай ва ноқулай (21-расм).



21- расм. Туманни режалаштириш лойиҳасида баҳолаш.

Худуднинг қулайлик даражаси.

Қишлоқ хўжалиги учун: 1-қулай; 2-чекланган қулай; 3-ноқулай;

Қурилиш учун: 4-қулай; 5- чекланган қулай; 6- ноқулай;

Оммавий дам олиш учун: 7- қулай; 8- чекланган қулай; 9- ноқулай.

Баҳолаш туманларини (майдонларини) ажратиш ва тегишлича худудни у ёки бу омилнинг қандайдир хоссаси бўйича баҳолаш шу хоссани натурал кўрсаткичи бўйича баҳолаш орқали ўтказилади. Бу кўрсаткичлар ҳар бир баҳолаш туманининг ҳар бир омилнинг ҳар бир хоссаси бўйича ўрнатилади. Натурал кўрсаткичлар интервалларининг чекка катталигидан келиб чиқиб баҳолаш туманларининг чегаралари ажратилади.

Натурал кўрсаткичлар бўйича баҳолаш ва баҳолаш туманларини (майдонларини) ажратиш мезонлари бўлиб баҳолаш омилларининг натурал фактик кўрсаткичларини норматив даражага келтириш учун кетган харажатлар қабул қилинади. Бунда норматив деб шундай натурал кўрсаткичларга айтиладики, улар шу худудда у ёки бу хўжалик юритишни энг эффектив ишлашини таъминлайди. Шунга кўра қулай худудларга шундай натурал кўрсаткичли, у ёки бу хўжалик соҳасини кўп бўлмаган инженерлик

тадбирлари ва қўшимча капитал сарфисиз ишлашини таъминлайдиган жойлар киради. Чекланган қулай жойларга уларни ўзлаштиришга анчагина қиммат инженерлик тадбирлари ўтказиш лозим бўлган натурал кўрсаткичли ҳудудлар тўғри келади. Ноқулай жойларга натурал кўрсаткичларини норматив даражага келтириш учун жуда қиммат инженерлик тадбирларини ўтказиш талаб қиладиган ҳудудлар киради.

Ҳудудни комплекс баҳолаш оддий ва дифференциал балли, қиймат бўйича ва қўшма баҳолаш асосида ўтказилиши мумкин. Энг аниғи – хўжалик юритиши тури бўйича ҳар бир кўриб чиқиладиган омил бўйича нисбий қимматлашувни ҳисоблашга асосланган **қийматли баҳолашдир**.

Баллар бўйича баҳолаганда ҳудуднинг у ёки бу хўжалик юритиш фаолияти учун қулайлиги рангларга ажратилган балларни қўйиш орқали баллар бўйича амалга оширилади.

Эксперт йўли бўйича баҳолашда (камида 20 та эксперт бўлиши керак) у ёки бу хўжалик фаолияти учун шарт-шароитлар умумий комплексдаги омилларни рангларга уларнинг муҳимлик даражаси бўйича ажратилиб, алоҳида омиллар баллар бўйича баҳоланади.

Интеграл баҳолаш баллар, эксперт ёки қиймати бўйича амалга оширилиши мумкин.

Қиймат бўйича баҳолаш конкрет шароитларда у ёки бу хўжалик юритиш фаолияти учун ҳар бир омил бўйича ҳудудий ўзлаштиришдаги қийматнинг нисбий ошишини аниқлаш орқали амалга оширилади. Бунинг учун 1 га ҳудудни ўзлаштиришга кетадиган харажатлар норматив даражага нисбатан аниқланади. Комплекс баҳолаш орқали ҳудудни хўжалик ўзлаштириш ва қурилиш учун резерв майдонлари аниқланади.

Назорат учун саволлар:

1. Ҳудудни комплекс баҳолаш нима?
2. Туманни режалаштириш тузилмаларида ҳудудни комплекс баҳолашнинг вазифалари нималардан иборат?

3. Туманни режалаштириш лойиҳаларида ҳудудни комплекс баҳолашнинг вазифалари нималардан иборат?
4. Баҳолаш туманлари қандай гуруҳларга бўлинади?
5. Қулай гуруҳларга нималар киради?
6. Чекланган қулай ҳудудларга нималар киради?
7. Ноқулай ҳудудларга нималар киради?
8. Комплекс баҳолаш қандай усуллар билан ўтказилиши мумкин?

2.4. Туманни режалаштиришда демографик сиғимни ҳисоблаш

Ҳудуднинг демографик сиғими деб, туманнинг шундай максимал аҳолиси сонига айтиладики, уларни унинг чегарасида экологик мувозанатни сақлаган ҳолда энг муҳим кундалик ресурслар билан таъминлаган ҳолда жойлаштириш мумкин бўлади.

Ҳудуднинг демографик сиғими (ХДС) у ёки бу туманни ўта саноат ривожланишидан сақлайдиган ўзига хос чегарадир. У ўзгарувчан кўрсаткич, шунинг учун уни регион туман миқёсидаги тадбирларни ҳисобга олиб ҳисоблаш керак. Илмий-техник ва ижтимоий прогресс шароитида, миллий бойлик ва ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши, тупроқларнинг унумдорлиги ва ўрмонларнинг ҳосилдорлиги ошиши, сув ресурсларини узоққа ошириш ва бошқа тадбирлар натижасида ҳудуднинг демографик сиғими кўрсаткичлари ошиши мумкин.

Ҳудуднинг демографик сиғимини аниқлаш йирик шаҳарлар таъсир доирасида, ривожланган саноат ва курорт туманлари учун айниқса долзарбдир. Тадқиқот натижаларидан ҳудудни инженерлик жиҳозлаш ва ободонлаштириш ҳамда ундан фойдаланиш режимини баҳолаш боғлиқ бўлади.

Ҳудуднинг демографик сиғими аҳолининг кундалик ҳаётига энг зарур табиий компонентларни таҳлил қилиш асосида аниқланади:

- ер усти ва ер ости сувлари ресурслари;
- саноат ва граждон қурилишига яроқли ҳудудлар;

- шаҳар яқинидаги қишлоқ хўжалик базасини ташкил этишга яроқли қишлоқ хўжалик ерлари;
- аҳолининг оммавий дам олишига қулай ҳудудлар.

Ҳудуднинг демографик сиғими ҳудудни комплекс баҳолаш натижаларига кўра туман халқ хўжалик комплекси ва аҳолисининг юқорида кўрсатилган ресурсларга бўлган талабини норматив эҳтиёжларга солиштириш орқали аниқланади. Бунда туманнинг хусусий демографик сиғимлари – сув, ҳудудлар, рекреацион ресурслар, шаҳаролди қишлоқ хўжалик базаси бўйича диққат билан таҳлил қилиниб, унинг асосида ҳудуднинг умумий демографик сиғими тўғрисида қарор қабул қилинади (одатда минимал кўрсаткич бўйича).

Туманни режалаштириш лойиҳаларида ҳудуднинг демографик сиғимини аниқлаш кўрилатган ҳудудда 1 кв.км га 50 кишидан ошган ҳолларда албатта ўтказилади.

Ҳудуднинг демографик сиғими **сув ресурслари** бўйича қуйидагича аниқланади:

$$D_1 = D_2 + D_3 \text{ бу ерда}$$

D_2 – ер усти сув ресурслари бўйича ХДС;

D_3 – ер ости сув ресурслари бўйича ХДС;

Ер усти сув ресурслари бўйича ҳудуднинг сиғими қуйидагича аниқланади:

$$D_2 = \frac{\sum P_i \cdot K \cdot 1000}{P}, \text{ бу ерда:}$$

P_i – i сув тармоғидаги туманга кирверишдаги сув сарфи;

P – 1000 та одамга норматив эҳтиёж ($\text{м}^3/\text{сут}$), туманнинг ривожланиш характериға қараб 1000-2000 $\text{м}^3/\text{сут}$ қабул қилинади; K -оқава сувларни суюлтириш коэффиценти (жанубий дарёларда $K=0,25$, шимолий дарёларда $K=0,1$).

Ер ости сув ресурслари бўйича ҳудуднинг сиғими қуйидагича аниқланади:

$$D_3 = \frac{\sum \varepsilon_i T_i 1000}{P_0}, \text{ бу ерда}$$

Σi – i майдоннинг ер ости оқимининг эксплуатация модули, $\text{м}^3/\text{сут. га}$

T_i – ҳудуднинг i -майдони, га

P_0 – 1000 та одамни сув билан таъминлашнинг махсус нормативи – 40 $\text{м}^3/\text{сут.}$

Саноат ва граждан қурилиши бўйича ҳудуднинг демографик сифими қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$D_4 = \frac{\Sigma T_i \times 1000}{H}, \text{ бунда}$$

T_i – ҳудуднинг энг юқори балл олган майдонлари, га.

H – 1000 та одамга тўғри келадиган ҳудудга тахминий эҳтиёж, туманнинг ишлаб чиқариш базасига мувофиқ (1 км^2 20-25 та одам).

Ҳудуднинг рекреацион ресурслар бўйича демографик сифимини аниқлашда “тиғиз” даврда дам олувчилар сони туман аҳолисининг 40% ини ташкил этади деб қабул қилинади. У қуруқ иссиқ иқлимли туманларда сув бўйида 75%, ўрмон жойла 25% нисбатда тақсимланади. Шундай қилиб сув бўйида дам олишни ташкил этиш бўйича ҳудуд сифими қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$D_5 = \frac{2 \Sigma B_i \times C \times 1000}{0,5 M_1} \text{ бу ерда}$$

B_i – чўмилишга мос i – сув тармоғининг узунлиги (км);

C – пляжлар ташкил этиш имкониятини ҳисобга олиш коэффициенти (ўрмон ва ўрмон-дашт зонасида $C=0,5$, дашт ва чўл зонасида $C=0,3$) $0,5$ – 1000 кишининг пляжларга бўлган норматив эҳтиёжи (км) M_1 – дам олувчиларнинг ўрмон ва сув бўйида тақсимланишини ҳисобга олувчи коэффициенти (мўътадил иқлимли туманлар учун $M_1=0,1-0,15$; иссиқ иқлимли туманлар учун $M_1=0,3-0,4$).

Ўрмонда дам олишни ташкил этиш бўйича ҳудуд сифими қуйидагича аниқланади:

$$D_6 = \frac{\Sigma T_i \times 0 \times 0,5 \times 1000}{100 H M} , \text{ бу ерда}$$

T_i – ҳудуднинг дам олиш шароити бўйича юқори баҳо олган майдони (га);

О – туманнинг ўрмон билан қопланганлиги (%);

0,5 – шаҳарларнинг яшил қисмларини ташкил этиш кераклигини ҳисобга олиш коэффиценти;

Н – 1000 кишининг рекреацион ҳудудларга бўлган норматив эҳтиёжи (ўртача 1 га ўрмонга 5 та одам бўлган рекреацион босимда бу норматив 2 км² ни ташкил этади);

М – дам олувчиларнинг ўрмон ва сув бўйича тақсимланишини ҳисобга олувчи коэффиценти (мўътадил иқлимли туманларда М=0,3, иссиқ иқлимли туманларда М=0,1).

Шаҳаролди қишлоқ хўжалик базасини ташкил этиш бўйича ҳудуднинг демографик сиғимини ҳисоблаш

$$Д_7 = \frac{\sum T_i \times E \times 1000}{П}, \quad \text{бу ерда}$$

T_i - ҳудуднинг қишлоқ хўжалигига қулай i - майдони (га)

Е – қишлоқ хўжалик ерларини шаҳаролди базасига фойдаланишни ҳисобга олувчи коэффиценти (конкрет шароитларга кўра 0,1 – 1 гача бўлади).

П – 1000 та одамга тўғри келадиган шаҳаролди қишлоқ хўжалик базасига бўлган эҳтиёж (га).

Функционал ва тарҳий таркибни ривожланишининг тегишли масалаларини ечишда ҳудуддан у ёки бу тур учун фойдаланганда унинг хусусий демографик сиғими (шаҳаролди қишлоқ хўжалиги базасинининг, ҳудудий сув, рекреацион ресурсларнинг мавжудлиги) мутақил аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бирга, одатда ҳудуднинг демографик сиғими кўрсаткичи қилиб интеграл катталиқ сифатида юқорида олинган натижаларнинг энг кичиги олинади.

Назорат учун саволлар:

- 7 Ҳудуднинг демографик сиғими нима?
- 8 Ҳудуднинг демографик сиғими қайси омиллар бўйича аниқланади?
- 9 Сув ресурслари бўйича ҳудуднинг демографик сиғими қандай аниқланади?

- 10 Саноат ва граждон қурилиши бўйича демографик сиғим қандай топилади?
- 11 Рекреацион ресурслар бўйича ҳудуднинг демографик сиғими қандай аниқланади?
- 12 Шаҳаролди қишлоқ хўжалик базасини ташкил этиш бўйича демографик сиғим қандай топилади.

III- БЎЛИМ. АҲОЛИ ВА ХЎЖАЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КЕЛАЖАГИ.

3.1. Аҳоли сонини ҳисоблаш

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларининг таркибий қисми келажак аҳоли ва меҳнат ресурсларининг сонини ҳисоб-китобидир.

Туманни режалаштиришнинг барча турлари учун аҳолининг ва меҳнат ресурсларининг прогноз ҳисоб-китоблари демографик куўрсаткичлардан фойдаланиб (аҳолининг сони, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг сони, табиий ва механик ҳаракат тўғрисидаги маълумотлар, аҳолининг жинс ва ёш таркиби ва ҳ.к.) ва аҳолининг меҳнатга муносабатини характерлайдиган кўрсаткичларга (меҳнат ресурслари баланси) асосланиб амалга оширилади. Бунда туманни режалаштириш тузилмалари учун таянч бўлиб келажак аҳоли сонининг демографик кўрсаткичлари бўйича ҳисоб натижалари, коррективировка учун эса меҳнат баланси кўрсаткичлари хизмат қилади. Туманни режалаштириш лойиҳалари учун эса бу нисбат тесқаридир. Туманни режалаштириш тузилмалари учун бу – иқтисодий гипотеза прогноз қилинаётган демографик ҳолатдан келиб чиқса, туманни режалаштириш лойиҳаларида эса иқтисодиётнинг ривожланиши кичик ҳудудлар учун енгил ўзгарадиган демографик кўрсаткичларга таянади.

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида аҳолини прогнозлаш иккита мақсадни кўзлайди. Биринчидан, бу аҳолининг умумий сони, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сони ҳамда режалаштириш объекти таркибидаги алоҳида аҳоли жойларининг аҳолисини прогнозлашдир. Иккинчидан эса, бу фақат аҳоли сонигина эмас, балки жинс ва ёш таркибини

прогнозлашдир. Биринчи ҳолда прогнозлаш экстраполяция ва регрессион моделларда, иккинчи ҳолда эса ёшларни суриш усулига асосланган.

Экстраполяция усули бирламчи кўрсаткичларнинг таҳлиliga ва ўрганилаётган ҳодиса ва жараённинг келажак ўзгаришларига нисбатан тахминларнинг қабул қилинишига асосланган. Бунда асосий шартлардан бири ретроспектив кузатишлар вақти прогнозлаш вақтидан кам бўлмаслиги керак. Бу шуни билдирадики, агар лойиҳа йигирма йилга ишланаётган бўлса, аҳоли сонининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар ҳам камида йигирма йиллик даврни ўз ичига олиши лозим. Умуман, ретроспектива чуқурлигининг ўсиши прогнозлаш ишончилигини оширади, келажак аҳоли сонини ўзгаришлари тўғрисида асосли қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Кейинги қадам қабул қилинган гипотеза асосида экстраполяциянинг аналитик функциясини танлаш (чизиқли, экспоненциал, квадратик ёки мантиқий).

Туманни режалаштириш тажрибасида ишлатиладиган энг содда ва кўп қўлланиладиган функция – чизиқлардир. У аҳолининг доимий абсолют ўсиши (ёки камайиши) шароитларида қўлланилади ва қуйидаги кўринишга эга:

$$Nt = No(1 + Kt), \text{бу ерда}$$

Nt - t йилдан кейинги аҳолининг сони;

No – аҳолининг бошланғич сони;

K – аҳолининг ўртача йиллик ўсиши;

t – прогнозлаш йили.

Экспоненциал функция аҳолининг доимий нисбий ўсиши ёки камайишида, яъни унинг геометрик прогрессияда ривожланишида қўлланилади:

$$Nt = Noe^{kt}, \text{бу ерда}$$

e натурал логарифм асоси ($e = 2,71828...$).

Квадратик функция аҳолининг абсолют ўсиши ёки камайиши доимий катталиқда ўзгарса, яъни парабола бўйича ривожланса, қўлланилади. Иккинчи даражали параболани қўллаганда формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Nt = a + bt + c t^2, \text{ бу ерда}$$

a, b, c – параболанинг параметрлари.

Амалда соддалаштирилган мантикий эгри чизик формуласидан фойдаланилди, у эмпирик кўрсаткичларга анча яқин: $Nt = \frac{1}{a+bc^t}$

Ҳамма вақт фақатгина битта ривожланиш босқичига тегишли бўлгандагина экстраполяция услубларини қўллаш ижобий натижа беради.

Аҳоли сонини прогнозлашнинг кўпгина усуллари регрессион моделларга асосланган. Бу моделлар аҳоли динамикасини ижтимоий-иқтисодий омиллардан бир қадар боғлиқлиги тўрисидаги эҳтимолларга асосланади. Регрессион моделларнинг кўпгина камчиликлари мавжуд бўлса ҳам (жумладан, улар демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар орасидаги сабаб-оқибат алоқаларини соддалаштиради, катта ҳисоб-китоблар билан боғлиқ ва ҳ.к.), демографик прогнозлашда улар маълум бир қимматга эгадирлар.

Энг кўп қўлланадиган статистик усуллардан бири – бу оддий (хусусий) регрессиянинг таҳлили. Аҳоли сони боғлиқ ўзгарувчи сифатида, бошқа омил (масалан, асосий ишлаб чиқариш фондлари катталиги) – аргумент сифатида олинади. Кўрсаткичларнинг ретроспектив массивида иккала ўзгарувчи қабул қилган катталиқлар орасидаги алоқа ўрганилади. Оддий алоқа шакли чизикли тенглама графиги орқали ифодаланади ва қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Nt = a + bX_{t-r}, \text{ бу ерда}$$

a ва b – энг кичик квадратлар усули орқали аниқланадиган параметрлар;

X_{t-r} боғлиқ бўлмаган ўзгарувчи; t -прогноزلаш даври. r - кеч қолиш

даври (лаг).

г дан фойдаланиш шуни билдирадики N ва X кўрсаткичларини кузатиш турли вақт моментларига тўғри келиши мумкин. Масалан, аҳоли сони ўтган йилдаги асосий ишлаб чиқариш фондлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳолда $T = 1$ ва тенглама қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$Nt = a + bXt - 1$$

Хусусий регрессиянинг анча мураккаб шакли чизиқли бўлмаган боғлиқликлардан фойдаланилганда пайдо бўлади. Бу ҳолда қийшиқ прогрессия тенгламаси:

$$N = a + f(x) \text{ кўринишни олади;}$$

бу ерда $f(x)$ ҳарқандай боғлиқ бўлмаган ўзгарувчан функциясини (масалан, парабола ёки намунали қийшиқ чизиқ) билдиради.

Аҳоли сонини прогнозлашда регрессион моделларни қўллаш боғлиқ бўлмаган ўзгарувчиларнинг ишончли прогнозлари бўлган тақдирдагина мақсадга мувофиқдир.

“Ёшларни суриш” усулига асосланган аҳолининг демографик прогнози энг қимматлидир, чунки бунинг натижасида нафақат аҳолининг сони тўғрисида, балки унинг таркиби тўғрисида ҳам энг аниқ ва тўлиқ маълумотлар олинади. Бу усулдан келажак ҳисоб-китобларда фойдаланилганда туғилиш, ўлиш ва аҳоли миграцияси даражасидаги келажак ўзгаришларни ҳисобга олмоқ лозим. Умумий ҳолда аҳоли ҳисоб-китоби қуйидаги формула бўйича олиб борилади:

$$Nt = N_0 + (\alpha N_0 + \sigma) - \rho N_0 + y, \text{ бу ерда}$$

N_0 – бошланғич йилдаги аҳоли сони; α - прогноз давридаги кутилаётган туғилиш коэффиценти; σ – шу даврдаги аҳолининг миграцион келиши; ρ – прогноз давридаги кутилаётган ўлиш коэффиценти; y - шу даврдаги аҳолининг миграцион кетиши.

Кутилаётган туғилиш, ўлиш коэффицентларини ва аҳолининг механик келиш ва кетиш катталикларини охириги йилларда кузатилган

тенденцияларни ўрганиш асосида ҳамда юқорида келтирилган экстраполяция ёки регрессион прогнозлаш усулларида фойдаланиб аниқлаш мумкин.

Ишониш мумкинки, агар аҳолининг фойдаланиладиган табиий ва механик ҳаракати йилдан-йилга ўзгариб бориши ҳисобга олинса; туғилишни ҳисоблаш аҳолининг тоза қайта ишлаб чиқариш асосида олиб борилса; аҳолининг турли хил ёш, жинс, миллий, таълим гуруҳлари учун дифференциал кўрсаткичлар киритилса аҳоли сонини прогнозлаш сифати янада ортади.

Аҳоли миграциясини прогнозлаш алоҳида мураккаблик туғдиради. Агар аҳоли миграцияси ўлчамлари йилдан-йилга туғилиш ва ўлиш кўрсаткичларига нисбатан кучлироқ ўзгаришини ҳисобга олсак, аҳоли сонини прогнозлашда келажак миграцион оқимларни баҳолаш қўпол хатоларга олиб келишини кузатиш мумкин.

Миграциянинг омилли моделлари энг кўп амалда тарқалдилар. Улар миграцион оқимлар ва миграция туманлари турли хил тавсифномалари орасида боғлиқликларни ўрганадилар. Буларга туманда маҳсулот ўсиши темпи, таълим даражаси, чакана товар алмашинувининг катталиги ва ўсиш темплари, уй-жой билан таъминланганлик, иш ҳақи даражаси ва бошқалар киради. Регрессион таҳлил ёрдамида тенглама алоқалари коэффицентлари баҳоланади.

Ҳисоб-китоблар натижасида олинган келажак аҳоли сони **меҳнат баланси усули** бўйича аҳоли прогнози билан текшириб, керак ҳолларда тўғирланиши керак. Бу ҳолда аҳоли сони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$N = \frac{100 A}{T-a-h-b+m-B}, \text{ бу ерда}$$

N - аҳолининг келажак сони;

A – шаҳар ташкилий гуруҳининг келажак абсолют катталиги;

T - меҳнат ёшидаги аҳолининг келажак нисбий катталиги;

- a*- Меҳнат ёшидаги шахсий хўжаликда машғул аҳолининг келажак нисбий катталиги;
- h*- меҳнат ёшидаги ишламайдиган инвалидларнинг келажак нисбий катталиги;
- b*- Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқувчиларнинг келажак нисбий катталиги;
- m* – ишлаётган пенсионерларнинг келажак нисбий катталиги;
- B*- аҳоли хизмат кўрсатиш гуруҳининг келажак нисбий катталиги.

Назорат учун саволлар:

1. Аҳоли сонини прогнозлашнинг қандай усуллари мавжуд?
2. Экстраполяция усули нима?
3. Экспоненциал функция нима?
4. Квадратик функция қачон ишлатилади?
5. Экстраполяция услубларини қўллаш қачон ижобий натижа беради?
6. Регрессион моделлар нима?
7. “Ёшларни суриш” усули нима?
8. Меҳнат баланси усули нима?

3.2. Меҳнат ресурслари

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида меҳнат ресурсларини прогнозлашда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг аҳолини тўлиқ иш билан таъминлаш, яъни аҳолининг иш жойларига бўлган эҳтиёжини қондириш, меҳнат ресурсларидан эффектив фойдаланиш, халқ хўжалиги эҳтиёжини керакли хизматчилар билан таъминлаш каби энг муҳим масалаларни ҳал қилиш кўзда тутилади.

Бунда келажакда меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмоқ лозим. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашнинг асосий йўли – урбанизация жараёнларини

тезлаштириш, бу нафақат шаҳар аҳолисининг ўсиши, балки бутун аҳоли бандлиги таркибининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Бунда индустриал соҳада бандликнинг ўсиши, қишлоқ хўжалигида интенсив усулларни татбиқ этиш, шаҳар турмуш тарзини кенг ёйиш шулар жумласидандир.

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш учун меҳнат ресурслари баланси тузилади. Бу ресурсларни, яъни аҳолининг меҳнат ёшидаги жамоат ишлаб чиқаришда иштирок этадиган қисмини 2 та гуруҳга бўлиш мумкин:

- шаҳарташкилий, шаҳарташкилий аҳамиятидаги муассаса, ташкилот ва корхоналар меҳнаткашларини ўз ичига олади;
- шаҳар хизмат кўрсатиш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида машғул меҳнаткашларни ўз ичига олади.

Шаҳарташкилий гуруҳ корхоналарига қуйидагилар киради: барча саноат корхонлари, қурилиш-монтаж ташкилотлари, ташқи транспорт корхоналари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари, аҳамияти кўрилаётган объект доирасидан четга чиқувчи маъмурий, жамоат, хўжалик ва курорт муассасалари.

Шаҳарташкилий гуруҳининг сони нафақат маҳаллий демографик ресурслардан, балки шаҳарташкилий муассасаларнинг қувватига ҳам боғлиқ, чунки у ташқаридан ҳам ишчи кучи жалб қилиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш гуруҳи болалар муассасалари, мактаблар, маданий-оқартув муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, физкультура ва спорт муассасалари, савдо, умумий овқатланиш, алоқа, хўжалик-маиший ва уй-жой коммунал хизмат, маҳаллий аҳамиятдаги маъмурий-жамоат муассасаларида машғул меҳнат ёшидаги аҳолидан ташкил топади.

Бу гуруҳнинг сони тегишли маданий-маиший ва коммунал аҳамиятдаги маълум бир аҳолига хизмат кўрсатувчи муассасанинг меҳнат сиғимига боғлиқ.

Шаҳарташкилий ва меҳнат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган меҳнаткашларнинг нисбий катталиги аҳолининг жинс ва ёш таркиби

прогнози асосида аниқланади, чунки асосий катталиқ бўлиб меҳнат ёшидаги аҳолининг нисбий катталиги ҳисобланади.

Меҳнат ресурсларининг умумий ва нисбий катталигини қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C = T - a - h - b + m, \text{ бу ерда}$$

T - меҳнат ёшидаги аҳолининг нисбий катталиги;

a - меҳнат ёшидаги уй ва шахсий хўжалигида машғул шаслар;

h - меҳнат ёшидаги ишламайдиган инвалидлар;

b - меҳнат ёшидаги ишлаб чиқаришдан ажрамаган ҳолда ўқиётганлар;

m – ишлаётган пенсионерлар ва ўсмирлар.

Меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатли аҳолига 16-59 ёшдаги эркаклар ва 16-54 ёшдаги аёллар ташкил қилади. I ва II гуруҳ ишламаётган инвалидлар ҳамда меҳнат ёшидаги ишламаётган имтиёзли пенсионерлар (эркаклар 50-59 ёш, аёллар 45-54 ёш) бундан мустасно.

Жамоат ишлаб чиқаришда ва ўқишда машғул бўлмаган аҳоли сони қисқаришига сабаб бўладиган омилларга қуйидагилар киради:

- иқтисодий ривожланишининг юқори темпларини сақланиши ва қўшимча иш кучига эҳтиёжни пайдо бўлиши;
- ишлаб чиқаришни меҳнат ресурсларининг жинс, ёш ва профессионал тайёргарлиги каби таркибини, қишлоқ жойларни комплекс ривожланишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш;
- аҳолининг таълим даражасини ўсиши;
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг системали ўсиши туфайли, меҳнатдан моддий манфаатдорликнинг ошиши;
- меҳнатга лаёқатли аҳоли сонини ўсишининг камайиши;
- мактабгача болалар муассасалари тармоғининг ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши;
- аҳоли туғилишининг камайиши.

Юқоридаги омилларни бошқа, яъни уй хўжалигида машғул бўлганлар сонини ошишига олиб келувчи омиллар билан таққослаш лозим. Уларга қуйидагилар киради:

- иқтисодиётнинг техник прогресс асосида меҳнат унумдорлигини ошиши натижасида қўшимча иш кучига эҳтиёжининг камайиши;
- аҳоли таркибининг жинс бўйича нормаллашуви, меҳнат ресурслари таркибида эркаклар улушининг ошиши;
- аҳоли таркибининг қариши, меҳнат активлиги кам шахслар улушининг ошиши;
- аҳоли туғилишининг ўсиши;
- ишлаётган аёл-оналар учун имтиёзларнинг камайиши;

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ўқувчилар сонини ҳисоблашда 16-29 ёшдаги колледжлар ва лицейлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари қамраб олинади.

Жамоат ишлаб чиқаришда ишлаётганлар сони меҳнат ресурслари ҳамда шахсий хўжаликда ва ўқишда машғул бўлганлар орасидаги фарқ орқали аниқланади. Олинган ишлаб чиқаришда машғуллар сони меҳнат ресурсларини келажакда фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш учун таҳлил қилинади.

Йирик соҳалар бўйича машғуллар сонини асослаш учун, ҳисобот даврида тармоқ таркибида ишловчилардан фойдаланиш тенденциялари таҳлили материалларидан фойдаланилади.

Бунда халқ хўжалигининг барча соҳаларида, шу жумлада ишлаб чиқариш соҳасида меҳнатдан эффектив фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинади.

Саноатда ва қурилишда машғуллар сони шу ҳудуднинг эришилган индустриал ривожланиш даражасидан, қишлоқ хўжалигида машғул хизматчиларни қисқариш масштабларини баҳолашдан, демографик ҳолатдан келиб чиқиши мумкин бўлган меҳнат ресурсларидан келиб чиқиб аниқланадию Индустриал жиҳатдан ривожланган туманларда ишлаб

чиқаришнинг ўсишига хизматчилар сонини оширмасдан, ҳатто камайтириб эришмоқ лозим.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ижтимоий омиллари аниқса кучли билинади. Шунинг учун қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳаракатчанлигини оширишга, меҳнат шароитларини яхшилашга, маҳаллий аҳоли жойлашуви тизимларини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ноишлаб чиқариш тармоқларида хизматчиларнинг сони келажак аҳолисининг сони, ёш ва жинс таркибига ҳамда ҳар минг кишига тўғри келадиган тегишли хизматчиларнинг норматив сонидан келиб чиқиб аниқланади.

Алоҳида соҳалар бўйича хизматчилар сони ишлаб чиқаришда машғул аҳолининг сони билан итерактив йўл билан балансга келтириб топилади.

Назорат учун саволлар:

1. Меҳнат ресурслари нима?
2. Меҳнат ресурслари қандай гуруҳлардан иборат?
3. Шаҳарташкилий гуруҳга кимлар киради?
4. Хизмат кўрсатиш гуруҳига кимлар киради?
5. Меҳнат ресурсларининг сони қандай аниқланади?
6. Қандай омиллар жамоат ишлаб чиқаришида ва ўқишда машғул бўлмаган аҳоли сонини қисқаришига сабаб бўлади?
7. Шахсий хўжаликда машғул бўлганлар сонини ошишига таъсир этувчи омиллар нималар?
8. Саноат ва қурилишда машғуллар сони қандай аниқланади?

3.3. Саноатни ривожланиши ва жойлашиши

Саноат энг кўп туман ва шаҳарташкилий потенциалига эга бўлиб, кўп жихатдан шаҳар жойлар тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранинг масштаблари ва ривожланиш темпларини белгилайди. Шу туфайли туманни режалаштириш таркибида саноатни ривожланиши ва жойлаштириш келажагини аниқдаш алоҳида аҳамият касб этади.

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида халқ ҳўжалигини ҳудудий ташкил этиш, хусусан саноатни жойлаштиришни янада деталли асослаш ишлари бажарилади.

Туманни режалаштириш вазифаларига татбиқан ишлаб чиқариш ривожланиши келажаги вилоят, туманларнинг шакллантирилаётган илмий асосланган ривожланиш концепциясига асосланмоғи лозим. Бунда узоқ келажақда саноат комплексининг мақсадлари, йўналишлари ва рационал таркиби ажратиб кўрсатилиши лозим.

Ихтисослик тармоқларини максимал ўсишини чекловчи ресурслар ва шароитларни ҳисобга олган ҳолда, туманни режалаштиришда рақобатчи истеъмолчилар орасида ресурсларни тақсимлашга боғлиқ ҳолда бир нечта саноатни ривожлантириш альтернатив стратегиялари ишлаб чиқилиши лозим. Кўп туманлар учун ривожланишнинг юқорини чегарасини белгилайдиган чекловчи шароит бўлиб, кўпинча ноқулай санитар-гигиеник ҳолатни янада чуқурлаштириб меҳнат, сув, ҳудудий ва бошқа ресурслар хизмат қиладилар. Шу туфайли ихтисослик тармоқларининг ривожланиш келажагини ресурсларни мумкин бўлган чегара доирасида ошириш асосида аниқлаш лозим.

Ўтказилган ишлар натижасида саноат корхоналарининг рўйҳати, уларнинг ресурсларига бўлган эҳтиёжи (ҳудудий, меҳнат, сув ва бошқа) ҳамда атроф муҳитга таъсир даражаси аниқланади. Бунда саноат корхоналарини конкрет шаҳарлар ва шаҳар типигаги поселкаларда ҳамда

кишлоқ жойларда жойлаштириш бўйича тавсиялар берилади. Қўшимча баъзи корхоналарни чеклаш ёки кенгайтириш бўйича таклифлар олдинга сурилади.

Саноат корхоналарини туман ичида жойлаштириш алоҳида аҳоли пунктларидаги ресурсларга бўлган харажатларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида корхоналар таркибини аниқлаш учун туманда ва аҳоли жойларидаги харажатларга таъсир этувчи омиллар ва шароитлар ҳар томонлама баҳоланиши лозим. Уларга табиий шароитлар ва ресурслар, ижтимоий-иқтисодий мақсадлар ва вазифалар киради. Ресурсларнинг боғлиқлиги ва уларнинг истеъмол даражасини саноат қурилишини жойлаштириш учун танланган ҳар бир аҳоли жойида баҳолаш лозим. Буларга аҳоли ва меҳнат ресурслари, сув, ер, ёқилғи-энергетик ресурслари, транспорт, қурилиш базаси, мумкин бўлган агломерация эффекти ва бошқалар киради.

Табиий шароит ва ресурслардан авваламбор, қазилма бойликлар конларининг каттагина қурилиш майдонларининг мавжудлиги, сув таъминоти ва сув олиб кетиш, микроиқлимий шарт-шароитларни ҳисобга олиш керак.

Йирик фойдали қазилмалар конларининг мавжудлиги тоғ-кон ва ёқилғи саноати, қора ва рангли металлургия, кимё саноатининг баъзи соҳалари ва қурилиш материаллар саноатини жойлаштиришни белгилайди. Фойдали қазилмалар конларининг рўйхати ва характеристикаси геология фондлари, тармоқ вазирликлари бошқармалари материалларида сақланади.

Саноат қурилишини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг энг муҳим шарти – саноат корхоналари ва комплексларини жойлаштиришга яроқли майдонларнинг мавжудлигидир. Майдонларни танлаш ва баҳолаш, уларнинг профили ва фойдаланиш режимини ҳудудни комплекс баҳолаш асосида амалга оширилади. Келтирилган рўйхат ўзлаштириш учун мақсадга мувофиқ бўлган, тузилмаларда камида 100 га, лойиҳаларда эса 50 га ўлчамга эга майдонларни ўз ичига олади.

Резерв майдонлар тўлиқ тавсифномага эга бўлишлари ва ердан фойдаланувчилар, транспорт ва инженерлик хизмат кўрсатиш, санитар-гигиеник ҳолат, жойлаштиришга тавсия этилган ишлаб чиқариш турлари ҳамда майдонни ўзлаштиришдаги қимматлашув кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларга эга бўлишлари керак. Резерв майдонларнинг катта фондининг мавжудлиги рақобатбардош майдонлар гуруҳларининг техник-иқтисодий қиёслаш имконини беради.

Саноат корхоналари баъзи турларини жойлаштиришнинг муҳим шарти бўлиб, уларни кўп сув ресурсларига эҳтиёжидир. Кўп сув истеъмол қиладиган корхоналар сирасига (йилига 30 млн.м³) иссиқлик электростанциялари, металлургия ва целлюлоза-қоғоз комбинатлари, сунъий тола заводлари, бир қатор кимё заводлари ва ҳ.к. лар киради. Санаб ўтилган корхоналарни сув манбаълари яқинида, баъзи корхоналар томонидан сувнинг сифатига бўлган талабларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш лозим.

Бир қатор корхоналар алоҳида микроиқлимий шароитларни талаб қилади (текстиль корхоналари учун маълум намлик, электроника корхоналари учун ҳаво ҳавзасининг тозаллиги), бу омилларни ҳисобга олиш керак.

Иқтисодий омиллардан меҳнат ва хом ашё ресурслари, энергетика базаси, истеъмол туманларига яқинлик, агломерацион эффект кабиларни кўрсатиш мумкин.

Меҳнат факторини баҳолада тўлиқ иш билан таъминланганлик, аҳолини ва меҳнат ресурсларини ўсиш темплари, малакали кадрларнинг мавжудлиги кабилларни ҳисобга олмоқ даркор. Шунга кўра меҳнат сиғимли корхоналарни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида тавсиялар берилади. Бу корхоналарга оғир, ўрта ва аниқ машинасозлик, электроника, енгил саноати, бир қатор кимё корхоналари ва ҳ.к. киради.

Маҳсулот бирлигига кўп хом ашё ишлатадиган корхоналарни (темир рудаси, оҳактош, қанд лавлаги ва бошқалар) жойлаштиришда хом ашё омили катта таъсир кўрсатади.

Энергетик омил (энергия манбаларига яқинлик) кўп ҳолларда энергосиғимли корхоналарни (алюминий, магний, титан заводлари, йиллик электр энергия сарфи 3000 млн.квт.с,) ривожлантириш ва жойлаштиришни белгилайди.

Ёқилғи базасига яқинликни ёқилғини кўп ишлатадиган корхоналарни жойлаштиришда ҳисобга олмоқ лозим: сунъий толалар, синтетик каучук, техник ойна ва бошқаларни ишлаб чиқариш.

Истеъмол туманларига яқинлик омилини хом ашёга нисбатан камроқ тарнспортабелликка эга ёки ўз истеъмол хоссаларини узоқ вақт сақлашда ёки тарнспортировкада йўқотувчи якуний истеъмол маҳсулотини ишлаб чиқарувчи соҳаларни жойлаштиришда ҳисобга олмоқ керак. (Бир қанча машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат корхоналари). Машинасозликнинг янги соҳаларини, ривожлантиришда ишлаб чиқариш технологиясининг янгилиги ва мураккаблиги туфайли уларни йирик илмий марказларга яқин жойлаштириш лозим.

Илмий-техник прогресс таъсирида ишлаб чиқаришни жойлашувини белгиловчи анъанавий омилларнинг аҳамияти қайта баҳоланади:

- саноатнинг хом ашё базасини ривожлантиришда хом ашёнинг янги турларини ишлатиш, хом ашёдан комплекс фойдаланиш “ташландиқ” чиқиндилар, ишлаб чиқаришга ўзаро алмашувчи хом ашё турларини жалб этиш, хом ашёга нисбий эҳтиёжнинг камайиши — буларнинг ҳаммаси саноатни жойлашувини камроқ чагаралай олади;
- саноат соҳаларини ривожланиши ва жойлашувининг меҳнат ресурсларидан боғлиқлигини камайиши ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига, маданий-маиший шароитларни яхшилаш ҳисобига аҳолининг номақбул миграциясини

- камайтириш, аҳоли жойлашуви тизимини такомиллаштириш, аҳолининг профессионал мобиллигини ошириш;
- сув таъминотининг ёпиқ цикллари, сув истеъмоли кам агрегатларни янада кенгроқ қўллашни кутиш мумкин;
 - узоқ масофаларга энергия узатишнинг такомиллашуви, атом энергетикасининг кенг ривожланиши, бирламчи қуввати юқори агрегатларни қўлланишини ҳисобга олиш;
 - транспортда техник прогресс ҳисобига транспорт харажатлари таннарининг камайиши ўз маҳсулотларини тарқатиш радиуси катта бўлган йирик рентабел корхоналар қуришга ёрдам беради.

Асосий омилларни саноатни жойлаштиришдаги ролини прогноз баҳолашда шуни ҳисобга олмоқ лозимки, ҳом ашё, энергетика ва меҳнат омиллари келажақда саноатни жойлаштиришни қаттиқ чегаралаб қўя олмайдилар. Шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий, яъни вилоятлар, туманларни саноат ва ижтимоий ривожланиш бўйича тенглаштириш масалалари катта аҳамият касб этади.

Вилоят ва туман учун саноат корхоналарини танлашда уларни гуруҳ ҳолида жойлаштиришнинг эффективлигини ҳисобга олмоқ лозим, булар:

- технологик ўзаро боғлиқ корхоналарни ҳом ашё ва полуфабрикатларни қайта ишлаш, ҳом ашёдан ишлаб чиқариш чиқиндилари ва иккиламчи энергоресурслардан комплекс фойдаланишга асосланган кетма-кет босқичларини уйғунлаштириш орқали комбинациялаш;
- махсус корхоналарда тайёрланган детал ва узелларни комплекташ линияларини, ягона тайёрлов цехлари (темирчилик, қуйиш ва ҳ.к.), ремонт ва омбор базалари, синов станциялари ва ёрдамчи цехлар бўйича кооперациялаш;
- ягона транспорт хўжалиги, умумий кўчалар тизими, келиш йўллари, умумий энергетика хўжалиги, ягона электр, иссиқлик ва газ билан таъминлаш тизими, бирлашган бош сув олувчи ва тозалаш иншоотлари тизими, насос станциялари;

- бирлашган қурилиш базасини ташкил этиш;
- ўзаро боғлиқ аҳоли жойлашуви тизимини шакллантириш;
- илмий-техник алоқалар бўйича, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича кооперациялаш асосида амалга ошади.

Соҳа ичидаги ва соҳалараро йўналишда комбинациялашни қора ва рангли металлургия, машинасозлик, химия ва нефте-химия, ёғочни қайта ишлаш саноатларида саноат комплексларини шакллантириш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу:

- қора металлургияда асосий ишлаб чиқаришни чиқиндиларни қайта ишловчи ва утилизация қилувчи ишлаб чиқаришлар билан бирлаштириш орқали (кокс газларини – аммиак ва азот ўғитларига, фосфор рудалари шлаklarини – фосфор ўғитларига, домна шлаklarини – цемент ва бошқа қурилиш материалларига);
- рангли металлургияда – йўлдош компонентлар олиш асосида ишлаб чиқаришларни уйғунлаштириш орқали;
- химия саноатида углеводород ва минерал хом ашёдан комплекс фойдаланган ҳолда; иккиламчи маҳсулот, хом ашёни бирин-кетин қайта ишлаш босқичларини уйғунлаштириш (синтез газни яримфабрикат сифатида ишлатувчи синтетик аммиак ва метанол ишлаб чиқаришларни бирлаштириш): бунда соҳалараро кооперациялаш учун соҳа қора ва рангли металлургия билан, кўмир, ёқилғи саноатлари билан энг қулай шароитларга эга;
- ёғочни қайта ишлаш саноатида – ёғочни меҳнаик қайта ишлаш бўйича асосий ишлаб чиқарувчиларни гидролиз спирти, целлюлоза, қоғоз, картон, фурфурол, хамиртуриш ва бошқаларни ишлаб чиқарувчилар билан бирлаштириш орқали амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш кооперацияси бўйича:

- ишлаб чиқариш характери бўйича ўхшаш, махсус заводларда тайёрланган ягона тайёрлов ва ремонт цехлари хизматидан

фойдаланувчи деталлар ва механизмларни комплектацияловчи ишлаб чиқариш комплекслари;

- ишлаб чиқариш майдонларидан биргаликда фойдаланувчи, лекин умумий хизмат кўрсатиш ва ёрдамчи хўжаликка эга ҳар хил корхоналарда ташкил топган саноат корхоналари гуруҳлари шаклланади. Одатда булар саноат тугунларида ўз аксини топади.


Туманни режалаштириш табиий ресурсларни ва ишлаб чиқариш омиллари комплекс ўрганиб, саноат тугунларини шаклланиш шароитларини белгилайди, бунга туманни ва қурилиш майдонини танлашни асослаш ҳам киради. Худудий ва шаҳарсозлик институтлари биргаликда ишлаганида саноат тугунларини шакллантиришда энг катта эффектга эришилади.

Саноат комплексларининг асосий параметлари туманнинг шаҳарсозлик шароитларига, унинг демографик сиғимига, меҳнат ресурслари балансига, сув истеъмоли ва сув олиб кетиш ҳажмларига, мавжуд электроэнергия, ёқилғи, газ ресурсларига, керакли майдонларнинг мавжудлигига, санитар-химоя қисмлари ўлчамларига мос келиши лозим (22 расм).


Саноат комплексларининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган

№	Комплекслар	Меҳнаткашлар сони минг киши	Саноат майдони катталиги, га	Капитал маблағ ҳажми млн.дол.	Зарарлилик синфи	Сув истеъмоли млн. м ³	Юк айланмаси млн.т.	Эркак ва аёл меҳнати нисбати %
1.	Қора металлургия	20	900	980	I	230	15	90/10
2.	Рангли металлургия	11	450	790	I	50	8	90/10
3.	Нефтни қайта ишлаш	12	400	480	I	40	15	70/30
4.	Асосий химия ва оргсинтез	5	220	280	I	27	4.2	70/30
5.	Оғир машинасозлик корхоналари	10-18	150-250	170-320	II-IV	12-16	1.2-2.5	80/20
6.	Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	15	110	250	II-IV	20	2.2	70/30


7.	Электротехника машинасозлиги	15	120	300	II-IV	18	0,6	50/50
8.	Прибирсозлик	10	50	110	V	7	0,4	50/50
9.	Станоксозлик	5	50	80	IV	3,5	0,18	60/40
10.	Радиоэлектроника	3	25	30	V	0,5	0,01	40/60
11.	Енгил саноат	4	30	50	IV- V	1,2	0,22	20/80
12.	Озиқ-овқат саноати	2	50	30	IV- V	0,2	0,05	40/60




а



б



в



г

22- расм. Шаҳар тарҳида турар жой (а), жамоат марказлари (б), саноат жойлашуви (в) ва транспорт чизмаси (г).

Назорат учун саволлар:

1. Ривожланишнинг юқори чегараси бўлиб қайси ресурслар хизмат қиладилар?
2. Саноатни жойлаштиришга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Саноат комплексларини шакллантиришнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
4. Асосий комплекслар гуруҳларига нималар киради?

3.4. Агросаноат мажмуаси

Агросаноат мажмуаси таркибига қишлоқ хўжалиги ва бирламчи қайта ишлаш корхоналари тармоқлари ва объектлари киради.

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида агросаноат мажмуасининг вилоят ва туман босқичлари кўриб чиқилади. Ҳудудий босқич қанча паст бўлса, агросаноат мажмуасининг таркиби шунча соддароқ бўлади. Маъмурий туманнинг туманни режалаштириш лойиҳасида унга фақатгина мажмуани ташкил этувчи туманлараро ва туман бўғинидаги элементлар киради:

- қишлоқ хўжалиги (хўжаликларнинг барча категориялари, саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари, шахсий томорқа хўжаликлари, коллектив боғ ва полизлар);
- қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи тармоқлари (қишлоқ хўжалик техникаси, қишлоқ хўжалик химия, қишлоқ хўжалик қурилиши, транспорт ва ҳ.к.);
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва сақлаш билан шуғулланувчи тармоқлар;
- агросаноат мажмуаси ижтимоий инфраструктураси тармоқлари (қишлоқ жойда маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва уй жой қурилиши).


Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир, шунинг учун қишлоқ хўжалигининг барча ишлаб

чиқариш категориялари бўйича асосий параметларини аниқлаш, ҳудудни тарҳий ташкил этиш ва ер фондидан рационал ва эффектив фойдаланишни таъминлаш – туманни режалаштириш тузилма ва лойиҳаларининг асосий вазифаларидан биридир.

Туманни режалаштириш тузилмасида “қишлоқ хўжалиги” бўлимининг мақсади – вилоят қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тармоқлари замонавий ҳолатига тавсифнома бериш, уларни ривожланишидаги номутаносибликларни аниқлаш ва қишлоқ хўжалигининг бу тармоқлари ривожланишининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар беришдан иборат.

Бу масалаларни ечиш қишлоқ хўжалик ҳудудларини рационал ташкил этиш учун, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослашганини аниқлаш, қишлоқ хўжалиги қурилиши йирик объектларини жойлаштиришни асослаш ҳамда қишлоқ аҳолисини жойлаштириш учун керакдир. Туманни режалаштириш тузилмасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш кўрсаткичлари вилоят бўйича умумий ва қишлоқ хўжалиги соҳалари, қисмлари учун келтирилади.

Туманни режалаштириш лойиҳасида қишлоқ хўжалигини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш маъмурий туманлар, алоҳида қишлоқ хўжалик корхоналари ва агросаноат корхоналари миқёсида таклифлар берилиши лозим (23-расм).



23-расм. Агросаноат мажмуаларининг шакллануви.

*1-келажак поселкаси қисми; 2-агросаноат мажмуаси;
3-ишлаб чиқариш алоқалари.*

Ўзбекистонда қишлоқ жойларнинг урбанизацияси омили ва асоси бўлиб агросаноат интеграцияси хизмат қилади. Республикада ҳозирги даврда иқтисодий ислохотларни ўтказишда қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларига, уларни иқтисодиётда тутган ўрнига қараб алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида агросаноат интеграцияси жараёнларини кучайтиришга олиб келди. Чунки “фермерлик хўжаликлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилишлари, уларнинг самарали фаолиятлари учун кенг тарқалган, кучли хизмат кўрсатиш инфраструктураси – агрофирмалар, машина-трактор парклари, ремонт устaxonалари, тайёрлов пунктлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар ва бошқалар мавжуд бўлиши лозим.”¹

1.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришнинг уйғунлашуви қишлоқ аҳолиси ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларида шунингдек, уни ҳудудий ташкил этишда чуқур сифат ўзгаришларига олиб келади.

Бунга кўп жиҳатдан, қуйи маъмурий туман миқёсида ишлаб чиқариш маънавий ташкил этилгандаги ёйилган, экстенсив ва турғун бўлмаган алоқалардан агросаноат интеграцияси шароитида ички марказларга йўналтирилган, интенсив ва турғун аҳоли жойлариаро тизим ташкилловчи алоқалар таркибидаги ўзгаришлар асос бўладилар. Бу шароитда янги маҳаллий аҳоли жойлариаро ишлаб чиқариш марказлари – қишлоқ жойлардаги ўзига хос шаҳар маданияти ва шаҳар турмуш тарзи ўчоқлари шаклланади ва фаоллашади. Қишлоқ жойларни шаҳарлар билан боғлашни таъминлаш вазифасини бажарувчи инфраструктуранинг ривожланиши ҳам шунга тааллуқлидир.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришининг интеграцияси иккита асосий масалани ечишни белгилайди: қуйи маъмурий туман доирасида ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари гуруҳлари даражасида маҳаллий тизим ташкилловчи марказларни ривожлантириш ва бу марказларни чекка жойлар билан кундалик функционал алоқаларини таъминловчи транспорт тизимини кенгайтириш.

Қишлоқ аҳоли жойлари ривожланишининг уларни аҳоли жойлашуви тизимига интеграция жараёнлари билан кучайтирилган янги шароитлари аҳоли жойларининг аҳоли жойлашуви тизимларини таркибий элементлари сифатида меъморий-тарҳий ташкил этиш учун керакли шароитлар яратиб беришни белгилаб беради. Баъзи бир ҳолларда аҳоли жойларига автоном элементлар сифатида ёндошув ёпик тарҳий таркиб сифатида тавсифланади. Бу ҳолда аҳоли жойларини тарҳий ташкил этишда ҳал этувчи бўлиб, ушбу аҳоли жойи дориасидаги меҳнат ва маданий-маиший алоқалар хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, бундай аҳоли жойларининг ҳудудий ривожланиши “қишлоқ чизиғи” деб номланган чегара билан чекланади.

Шу билан бирга ривожланаётган аҳоли жойлариаро алоқалар аҳоли жойларининг локал ҳудудий бирикмалар ҳамда олий даражадаги марказлар билан ташқи контактларини ҳисобга олишни талаб қилади. Бу талабларга “очик” тарҳий таркибга эга бўлган аҳоли жойи модели жавоб беради. Очик тарҳий таркиб ҳар бир аҳоли жойига тарҳий услублар билан ўзаро боғлиқ ҳолда яшаш ва ривожланиш имконини беради. Очик тарҳий таркибнинг асосий ажралиб турадиган жойи бўлиб, ички алоқалар билан бир қаторда ташқи алоқаларга йўналтирилганлигидир. Бу кўп жиҳатдан аҳоли жойининг алоҳидалигини йўқотганлигини билдиради.

Очик тарҳий таркибнинг ижтимоий моҳияти – меъморий-тарҳий йўллар билан локал аҳоли жойлашуви тизими марказий ва оддий таркибий элементлар орасидаги яшаш шароитларини тенглаштиришга қаратилгандир. Аҳоли жойлариаро алоқаларнинг кучайиши аҳоли жойлашуви тизими таркибида тўлиқ функционал қисмлар таркибига эга аҳоли жойлари билан бирга алоҳида объектлар ва уларнинг гуруҳлари ривожланадилар. Бу ҳолда иш жойларининг бир ҳил аҳоли жойларида йўқлиги ва ишлаб чиқариш ҳамда агросаноат объектларининг бошқа аҳоли жойларида ривожланиши кўзга ташланади. Худди шундай ҳол дам олиш қисмлари, коммунал-омбор ҳудудлари билан ҳам юз бериши мумкин. Бундай ёндошув аҳоли жойлашуви тизимида қишлоқ жойларнинг алоҳидалигини чеклайди ва уларни унинг таркибий элементи сифатида ривожланишини таъминлайди.

Агросаноат аҳоли жойларининг шаклланиши ишлаб чиқаришни қишлоқда ривожланишининг прогрессив шакли сифатида уларнинг ишлаб чиқариш ҳудудларидан функционал фойдаланиш тамойилига амал қилишни кўзда тутаяди, бунда қуйидагилар ажратилади:

- ишлаб чиқариш корхоналари, омборлари ва ёрдамчи хўжаликлари;
- коммунал объектлар, транспорт иншоотлари, маъмурий, маданий-маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш объектлари;
- санитар-ҳимоя ва заҳира ҳудудлар.

Келажакда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш 2та босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда қишлоқ хўжалигини келажак ривожлантириш материалларини тизимлаштириш ўтказилади. Бунда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш тузилмалари, ер ресурсларидан фойдаланиш бош тузилмалари каби материаллардан фойдаланилади. Вилоят қишлоқ хўжалиги ривожланиши келажак кўрсаткичлари аниқланади ва ўзаро солиштирилади.

Иккинчи босқичда туманни режалаштириш тузилмаси ва лойиҳасини тузиш жараёнида ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича ечимларни ҳисобга олган ҳолда охириги таклифлар тузилади.

Тегишириш учун саволлар:

1. Агросаноат комплекси нима?
2. Агросаноат комплекси нима билан шуғулланади?
3. Туманни режалаштириш тузилмасида агросаноат комплекси таркибига нимлар киради?
4. Туманни режалаштириш лойиҳасида агросаноат комплекси таркибига нималар киради?
5. Туманни режалаштириш тузилмасида “қишлоқ хўжалиги” бўлими таркиби нимадан иборат?
6. Туманни режалаштириш лойиҳаларида “қишлоқ хўжалиги” бўлимида қандай таклифлар берилади?

4 – БЎЛИМ. АҲОЛИ ЖОЙЛАШУВИ.

4.1. Аҳоли жойлашуви турлари, шакллари ва тизимлари

Аҳоли жойлашуви – бу аҳолининг ҳудуд ва унинг элементлари бўйича (туманлар, аҳоли жойлари) тақсимланишидир.

Ҳозирги вақтга келиб, аҳоли жойлашувининг **2 та тури** мавжуд:

- **шаҳар** ва шаҳар типдаги поселкалар ривожланиши билан боғлиқ;
- **қишлоқ**, турли хилдаги қишлоқ жойларнинг (қишлоқ, хутор ва бошқалар) ривожланиши билан боғлиқ.


Ўз навбатида аҳоли жойлашувининг ҳар бир тури **тарқоқ ёки жамланган (концентрланган)** бўлиши мумкин.

Аҳоли жойлашувининг **иккита асосий шаклини** ажратиш мумкин:

- автоном, кўшни аҳоли жойларининг анчагина ҳудудий узоқлиги ёки аҳоли жойлариаро транспорт коммуникацияларининг кам ривожланганлиги туфайли алоҳида аҳоли жойлари ажралган ҳолда, бир-бири билан ҳеч қандай функционал алоқаларсиз ривожланади;
- гуруҳ ҳолида, кўшни аҳоли жойлари орасида ишлаб чиқариш, меҳнат, аҳолининг маиший ҳаёти ва дам олиши соҳаларида турғун алоқалар ўрнатилади, уларнинг кейинги ривожланиши эса кўп жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолади (24-расм).


Аҳоли жойлашувининг **гуруҳ шакли** анча прогрессив ҳисобланади, бунда алоҳида аҳоли жойларининг ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини кооперациялаш ҳамда аҳоли жойлариаро маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва аҳолининг дам олиш тизимларини ташкил этиш орқали аҳоли жойлашувининг барча асосий масалаларини ечишнинг ижтимоий-иқтисодий эффективлигини оширишга энг қулай шарт-шароитлар яратилади.

Шу билан бирга туманни режалаштириш чизмаси ёки лойиҳаси ишлаб чиқиладиганда аҳоли жойлашувининг оптимал шакли ҳар бир конкрет ҳолатда ҳудуднинг қайси бир ўзлаштириш босқичига мос келган ҳолда танланади.



а

б



в

24-расм. Шаҳар аҳоли жойлашуви шакллари:

а- гуруҳли, б-автоном, в-ўчоқ (воҳа).

Баъзи бир туманларда келажада аҳоли жойлашувининг автоном шакли сақланиб қолишига табиий-географик шарт-шароит ёки транспорт тармоғининг ривожланиш даражаси пастлиги сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги аҳоли жойлашувининг келажакда ўзгаришидаги асосий йўналиш бўлиб турли даражадаги перспектив аҳоли жойлашувининг гуруҳли шаклини турли даражадаги перспектив аҳоли жойлашуви тизимларини шакллантиришга асос сифатида ривожлантирилади.

Аҳоли жойлашувини ташкил этишда **регионал ва локал даражаларини** ажратиш мумкин. Биринчисига **регионал ва субрегионал тизимлар** киради. Иккинчисини – **гуруҳ ва маҳаллий** аҳоли жойлашуви тизимлари ташкил этади. Регионал даражада ишлаб чиқариш алоқалари асосий бўлса, локал даражада яна аҳолининг меҳнат, маданий-маиший ва рекреацион алоқалари кенг ривожланади.


Локал аҳоли жойлашуви тизимлари, йирик ва катта шаҳарлар таъсир доираларида шаклланиб, катта, ўрта ва кичик гуруҳли аҳоли жойлашуви тизимларини ташкил қилади.

Кичик шаҳарлар, туман марказлари асосида маҳаллий аҳоли жойлашуви тизимлари шаклланади. Улар туман даражасида, хўжаликлараро ва хўжалик ичида бўлиши мумкин.

Аҳоли жойлашуви тизимлари деб – мақсадли шакллантирилаётган ҳудудий ишлаб чиқариш алоқалари, инженерлик инфраструктураси, ягона ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш марказлари ва аҳолининг оммавий дам олиш жойлари тармоқлари билан бирлашган турли катталиқдаги ва турли халқ хўжалик профилидаги шаҳар ва қишлоқ жойлари гуруҳлари кўзда тутилади.

Мамлакатимиз миқёсида аҳоли жойлашуви муаммоларини ечиш ҳар хил нисбатдаги вазифаларни ечиш билан боғлиқ – мамлакат миқёсида аҳоли жойлашувидаги ва урбанизация жараёни ривожланишидаги рационал пропорцияларни аниқлашда алоҳида аҳоли жойларининг функционал-тархий ташкил этишгача қамраб олади. Бу вазифаларни ечиш кўп босқичли, узоқ муддатли режа олди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаш билан амалга оширилади. Аҳоли жойлашуви муаммоларини ҳал этишнинг қуйидаги ҳудудий даражалари ажратилади: мамлакат, республика ва вилоят миқёсида, туман, шаҳар ва аҳоли жойи.

Мамлакат миқёсида аҳоли жойлари тармоғини такомиллаштиришнинг асосий тамойили бўлиб **ягона аҳоли жойлашуви тизимини** шакллантириш хизмат қилади (25-расм).



25-расм. Республика ягона аҳоли жойлашуви тизими

У аҳоли жойлашувининг турли ҳудудлари ва даражаларини қамраб олади, умумий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: барча шаҳар ва қишлоқ аҳоли жойларининг ўзаро боғлиқ ва келишилган ҳолда ривожланиши; ишлаб чиқариш, ижтимоий ва инженер-транспорт инфраструктуралари объектлари ва тармоқларини комплекс ҳудудий ташкил этиш; ҳамма ҳудудлардан фойдаланишнинг ишлаб чиқариш, аҳоли жойлашуви, дам олиш ва табиатни кўриқлаш манфаатларини ҳисобга олган ҳолда рационал режимларини белгилаш.

Вилоят (республика) аҳоли жойлашуви тизими тегишли маъмури-худудий бирлик чегараларида туманни режалаштириш тузилмалари асосида шаклланади.

Аҳоли жойлашувининг вилоят (республика) босқичида қуйидаги вазифалар ечилади: шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг вилоят туманлари бўйича тақсимланиши; вилоят аҳамиятидаги туманлараро ва туман таянч марказларинг параметрларини аниқлаш; вилоят марказларини ривожлантиришга уларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий объектларни кўпроқ ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик

талабларини шакллантириш; ҳудудни функционал қисмларга бўлишни ишлаб чиқиш.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида (автоном республика) туманни режалаштириш тузилмаларидаги қоидалар бир нечта маъмурий туманлар ёки алоҳида маъмурий туманлар чегарасида вилоят ичи микротуманлари даражасида конкретлаштирилади. Вилоятни иқтисодий кичик туманларининг шаклланиши интенсив ишлаб чиқариш иқтисодий, ишчи, меҳнат, маданий-маиший ва бошқа алоқалар ҳамда аҳоли жойлашуви – аҳоли яшаш жойи, меҳнат қилиш жойлари ва хизмат кўрсатиш бирлиги; ишлаб чиқариш, транспорт, ижтимоий ва инженерлик инфраструктураларининг умумийлиги орқали белгиланган, бу уларни биргаликда “интеграл” ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимлар сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Вилоят ичи микротуманлари туманни режалаштириш тузилмалари (лойиҳалари)да аҳоли жойлашувини такомиллаштиришнинг муҳим воситаси бўлиб аҳоли жойлари тизимининг шаклланиши хизмат қилади. Аҳоли жойлари тизимининг асосий элементлари сифатида марказий шаҳар ва унинг таъсир доирасидаги турли катталиқдаги, хўжалик профилидаги ва тизим ичи ихтисослигидаги шаҳар ва қишлоқ аҳоли жойлари; узвий ишлаб чиқариш - технологик, маъмурий-бошқарув, маданий-маиший, рекреацион ва бошқа алоқалар билан боғланган, ишлаб чиқариш, транспорт, инженерлик ва ижтимоий инфраструктуралари, меҳнат қилиш жойлари, оммавий хизмат кўрсатиш ва аҳолининг дам олиш марказлари ягона тармоқлари билан кооперациялашган турли функционал аҳамиятдаги шаҳар ташқарисидаги ҳудудлар хизмат қилади. Аҳоли жойлари тизими тизим ташкил қилувчи марказлари сифатида мамлакат, вилоят, туманлараро марказ-шаҳарлар олдинга чиқади.

Назорат учун саволлар :

1. Аҳоли жойлашуви нима?
2. Аҳоли жойлашувининг турлари.

3. Аҳоли жойлашувининг шакллари
4. Аҳоли жойлашувининг гуруҳ шакли нима?
5. Аҳоли жойлашувининг автономна шакли нима?
6. Аҳоли жойлашувини ташкил этиш даражалари.
7. Аҳоли жойлашуви тизимлари нима?

4.2. Агломерациялар турлари ва уларнинг ривожланишини бошқариш

Ҳозирги замон ишлаб чиқариш кучлари ва аҳоли жойлашувининг кўриниши катта шаҳарлар ва уларнинг атрофида йирик, тез ривожланаётган аҳоли жойларининг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Улар шаҳар агломерацияси, катта шаҳарлар “туманлари”, “урбанизациялашган туманлар”, “конурбация”, “метрополитен ареаллари” деб аталади.

Шаҳар агломерацияси деб яқин жойлашган шаҳарлар ва бошқа аҳоли жойлари гуруҳига айтилади. Улар аҳолиси ўзаро яқин меҳнат, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш алоқаларига эгадир.

Агломерацияларнинг қуйидаги белгиларини ажратиш мумкин:

- 1) Агломерация аҳолисининг сони – ҳудуднинг табиий-иқлимий тавсифномасига, ижтимоий-иқтисодий фаолиятига ва мавжуд аҳоли жойлашуви тизимига боғлиқ. Аҳоли сони бўйича янги ўзлаштирилган туманлардаги, юқори урбанизациялашган ва рекреацион туманлардаги агломерациялар бир-биридан кучли фарқ қилади. Шунинг учун ҳар бир конкрет ҳолатда минимал аҳоли сони белгиланиши лозим;
- 2) Аҳоли зичлиги – унинг ўсиши билан аҳоли жойлари ва уларга ёндошган ҳудудлар агломерация кўринишини оладилар.

Жаҳон энг йирик шаҳарлари маконий таркибининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, бир қанча фарқларга қарамай, уларнинг ҳудудида яққол кўзга ташланадиган зонал фарқни ифодаловчи 3 та элементни ажратиш мумкин: шаҳар-марказ, шаҳаролди қисми ва ташқи қисм. Қуйидаги жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бу асосий қисмларда аҳолининг ҳудудий

жойлашувини тавсифлайди. Бунда марказдан чет қисмларга аҳоли концентрациясининг камайиши кузатилади. Шундай қилиб йирик шаҳарлар атрофида пайдо бўлган аҳоли жойлашуви туманлари аҳолининг ҳудуд бўйлаб анчагина нотекис жойлашуви билан тавсифланади.

Шаҳарлар	Аҳолининг нисбий сони %				Ҳудуднинг нисбий майдони %				Аҳоли зичлиги, одам м ²				Аҳолининг нотекис жойлашуви коэффициенти
	Марказ шаҳар	Шаҳар олди қисми	Ташқи қисм	Аҳоли жой. туманлар	Марказ шаҳар	Шаҳар олди қисми	Ташқи қисм	Аҳоли жой. туманлар	Марказ шаҳар	Шаҳар олди қисми	Ташқи қисм	Аҳоли жой. Туманлар	
Париж	765	85,9	14,1	100	6,2	12,0	88,0	100	8610	5030	110	700	0,78
Лондон	44,8	65,6	34,4	100	5,7	16,3	83,7	100	7410	3780	380	940	0,53
Нью-Йорк	60,9	81,4	18,6	100	8,5	25,3	74,7	100	6430	2890	220	900	0,65
Токио	53,5	61,9	38,1	100	9,2	22,7	77,3	100	14590	6890	1230	2510	0,46

Йирик шаҳарлар ҳудудлари яна аҳолининг ва аҳоли жойларининг транспорт ўқлари бўйлаб концентрлашуви билан тавсифланади. Масалан, Тошкент вилоятида барча катта ва ўрта шаҳарлар асосий магистрал йўналишларда жойлашган, яна уларда кичик шаҳарларнинг кўплиги ўрин олган;

3) Шаҳарлар орасидаги функционал алоқаларнинг ривожланиши, улар аҳолининг иш жойларига ҳаракати интенсивлиги билан белгиланади. Бундай марказий шаҳарга ҳаракатлар улушининг ўсиши қишлоқ хўжалигида машғул бўлмаган аҳоли сонининг ошиб бориши ҳамда ишлаб чиқаришнинг йирик шаҳарларда жойлашуви билан боғлиқ. Бу алоқалар ривожланишига асос бўлиб мавжуд ва барпо қилинаётган инженерлик тармоқлари, автомобиль ва темир йўл коммуникациялари хизмат қилади. Агломерацияларнинг чегаралари уларнинг транспорт етарлилиги асосида аниқланади.

Шаҳар агломерацияларини аниқлаш қуйидаги кўрсаткичлар: 1км² ҳудуддаги аҳоли зичлиги, қишлоқ хўжалигида машғул бўлмаган аҳолининг нисбий катталиги, актив аҳолига нисбатан марказга ишга келувчиларнинг улуши бўйича ўтказилади.

Энг йирик агломерацияларда марказий шаҳар ташқарисида бир нечта махсус функционал-маконий қисмлар, марказий шаҳардан узоқлашган сари унинг таъсири камайиб боришини ҳисобга олган ҳолда ажралиши мумкин.

Моноцентрик агломерациянинг қисмларга бўлинишини қуйидаги функционал-маконий модел сифатида тасаввур этиш мумкин.

1. Агломерациянинг марказий ядроси, у марказий шаҳарнинг тарихан шаклланган қисмини ўз ичига олади. Энг йирик агломерациялар марказий ядроларида аҳоли зичлиги 20...30 минг одам/км² ни ташкил этади.
2. Сиқик агломерация (ёки фактик шаҳар), унинг таркибига марказий ядродан ташқари, маъмурий чегарадаги марказий шаҳар ҳамда аҳоли жойлари ва шаҳар олди қисмининг у билан аралаш ва яхлит массив ташкил қилувчи майдонлари киради. Баъзи энг йирик шаҳарлар сиқик агломерацияларининг майдони: Москва – 1290 км², Лондон – 1420 км², Париж -1250 км². Бу шаҳарлар сиқик агломерацияларидаги аҳоли зичлиги 5...7 минг одам/ км².
3. Кенгайган агломерация, унга сиқик агломерациядан ташқари агломерация марказий ядросидан бир соатлик транспорт етарлилиги зонасида жойлашган бир қатор аҳоли жойлари киради. Бу ерда жаҳоннинг энг йирик агломерациялари аҳолисининг бутун маятникли миграциясининг 90% дан ошиғи жамланган. Бундан келиб чиқиб “кенгайган агломерацияларнинг” майдонлари – Москваники-4650 км², Парижники – 3550 км², Лондонники – 6800 км². Кенгайган агломерацияларда аҳоли зичлиги – 1,5-3 минг одам/ км².
4. Таъсир доирасидаги аҳоли жойлашуви тумани. Унга юқорида келтирилган ҳудудлардан ташқари агломерация ядросидан икки соатлик транспорт етарлилигидаги аҳоли жойларини ўз ичига олган ташқи қисм ҳам қўшилади. Бу аҳоли жойларининг марказий шаҳар билан маятникли алоқалари ҳам анча кучсиз. Аҳоли зичлиги ҳам катта эмас. Масалан, Москва агломерациясида у 50 одам/ км² ташкил этади.

Шаҳар агломерациялари учун қуйидагилар характерли:

- 1) Доимо ўсувчи ядроларни ўз ичига олган йирик шаҳарлар тўпламининг ўсиб бориши, уларда аҳолининг концентрлашуви (гиперурбанизация);
- 2) шаҳар олди қисмларнинг тез ривожланиши ҳамда йирик шаҳарлар ва уларнинг шаҳар олди қисмлар орасида аҳолининг қайта тақсимланиши (субурбанизация);
- 3) қишлоқ аҳолисининг ноқишлоқўжалик меҳнатга жалб қилиниши;
- 4) маятникли миграциялар – одамларнинг иш, ўқиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва дам олиш жойларига доимий бориб келиши.

Урбанизациянинг энг юқори даражаси метропол қисмлар учун характерлидир. Метропол қисми фазовий узлуксиз йирик шаҳар аҳоли жойлашуви тизими сифатида қараш мумкин. Улар камида битта йирик шаҳар ва у билан боғлиқ урбанизациялашган қисми ўз ичига олган алоҳида маъмурий бирликлардан иборат .


Ҳозирги пайтда метрополияларнинг қутблашув жараёнлари кучаймоқда, бунинг натижасида асосий шаҳар ташкилий функцияларнинг концентрлашуви юз бермоқда. Масалан, италян шаҳарсозлари ягона стандартлар бўйича метропол қисмлар тузишни таклиф қилмоқдалар. Бундай ёндошув аҳолини метрополияларда анъанавий концентрлашувини чеклайди ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кучсиз туманларни ҳамда кичик аҳоли жойларини ривожлантириш имконини беради.

Метропол қисмларнинг тўпланиши турли мамлакатларда **мегаполисларнинг** пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳозирги пайтда пайдо бўлаётган мегаполисларни таҳлил қилаётиб, мутахассислар улар аҳолисининг минимал сонини 25 млн. одам деб атадилар. Олтига шундай мегаполисларни кўрсатиш мумкин: Шимолий Америкадаги Шимолий-Шарқ ва Буюк қўллар, Япониядаги Токайдо, Буюк Британиядаги Лондон ва Ливерпул, Европанинг шимолий-ғарб қисмида, учта мамлакат ҳудудини ўз ичига оладиган (Голландия, Германия, Франция), Хитойда Шанхай-Нанкин. Буларга аҳоли сони бўйича Бразилиядаги Рио-де

Жонейро, Сан-Паулу, шимолий Италиядаги Милан-Турин-Генуя, АҚШдаги Лос-Анжелес, Сан-Франциско мегаполислари яқинлашмоқда.

Мегаполис асосий коммуникацион ўқ ва шу ўқ бўйлаб шаклланадиган, халқаро ва миллий аҳамиятдаги турли функцияларни бажарувчи “ядро”лар (шаҳар марказлари) билан тавсифланади. Мегаполисларнинг асосий функцияси “иқтисодий ўзак” вазифасини бажаришдир (26-расм).




26- расм. Буюк кўллар ҳудудидаги мегополисларнинг назарий варианты.

а-мавжуд аҳоли жойлашуви ривожланишининг экстраполясини акс эттирувчи келажак ҳолат; б-коммуникацион тизимларнинг худди шундай ривожланиши; в-бош транспорт-коммуникацион тизимларнинг ривожланиш варианты; з- аҳоли жойлашуви ва коммуникация тизимлари ривожланишининг умумлашма варианты.

Бу нарса Бостон-Нью-Йорк – Вашингтон, Токио-Осака, Лондон-Ливерпул каби мегаполислар учун ҳам тўғридир.

Мегаполисининг бошқа муҳим тавсифи – юқори аҳоли зичлигидир. Худди мегаполисларда инсон фаолияти ва ҳаёт тарзининг анъанавий шакллари ўзгариши ва трансформациясининг замонавий тенденциялари пайдо бўлади. Мутахассислар мегаполисларни шундай анъаналарнинг “инкубаторлари” деб атайдилар, чунки уларда бу ўзгаришлар бошқа туманларга нисбатан интенсивроқ ўтади.

Шаҳар агломерацияларини ажратгандан сўнг, уларни аҳоли сони бўйича, унинг зичлиги, шаҳарлар ва аҳоли жойларининг бир-биридан узоқлик даражаси бўйича баҳолаш муҳимдир. Бу кўрсаткичлар бўйича агломерацияларнинг кучсиз ривожланган, ривожланаётган ва перспектив турларини ажратиш мумкин (27-расм).



27-расм. Катта шаҳар агломерацияларининг ривожланиши.

*а-Хельсинкининг ривожланиши чизмаси; б-Стокгольмнинг сателлитлари;
в- Токио ривожланиши чизмаси.*

1-Веллингбю; 2-Ерва; 3-Эски марказ; 5-Хегдален; 6-Шерхолмен.

Агломерациялар ривожланиши куйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин:

- **белбоғ** бўйича - агломерация маркази атрофида, 50-100 км масофада йўлдош шаҳарлар халқаси яратилади;
- **параллел** - марказий шаҳар билан бир қаторда худди унингдек функцияларга эга шаҳар барпо этилади;
- **секторли** – транспорт ва коммуникацион ўқлар бўйлаб ривожланиш;
- **йўналтирилган** – аҳоли жойлари тизими бирор танланган ўқ бўйича шаклланади (28- расм).

4.3. Агломерациялар ривожланишини бошқариш.


Агломерациялар ривожланишини бошқариш бир қатор функцияларни тарқатиш, меҳнатни ҳудудий тақсимлаш, ишлаб чиқариш фаолиятини концентрлашуви ва интеграцияси асосида олиб борилади.

Йирик шаҳарлар асосидаги агломерациялар ривожланишидаги камчиликлардан бири шаҳарлараро аҳоли ва саноатнинг нотекис жойлашуви, бу агломерациянинг кичик ва ўрта шаҳарлар ривожланишини ушлаб туради. Агломерацияларнинг яна бир камчилиги иш жойларининг нотекис жойлашувидир. Масалан, Парижда ҳар уч иш жойининг бирида шаҳарлик ишлайди. Бу агломерацияда иш-уй борди-келдилари 31% ни, ўқув муассасаларига – 10%. Ҳамма борди-келдиларнинг 54% индивидуал автомобилларда ва 31% - жамоат транспортида амалга оширилади.


Йирик ва энг йирик агломерацияларни тарҳий таҳлили кўрсатдики, ривожланиш мобайнида саноат корхоналарининг стихияли тарқоқлиги, марказ-шаҳардаги саноат ривожланиши йўналиши билан мослашган ҳолдаги саноатни рационал жойлашувига ўрин бўшатиб берди. Масалан, Москва аҳоли жойлашуви тизимида жанубий-шарқ йўналиши ҳал қилувчи ривожланишга, Горький аҳоли жойлашуви тизимида - жанубий-ғарб, Санкт-Петербург тизимида – жанубий, Пермда – жанубий ва жанубий-ғарбий йўналишлар олдинга чиқдилар. Бу ҳол шу билан шарҳланадики, саноат


туманларининг жойлашувига агломерация инфраструктурсининг ривожланиш даражаси катта таъсир кўрсатади.





28-расм. Агломерацияларнинг ривожланиш шакллари.





28-расмнинг давоми. Агломерацияларнинг ривожланиш шакллари:

*а-болбоғли; б-секторли; в-параллел; г-йўналтирилган.
 1-мамлакат ва регионал аҳамиятидаги транспорт йўналишлари;
 2-аҳоли жойлашуви тизими транспорт йўналишлари;
 3-шаҳарлар; 4-жамоат марказлари қисмлари.*

Агломерацияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан ижобий ҳол бўлиб, унинг ҳудудидаги аҳолининг иш жойлари билан таъминланишига, маданий-маиший хизмат кўрсатиш турларидан фойдаланишга, қисқа ва узоқ муддатли дам олиш туманлари хизматидан баҳраманд бўлишга йўл очиб беради. Шу билан бирга агломерациялар ривожланишида бир қатор салбий ҳолатлар борки, уларни турли хил йўллар билан йўқотмаслик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолатларга агломерация марказий шаҳри ҳудудининг шаҳар олди қисм қурилмалари билан биргалашиб кетиб, узлуксиз қурилмаларнинг пайдо бўлиши, очик ва кўкаламзор ҳудудларнинг камайиб кетиши, марказий ва чет ҳудудлар ўртасидаги диспропорция, саноат корхоналарининг дуч келганча жойлашуви, агломерация ҳудудида экологик ҳолатнинг ёмонлашуви, норационал иш жойларига ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш жойларига бориб-

келишлар ва бунинг натижасида “транспорт чарчоғи” деб номланган ҳолатнинг пайдо бўлиши ва ҳ.к.

Агломерацияларнинг салбий томонларини йўқотиш учун “аҳоли жойлашувининг гуруҳли тизими” деб номланган концепция ишлаб чиқилган. Аҳоли жойлашувининг гуруҳли тизими деганда турли катталиқдаги ва халқ хўжалик профилидаги, ўзаро ўсиб боровчи муносабатдаги, аҳолининг турли хил алоқалари, умумий тархий таркиб ва улардан комплекс фойдаланишга асосланган, табиий-ландшафт муҳитидаги аҳоли жойлари гуруҳини маконий ташкил этиш тушунилади.

Аҳоли жойлашувининг гуруҳли тизими ҳудудий-ишлаб чиқариш кўрсаткичи бўйича, ишлаб чиқариш ва аҳоли жойлашувининг рационал даражада концентрлашувини; ишлаб чиқариш комплексларини оптимал жойлаштиришни; бош инженерлик иншоотлари ва коммуникацияларини кооперациясини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. Бу тизимда аҳоли жойлари ўзаро боғлиқ шаҳарсозлик тузилмаларининг таркибий-функционал элементлари сифатида ривожланади.

Агломерацияларнинг ривожланиш даражасининг янги кўрсаткичи бўлиб: марказий шаҳарнинг катталиги, аҳоли ва аҳоли жойларининг зичлиги, аҳолининг нисбий кўрсаткичлари ва машғуллик таркиби, аҳоли жойлариаро алоқаларнинг таркиби ва интенсивлиги кабилар хизмат қилади. Аҳоли жойлашувининг гуруҳли тизими ажратиш мезонларидан бири бўлиб марказий шаҳарнинг вақт етарлилиги хизмат қилса, кейингиси – барча аҳоли жойларининг функционал яхлитлигининг кучайишидир.

Мамлакат аҳоли жойлашуви иерархик турлари қуйидагиларни: хўжалик ичи, туман, вилоят ва республика тизимларини ўз ичига олади. Вилоятлар гуруҳлари асосида аҳоли жойлашуви тизимларининг шаклланиш жараёни кузатилмоқда. Бу тизимга регионал аҳоли жойлашуви тизими деб айтилади. Ҳозирги пайтда регионал аҳоли жойлашуви тизимлари шаклланишининг 3 та босқичи мавжуд: вилоят, вилоятлараро ва ундан юқори .

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш характери кўрсатадики, аҳоли жойлашуви тизими автоном шаҳарлар гуруҳи сифатида эмас, балки уларда кечадиган жараёнларга мувофиқ бир-биридан фарк қиладиган ихтисослашган функционал қисмлар тўплами сифатида шаклланиши лозим. Катта аҳоли жойлашуви тизимларини лойиҳалашда табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, табиат муҳофазаси масалалари олдинга чиқади.

4.4. Ўзбекистонда аҳоли жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё регионининг марказида жойлашган бўлиб, кўшни мустақил давлат ўртасида боғловчи халқа вазифасини бажаради.

Унинг *иқтисодий-географик ҳолати* Буюк Ипак йўлининг аналоги бўлган *Евроосиё иқтисодий илмий ва маданий кўпригини* куришда ва республикамизни давлатлараро товарлар алмашлаш ва транзити, капитал тўплаш ва халқаро иқтисодиётга интеграцияланувчи, бир қатор йирик транснационал инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос регионал марказга айланишида катта имкониятларни очиб беради.

Мустақил Республика ривожланишининг янги шароитлари туманларни хўжалик ўзлаштиришни тезкор темпда олиб бориш ва уларнинг аҳамиятини темир йўл ва автомобил йўлларининг стратегик муҳим йўналишларини куриш асосида кучайтириш имконини беради.

Ўзбекистоннинг 70% ҳудудини чўллар ва ярим чўллар, 20% ини тоғлар, 10% га яқинини эса суғориладиган ерлар – воҳалар ташкил ташкил этади. Аҳолининг 90% шу воҳалар ҳудудида яшайди.

Ўзбекистоннинг *ўзига хос хусусияти* шундан иборатки, аҳоли жойлашуви ривожланиши жараёнида бу ерда интенсив шаҳарсозлик ўзлаштириш қисмлари (воҳалар) шаклланди, уларда аҳоли жойларининг, меҳнат қилиш жойларининг, хизмат кўрсатиш марказларининг ўзаро боғлиқ ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Аҳоли жойларининг

маконий интеграцияси жараёнларининг кучайиши натижасида аҳоли жойлашувининг таянч каркаси, ягона ҳудудий-функционал организм – **аҳоли жойлашуви тизими** шаклланди.

Дунё миқёсида юз бераётган урбанизация жараёнлари Ўзбекистон учун ҳам характерлидир. Қишлоқ хўжалигининг катта меҳнат талаблиги, аҳоли табиий ўсишининг юқори даражаси ва аҳоли миграцион ҳаракатчанлигини камайтирувчи миллий ҳаёт тарзининг бир қатор хусусиятлари туфайли бу жараёнлар секинроқ амалга ошадилар. **Энг ривожланган ва урбанизацияланган** туманлар республиканинг шарқида (Тошкен вилояти ва Фарғона водийси), камроқ урбанизацияланганлари эса – янги ўзлаштирилган ерларда, хусусан Мирзачўл ва Қарши чўлларида жойлашган. Республикада аҳолининг асосий машғулоти пахта етиштириш ва сув хўжалиги билан, энергетика ва тоғ-кон саноати билан боғлиқ. Ўзбекистон учун хўжалик функциялари ва аҳолининг йирик марказий шаҳарларга тўплангани характерлидир. Шу билан бирга барча шаҳар жойларининг 70% кучсиз шаҳар ташкилий асосга эга бўлган кичик шаҳарлардир. Демографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики яқин 20-30 йил ичида Ўзбекистон аҳолисининг 50% дан кўпроғи **қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда** яшайди.

Воҳаларда аҳоли жойлашувининг ўзига хос шароитларида илгаритдан ўзаро боғлиқ аҳоли жойлари гуруҳлари шаклланишига қулай асос пайдо бўлган. Бунга табиий-ҳудудий бирлик ва аҳоли жойларининг иқтисодий бирлиги, воҳа ҳудудининг юқори даражада хўжалик ўзлаштирилиши, аҳолининг катта зичлиги ва бир текисда жойлашуви, воҳа доирасида аҳолининг ҳаракатчанлиги ҳам ёрдам беради. Шу билан бирга урбанизациянинг нисбатан паст даражаси ва аҳоли жойлариаро транспорт ва инженерлик инфраструктурасининг паст даражада ривожланганлиги бу ерда ривожланган аҳоли жойлашуви гуруҳлари шаклланиш жараёнини секинлаштиради.

Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ томонидан ишлаб чиқилган **“Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси”** га кўра мавжуд ва пайдо бўлаётган ўзаро боғлиқ

аҳоли жойлари гуруҳларини босқичма-босқич бошқариладиган ҳар хил турдаги аҳоли жойлари тизимларига айлантириш дастури кўзда тутилган. Бу моделга кўра республика ҳудудида 1 та йирик, 23 та ўрта ва 9 та кичик аҳоли жойлашуви тизимлари ажратилган. Турли катталиқдаги аҳоли жойлашуви тизимларининг мажмуи регионал аҳоли жойлашуви тизимини ташкил этади.

Текишириш учун саволлар:

- 13 Ўзбекистон қандай иқтисодий-географик ҳолатга эга?
- 14 Ўзбекистоннинг табиий иқлимий шарт-шароитлари қандай?
- 15 Ўзбекистон аҳоли жойлашувининг ўзига хос хусусияти нималардан иборат?
- 16 Урбанизация жараёнларининг Ўзбекистондаги хусусиятлари қандай?
- 17 “Бош аҳоли жойлашуви” тузилмасининг асосий тамойиллари нимадан иборат?

5 – БЎЛИМ. ҲУДУДНИ ТАРҲИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ

17.1 Тарҳий таркиб ва функционал қисмларга бўлиш

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг ҳудудий-фазовий муаммоларни ечишдаги асосий вазифаси бўлиб, ҳудудни **тарҳий ташкил** этиш – тарҳий таркибни шакллантириш ва уни функционал қисмларга бўлиш хизмат қилади.

Мураккаб тизимларнинг ишлаши тўғрисидаги замонавий тизимли тасаввурларга кўра туманни режалаштиришда **ҳудуднинг тарҳий таркибини** турли хил халқ хўжалиги объектлари ва табиий ландшафт энг муҳим элементларининг уларни ўзлаштириш босқичларидаги ўзаро боғлиқ ва бир вақтда хизмат қиладиган модели деб баҳолаш мумкин.

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида ҳудуднинг тарҳий таркибини ишлаб чиқишнинг асосий мақсади энг эффектив вариантни

танлаш имконини берувчи лойиҳалаш босқичларининг мантиқлилигига ва кетма-кетлигига эришишдан иборатдир.

Тархӣй таркибда доимо *уч хил турдаги* элементларни: тугунлар, алоқалар ва қисмларни кўрсатиш мумкин. Бу типологик элементлар тархӣй таркиб мавжуд бўлган макон ва ҳудуднинг бўлинишини етарли даражада белгилайди. Тугун – локализатор ролини, алоқа бир вақтнинг ўзида ҳам боғловчи ҳам ажратувчи ролини, қисмлар эса ҳудудни бўлинишини таъминловчи ролини ўйнайди. Бу элементларнинг биргаликда маълум бир тартибда жойлашиши ишлаб чиқиладиган тархӣй таркибнинг моддийлашган ифодасидир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, туманни режалаштириш объекти тархӣй таркибининг асосий элементлари қуйидаги турлардан бирига қарайди:

нуқталик (тархӣй марказлар) – компакт шакл ва кичик ҳудудий ўлчамларга эга бўлган мавжуд ва янги шаҳарлар, йирик саноат ва энергетика комплекслари, транспорт тугунлари;

чизиқли (тархӣй ўқлар) – равшан ифодаланган чизиқли шаклга эга бўлган транспорт магистраллари, нефт ва газ қувурлари, дарё водийлари ва бошқалар;

қисмли (тархӣй қисмлар) – табиий ва хўжалик хусусиятлари кучли ифодаланган ҳудудлар: тоғ массивлари, мелиорация қисмлари, юқори урбанизацияли қисмлари ва ҳ.к.

Асосий тархӣй элементларни уларнинг хўжалик юритадиган ҳудудларга интенсивлиги ва таъсир кўрсатиш радиусларига кўра **асосий ва иккинчи даражали**, уларни ташкил этувчи объектларнинг характериға кўра эса – **табиий ландшафт** (дарё, денгиз қирғоқлари, ўрмон, тоғлар ва ҳ.к.), транспорт ва халқ хўжалиги (шаҳарлар, агломерациялар, йирик саноат объектлари ва ҳ.к.) турларига бўлинади.

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида ҳудуднинг тархӣй таркибини ишлаб чиқиш қуйидаги вазифаларни ечишни ўз ичига олади:

объектнинг мавжуд тархӣй таркибини ўрганиш ва асосий табиий ва халқ хўжалиги элементларини ажратиш;

лойихаланаётган ҳудудни ўзгартиришнинг бош тенденцияларини аниқлаш ва уларни қўйилган мақсадларга эришиш нуқтаи назаридан баҳолаш;

келажак тархӣй таркиб тузилмасини унинг асосий элементларини ажратган ҳолда кўриш.

Туманни режалаштириш лойихаси босқичида тархӣй таркиб элементларини ажратиш ва классификациялаш объектнинг табиий-иқлимий ва халқ хўжалиги хусусиятларидан келиб чиқиб ўтказилади. Тархӣй таркибнинг асосий ва иккинчи даражали элементларини ажрата туриб, шуни ҳисобга олиш лозимки, яққол саноат ихтисослигига эга туманларда бир қанча тенг шароитларда атроф ҳудуд билан интенсив технологик, хўжалик ва меҳнат алоқаларига эга бўлган халқ хўжалиги ва транспорт объектлари етакчи рол ўйнайдилар. Курорт туманларда, одатда, биринчи ўринга тархӣй таркибнинг табиий-ландшафт элементлари чиқадиладар. Йирик шаҳарлар ва агломерациялар туманларида асосий диққатни тархӣй таркибнинг аҳоли жойларини стихияли тўпламини бошқариладиган гуруҳли тизимга айланишини белгиловчи элементларига қаратиш лозим.

Ўзининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнида ҳар қандай ҳудудий объект бўлинмайдиган тархӣй элементлардан иборат бўлган тизим сифатида мавжуд бўлади. Тархӣй таркибнинг мазмунини унинг элементларини бирлаштирадиган, шакллантирадиган ва аниқлайдиган маконий алоқалар ташкил қиладилар.

Туманни ривожланишининг турли хил вариантларини эффектив ишлаб чиқиш ва баҳолаш учун бирламчи тархӣй элементларни аниқлаш ва фазовий вақт алоқалари комплексини белгилаш лозим. Таҳлилни ҳам турли ҳил халқ хўжалик ва табиий характердаги элементларнинг ўзаро алоқаларини, ҳам барча тархӣй элементларни ажратиш кўрсаткичларига асосланиб ўтказиш

лозим. Яъни ҳал қилинадиган масалалар кўламида ҳудуднинг тарҳий таркибини худди шу иккита тузувчисини ажратиш керак.

Тарҳий таркиб чизмасини ишлаб чиқишни учта босқичда ўтказиш мумкин:

I - босқич: мавжуд ҳудудни асосий тарҳий элементларини ажратиш ва уларни классификациялаш; маконий алоқаларнинг барча шакллари аниқлаш; туманнинг маконий-тарҳий моделини ишлаб чиқиш.

II – босқич: лойиҳаланаётган ҳудудни вақт давомида ўзгартириш ва хўжалик ўзлаштириш бўйича асосий тенденцияларини тарихий таҳлили; таҳлил натижаларини туманни режалаштириш мақсадларига эришиш нуктаи назаридан баҳолаш; объектлар тарҳий таркибини кўзланган келажак учун прогнозлаш.

III – босқич: келажак тарҳий таркибни ишлаб чиқиш – бу туманни режалаштириш тузилмаси ёки лойиҳаси ишларини якунловчи босқичдир. У туманни ривожлантиришнинг бошқа бўлимларидаги халқ хўжалик тармоқларини ривожлантириш, аҳоли жойларининг катталиги ва сонини ўзгартириш, транспорт ва инженерлик инфраструктурасини такомиллаштириш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини ва оммавий дам олишни ташкил этиш бўйича келажак таклифларини ҳисобга олган ҳолда тарҳий таркибни коррективировка қилишни назарда тутди.

Шундай қилиб III – босқич натижаси бўлиб, келажак тарҳий таркибнинг якуний чизмаси хизмат қилади. У ҳудудни комплекс баҳолаш чизмаси билан бирга функционал қисмларга бўлиш ва кейинчалик туманни режалаштириш тузилмаси ва лойиҳасининг асосий ҳужжати – туманнинг лойиҳавий режаси учун бирламчи асос вазифасини бажаради.

Туманни режалаштиришда ҳудудни ***функционал қисмларга бўлиш*** деб объектни махсус усулда моделлаштиришга айтилади, бунинг натижасида унинг барча ҳудуди алоҳида майдонларга, уларга тавсия этилган хўжалик юритишнинг асосий турлари ва режимларига кўра бўлинади.


Функционал қисмларга бўлишнинг *асосий мақсадлари* туманни режалаштиришнинг шундай конкрет вазифаларини ечишга қаратилганки, буларга лойиҳаланаётган ҳудуднинг алоҳида қисмларидан фойдаланишнинг оптимал режимини таъминлаш, хўжалик юритиш фаолиятининг турли хилларини ўзаро жойлаштиришда давлат нормативлари ва илмий тавсияларга риоя қилиш, қимматли табиий ресурсларни сақлаш ва қайта тиклаш кабилар киради (29-расм).

Бу мақсадларга етишиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- берилган объект ҳудудида ажратилиши лозим бўлган функционал қисмларнинг сони ва номенклатурасини аниқлаш;
- бу қисмларни ҳудуднинг конкрет майдонларига боғлаш ва унинг келажак функционал қисмларга бўлиш чизмасини тузиш;
- ҳар бир функционал қисм доирасида ҳудуддан фойдаланиш режимини оптималлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Туманни режалаштириш тузилмаларини ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги функционал қисмлар турларини ажратиш тавсия этилади:

- *интенсив* хўжалик юритиш ва шаҳарсозлик бўйича ўзлаштириш ҳамда максимал йўл қўйиладиган даражада муҳитни сунъий ўзгартириш;
- *экстенсив* шаҳарсозлик бўйича ўзлаштириш ва атроф-муҳитга нисбатан катта бўлмаган антропоген таъсир кўрсатиш;
- *чекланган* хўжалик ўзгартириш ва атроф-муҳитни максимал сақлаш.



29-расм. Маъмурий туманлар гуруҳи тарҳий таркиби.

Транспорт тарҳий ўқлари ва уларнинг таъсир доираси:

1-бош; 2-иккинчи даражали; 3-келажак; 4-туманнинг бош тарҳий тарҳий сув ўқи; 5-туманнинг иккинчи даражали тарҳий сув ўқи; 6-бош тарҳий марказлар ва уларнинг таъсир доиралари; 7-иккинчи даражали тарҳий марказлар ва уларнинг таъсир доиралари; 8-келажак тарҳий марказлар ва уларнинг таъсир доиралари; 9-чекланган урбанизация қисми.

Керак бўлган ҳолларда асосий қисмлардан ташқари, **урбанизация, қишлоқ, ўрмон ёки балиқ хўжалигини** ривожлантириш, **рекреацион** инфраструктурани ривожлантириш, кўриқланадиган ландшафтлар каби кичик қисмлар ажратилиши мумкин.

Туманни режалаштириш объектининг илгари ишлаб чиқилган ҳудудни комплекс баҳолаш ва тарҳий таркиб чизмалари конкрет ҳудудларни функционал қисмларга бўлиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Комплекс

баҳолаш ҳудуднинг нисбатан бир хил хўжалик ўзлаштириш ва атроф-муҳит шароити бўйича майдонларини аниқлаб берса, ишлаб чиқилган келажак тархӣ таркиби эса, ўз навбатида, конкрет ҳудуддан мақсадга мувофиқ функционал фойдаланишни белгиловчи ташқи шарт-шароитларни баҳолаш имконини беради. Бу шарт-шароитлар ҳудудни туманнинг энг муҳим таркибий элементлари – асосий ва иккинчи даражали марказлар, қисмлар ва ўқларга нисбатан жойлашиш хусусиятларидан келиб чиқади.

Ҳар бир функционал қисмда ўзининг ҳудуддан фойдаланиш бўйича *алоҳида режими* ўрнатилиши лозим, унга ҳам лойиҳавий режим ишлаб чиқишда, ҳам лойиҳавий таклифларни амалга оширишда сўзсиз амал қилиш керак. Масалан, интенсив ўзлаштириш қисмларида мавжуд саноатни ва шаҳарларни янада ривожлантиришга рухсат этилади, ҳамда келажак капитал қурилиши, транспорт ва коммунал-омбор иншоотлари, интенсив шаҳар яқини қишлоқ хўжалиги объектларига резерв майдонларни жойлаштириш имконияти кўзда тутилади. Шу билан бирга бунга санитар-ҳимоя қисмлари, кўкаламзорлар ва ҳ.к қўшилиши мумкин. Мувофиқ равишда бошқа функционал қисмлар турлари учун ҳам ҳудуддан оптимал фойдаланиш режимлари ўрнатилади.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида ҳудудни функционал қисмларга бўлишнинг *янада деталлаштирилган* процедураси кўзда тутилган, бу қисмлар ва кичик қисмлар сонининг ортишида намоён бўлади. Бу халқ хўжалигининг баъзи тармоқларини жойлаштиришдаги объект ичи фарқлари билан, ҳамда табиий-географик шарт-шароитлар ва халқ хўжалиги ихтисослиги бўйича бир-биридан фарқланувчи объектларга дифференциал ёндошув билан боғлиқ. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш қисми ичида суғориладиган деҳқончилик, чорвачилик, сабзовотчилик ва бошқа кичик қисмларни ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Бошқа халқ хўжалиги ихтисослигидаги туманларни ривожлантириш лойиҳасини тузаётганда бир қанча бошқа функционал қисмларни ажратиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, курорт-рекреацион ихтисослигидаги


туманларда алоҳида курорт қисмини ажратиш лозим, унинг чегарасида халқ хўжалигининг бошқа тармоқларининг ривожланиши кескин чекланиши, яхшиси бутунлай чиқариб ташланиши лозим.

Туманни режалаштириш тузилмалари босқичида функционал қисмлар чегаралари шартли равишда, маъмурий туманлар, табиий ва маданий ландшафтлар, тархӣ таркибнинг турли элементлари таъсир доирасида берилиши мумкин.

Маъмурий туманни режалаштириш лойиҳасида эса уларнинг маъмурий-юридик боғланишини ҳисобга олиш лозим, яъни функционал қисмлар чегарасини алоҳида ердан фойдаланиш чегараларига асосланиб ўтказиш тавсия этилади (шаҳар чегараси, хўжаликлар ерлари, давлат ер фонди, давлат ўрмон фонди чегаралари ва ҳ.к.) (30-расм).

Туманни режалаштириш лойиҳасида ишлаб чиқиладиган функционал қисмларга бўлиш чизмасида туманнинг асосий ердан фойдаланувчиларини, уларнинг қайси функционал қисмларга таалуқли эканлигини кўрсатган ҳолда бериш лозим. Бундай ердан фойдаланувчилар рўйхатини туманни режалаштириш лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари таркибига ҳам қўшиш лозим.

Ишлаб чиқариш аҳоли жойлашуви ва бошқа халқ хўжалиги тармоқларининг конкрет маконий жойлашуви функционал қисмларга бўлиш асосида амалга оширилади.



30-расм. Маъмурий туманлар гуруҳини функционал қисмларга бўлиш.

Шаҳар қурилиши ривожлантириш қисми: 1-фуқаро; 2-саноат;

Худуддан рекреацион фойдаланиш қисми: 3-қисқа муддатли дам олиш; 4-катталар узқ муддатли дам олиши; 5-болалар узқ муддатли дам олиши;

Худуддан қишлоқ хўжалик фойдаланиш қисми: 6-чорвачилик;

7-деҳқончилик; 8-қуриқланадиган табиий ландшафт қисми;

9-сув босадиган ҳудудлар.

Назорат учун саволлар:

1. Тархй таркиб нима?
2. Функционал қисмларга ажратиш нима?
3. Тархй таркибнинг элементлари.

4. Тархй таркибни ишлаб чиқиш вазифалари.
5. Функционал қисмларга бўлишнинг мақсадлари.
6. Функционал қисмларга бўлишнинг вазифалари.
7. Туманни режалаштириш тузилмаларида ажратиладиган функционал қисмлар.
8. Туманни режалаштириш лойиҳаларида ажратиладиган функционал қисмлар.
9. Функционал қисмларнинг худуддан фойдаланиш бўйича режимлари.


17.2 Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш

Туманни режалаштириш тузилмаларида **хизмат кўрсатиш муассасаларини жойлаштириш тизими** ва хизмат кўрсатиш марказларининг туман даражаси ва ундан юқори босқичли таркиби ишлаб чиқилади ҳамда хизмат кўрсатиш марказлари, вилоят даражасидаги шаҳар ва шаҳарча, қишлоқ мамурий туманлари бўйича хизмат кўрсатиш муассасаларига бўлган эҳтиёжнинг миқдорий кўрсаткичлари келтирилади.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида эса **хўжалик ва ундан юқорироқ даража учун хизмат кўрсатиш марказларининг босқичлари ва таркиби** ишлаб чиқилади ва хизмат кўрсатиш марказлари, шаҳар, шаҳарча ва хўжаликлар бўйича хизмат кўрсатиш муассасаларига бўлган эҳтиёжнинг миқдорий кўрсаткичлари келтирилади.

Маъмурий туманнинг хизмат кўрсатиш тизими регион аҳоли жойлашуви тизими социал инфраструктурасининг таркибий қисми сифатида қаралади.

Регионнинг аҳоли жойлашуви таркибига турли босқичдаги бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатиш марказлари вазифасини ўтовчи **марказлар тизимини** асос қилиб олмоқ керак (31-расм).



31- расм. Катта аҳоли жойлашуви тизимида хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш чизмаси.

- 1- II босқич марказлари (маҳаллий марказлар: а-қишлоқ поселкаси; б-шаҳар типидagi поселок); 2- III босқич марказлари;
 2- III босқич марказлари; 4- IV босқич марказлари;
 5- III босқич марказларига бир соатлик транспорт етарлилиги изохронлари.

Мавжуд маъмурий туманлар кичик аҳоли жойлашуви тизими таркибига киради. Бунда йирикроқ ва ривожланган туман марказлари **бу тизимнинг марказлари**, камроқ ривожланганлари эса **кичик марказлари** ролини бажаради. Шунга яраша, бу марказлардаги аҳоли жойлариаро хизмат кўрсатиш муассасаларининг таркиби ва сиғими аниқланади.

Ўз навбатида кичик тизимлар йирик саноат ва маданий марказ асосида катта вилоят ичи аҳоли жойлашуви тизимини ташкил этадилар. Бунда вилоят марказларининг маъмурий-хўжалик соҳасидаги етакчи роли сақланиб қолади. Аҳоли жойлашуви тизимининг асосий марказидан анча узоқдаги ҳудудлар аҳолисига хизмат кўрсатишни яхшилаш учун кичик марказлар ташкил этилади.

Келажда шаклланадиган аҳоли жойлашуви тизимидан келиб чиқиб, мамлакатимиз шароитида хизмат кўрсатиш марказларининг қуйидаги **босқичли таркибини** кўрсатиш мумкин:

- I. – келажак аҳоли жойларида жойлашадиган **кундалик** хизмат кўрсатиш марказлари;
- II. – маҳаллий (хўжаликлараро) марказлар, уларда кундалик ва қисман **периодик** хизмат кўрсатиш муассасалари жойлашади. Улар ўз аҳолисига ва транспорт етарлилигида (0,5 соат) бўлган аҳоли жойлари аҳолисига хизмат кўрсатади.
- III. – маъмурий туманлар марказлари (кичик тизимлар марказлари), уларда **кундалик, периодик ва қисман эпизодик** хизмат кўрсатиш муассасалари жойлашади, таъсир доираси 1 соатлик транспорт етарлилиги даражасида;
- IV. – катта аҳоли жойлашуви тизими марказлари ва кичик марказлари, уларда хизмат кўрсатиш муассасаларининг **барча босқичлари** жойлашади, марказларнинг транспорт етарлилиги – 2 соат, кичик марказларники эса – 1,5 соат;
- V. – вилоят марказлари – IV даражадаги хизмат кўрсатиш муассасаларига **қўшимча вилоят** аҳамиятидаги муассасалар комплекси жойлашади;
- VI. – регионал марказ – Республика пойтахти, бунда барча босқичдаги хизмат кўрсатиш муассасаларидан ташқари **мамлакат аҳамиятидаги** муассасалар ҳам жамланган.

Комплекс жамоат хизмат кўрсатиш соҳасида кундалик, периодик ва эпизодик хизмат кўрсатишни ажратиш мумкин.

Кундалик хизмат кўрсатиши савдо-сотиқ, транспорт, коммунал, маиший ва бошқа хизматларни ўз ичига олади, ҳамда барча аҳоли жойларида ташкил этилади.

Периодик хизмат кўрсатиши аҳолининг ҳафталик-ойлик эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ. Периодик хизмат кўрсатиш муассасалари йирикрок

аҳоли жойларида уларнинг таркиби ва аҳоли сонидан келиб чиқиб ташкил этилади.

Эпизодик хизмат кўрсатиш аҳолининг махсус эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлиб, у ойлик-йил циклига эга. Бунга маданий, спорт, дам олиш, савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари киради. Улар аҳоли жойлашувининг энг йирик марказларида ташкил этилади.

ЎҚУВ – ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ. Болалар боғча-ясилари тармоғи битта аҳоли пункти ёки хўжалик доирасида жойлашади ва бош тарх босқичида ҳал этилади.

Умумтаълим мактаблари тармоғи бошланғич (1-4 синфлар), нотўлиқ ўрта (1-9 синфлар), ўрта (академик лицейлар ва касб хунар лицейлари) мактабларни ва мактаб-интернатларни ўз ичига олади. Қишлоқ жойларда 1-4 синфлар учун етарлилик радиуси пиёда юрганда 2 км дан ошмасилиги ва махсус транспортда 30 минутлигини, 5-9 синфлар учун эса транспортда 30 минутдан ошмаслигини ҳисобга олиб ўқувчиларни махсус транспортда ташиш ёки интернатлар қуриш эҳтиёжи туғилади. КМК умумтаълим мактабларида ўринлар сонини болалар ёш таркибидан келиб чиқиб аниқлайди, тўлиқсиз ўрта таълим билан 100%, ўрта таълим билан эса 75% болалар қамраб олинади.

Махсус таълим ўқув юртлари тармоғи коллежлар ва олий ўқув юртларини ўз ичига олади. Булар мазмунига кўра “эркин танлов” муассасалари бўлиб, ўзгарувчан таъсир доирасига эга, аҳоли жойлашуви тизимлари доирасида, яъни 30-60 минут транспорт етарлилиги радиусида жойлашади.

Соглиқни сақлаш муассасалари тармоғи стационар даволаш (касалхоналар ва турли профилдаги медицина марказлари), стационар-профилактик врачлик ёрдами (фельдшер-акушерлик пунктлари, ихтисослашган медпунктлари, амбулаториялар, диспансерлар, умумий ва ихтисослашган профилдаги поликлиникалар) ва ҳаракатланувчи профилактик врачлик ёрдами (тез ёрдам станциялари, ҳаракатланувчи

амбулаториялар, лабораториялар, диагностик қурилмалар ва ҳ.к.) муассасаларни ўз ичига олади.

Маданий-маиший муассасалар ва физкультура-спорт иншоотлари тармоғи шаҳарлар ва қишлоқ жойларда клублар, маданият уйлари, кинотеатрлар, кутубхоналар, мактабдан ташқари тарбия муассасалари, соғломлаштириш ва спорт комплекслари, ихтисослашган маданий-томоша муассасаларидан иборат.

Кутубхоналар тармоғи шаҳар жойларда шаҳар ва туман муассасалари, қишлоқ жойларда эса марказий туман корхоналари ва уларнинг хўжаликлараро филиаллари ҳамда клублар, мактаблар қошидаги кутубхоналардан иборат.

Кинотеатрлар 5 минг ва ундан кўп аҳолили шаҳар жойларда залнинг минимал сифими 100 кишидан иборат ҳолда жойлаштирилади.

Мактабдан ташқари тарбия муассасалари (ўқувчилар уйлари, ёш техниклар станциялари) – шаҳарлар ва қишлоқ туманлар марказларида (30 мин. транспорт етарлилигида), ёш техниклар ва натуралистлар станциялари эса 250 минг ва ундан кўп аҳолили шаҳарларда, вилоят ва автоном республика марказларида жойлаштирилади.

Маданий-томоша муассасалари (театрлар, концерт заллари, цирклар, универсал томоша спорт заллари) 250 минг ва ундан кўп аҳолили шаҳарларда жойлаштирилади.

Физкультура-спорт иншоотлари соғломлаштириш ва спорт ўйинлари учун очиқ майдонларни, стадионлари, спорт заллари, очиқ ва ёпиқ бассейнлари бўлган спорт комплексларини ўз ичига олади. Очиқ иншоотларнинг етарлилик радиуси 1,5-2 км ни ташкил этади, яъни улар ҳар бир аҳоли пунктида жойлаштирилади.

Спорт заллари ва спорт иншоотлари комплекслари шаҳарларда хўжаликлараро марказларда ва марказий поселкаларда транспорт етарлилиги 60 минут радиусда жойлаштирилади.

Очиқ бассейнлар – қишлоқ жойларда ҳар бир хўжаликда жойлаштирилиши мумкин. Ёпиқ бассейнлар эса 6,2 минг кишига хизмат кўрсатгандагина рационал ҳисобланади.

Савдо-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари. Савдо муассасалари тармоғи кундалик эҳтиёж товарлари дўконлари, универсамлар, универмаглар, ихтисослашган дўконлар (хўжалик моллари, қурилиш моллари, маиший техника ва бошқалар)ни ўз ичига олади. Кундалик эҳтиёж товарлари дўконлари аҳолиси 200 кишидан ортиқ бўлган поселкаларда пиёда етарлилиги 30 минут радиусда жойлаштирилади. Бу дўконлар харидорларга бирламчи эҳтиёж озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларини ягона залда тақдим этадилар.

Савдо майдони 150-650 м² бўлган универсамлар аҳолиси 2 минг ва ундан юқори бўлган аҳоли жойларида транспорт етарлилиги 60 минут радиусда жойлаштирилади.

Савдо майдони 1000-2150 м² бўлган универмаглар ва ихтисослашган дўконлар асосан туман марказлари, шаҳарлар ва йирик поселкаларда жойлаштирилади.

Умумий овқатланиш муассасалари тармоғини 3 турдаги муассасалар шакллантиради:

- йил давомида ва мавсумий ишлайдиган бевосита хизмат кўрсатиш (ошхоналар, ресторан, кафе, буфетлар);
- бевосита хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган марказлашган ишлаб чиқариш (кулинария комбинатлари, ихтисослашган цехлар);
- марказлашган ишлаб чиқариш ва бевосита хизмат кўрсатишни биргаликда юритадиган (овқатланиш комбинатлари, ошхона тайёрлагичлар);

Маиший хизмат кўрсатиш муассасалари 2 турда ишлайди: бевосита хизмат кўрсатиш ва марказлашган буюртмаларни бажариш.

Шаҳар ва поселкаларда жойлашади:

- 15-50 иш жойли майда таъмирлаш устахоналари билан комплекс қабул пунктлари (турар жой туманлари ва кичик туманлар);
- 20-50 иш жойлари бўлган маиший хизмат кўрсатиш уйлари (тархй туманлар, кичик шаҳарлар ва поселкалар);
- 120 ва ундан ортиқ иш жойлари бўлган маиший хизмат кўрсатиш уйлари (катта ва йирик шаҳарлар);
- қуввати 1000 кг кийим бўлган кир ювиш ва кимёвий кийим тозалаш кооперациялашган корхонаси;
- ихтисослашган муассасалар (кийим тикиш ательеси, кийим ва рўзғор предметларини таъмирлаш устахоналари, прокат пунктлари, сартарошхоналар, фотоателье ва бошқалар).

Қишлоқ жойларда жойлашади:

- 3-5 иш жойлари бўлган 1-2 минг аҳолига хизмат кўрсатувчи комплекс қабул пунктлари (йирик хўжаликлар бўлинмалари);
- 5-10 иш жойлари бўлган 2-5 минг аҳолига хизмат кўрсатувчи комплекс қабул пунктлари (хўжалик марказий қўрғони, пиёда етарлиligи радиуси 30 мин.);
- 15-50 иш жойлари бўлган 5-30 минг аҳолига хизмат кўрсатувчи қишлоқ маиший уйлари (йирик хўжаликлар ёки бир нечта хўжаликлар, транспорт етарлиligи радиуси 60 мин.);
- 50-150 иш жойи бўлган 35-70 минг аҳолига хизмат кўрсатувчи туман маиший хизмат уйи (транспорт етарлиligи радиуси 60-90 мин. бўлган туман маркази);
- қуввати сменада 400 кг кийим тозалаш бўлган кир ювиш ва кимёвий кийим тозалаш кооперациялашган корхонаси (хўжаликлараро ва туман марказлари);
- ихтисослашган корхоналар (асосан туман марказлари).

Назорат учун саволлар:

1. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш босқичлари.
2. Хизмат кўрсатиш марказлари таркиби.

3. Ўқув-тарбия муассасалари.
4. Соғлиқни сақлаш муассасалари.
5. Маданий-маиший муассасалар.
6. Физкультура ва спорт иншоотлари.
7. Савдо-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари.

17.3 Оммавий дам олиш, курорт даволаниш ва туризмни

ташкил этиш

Рекреация – шахсининг жисмоний ва руҳий кучларини тиклайдиган энг муҳим ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажариш билан боғлиқ ва унинг маънавий шаклланишига ва бойишига ёрдам берувчи фаолият туридир. Рекреацион фаолиятнинг асосий шаклларига курорт даволаниш, соғломлаштирувчи дам олиш ва туризм киради.

Худудий жиҳатдан олганда рекреацион фаолият инсон яшаш муҳитини комплекс ташкил этишнинг муҳим омили бўлиб, нафақат шаҳар муҳити элементларини, балки табиий ва урбанизациялашган элементли, биргаликда худудий рекреацион тизим деб аталувчи, турли масштаб ва турдаги ихтисослашган маконни ташкил этади.

Худудий рекреацион тизим (ХРТ) – туманнинг функционал маконий тизимчаси бўлиб, аҳолининг дам олиш, санатория-курорт даволаниш ва туризмга бўлган эҳтиёжини қондириш, рекреацион объектларга хўжалик хизмат кўрсатиш ҳамда табиий муҳитдан рационал фойдаланиш ва уни назорат қилишни таъминлайди.

Худудий рекреацион тизим элементлари бўлиб:

- рекреацион марказлар (аҳоли жойлари ва дам олувчиларга хизмат кўрсатувчи объектлар, комплекслар ва аҳоли жойлари);
- рекреацион ареаллар (туманлар ва қисмлар) – концентрлашган ва тарқоқ рекреацион фаолият шакллари хамда хўжалик инфраструктураси элементларини ўзида жамлаган;

- чизиқли элементлар – туристик маршрутлар, транспорт коммуникациялари хизмат қилади.

Фақатгина маълум бир маконий ташкил этилгандагина ва бошқа тизимчалар (ишлаб чиқариш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт ва ҳ.к.) билан ўзаро ҳамкорликдагина дам олиш муаммоларини юқоридан куйи даражагача ҳал этиш мумкин бўлади.

Туманни режалаштириш тузилмаларида **рекреацион туман ва марказлар** ривожланишининг энг муҳим масалалари, миқдорий кўрсаткичлари ҳамда мавжуд ва келажакка мўлжалланган рекреация тизимининг ҳудудий таркиби ишлаб чиқилади.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида **рекреация муассасаларини жойлаштириш ва умумий ҳажми** тўғрисидаги кўрсаткичлар алоҳида тақдим этилиши лозим: туманни режалаштириш объектига қарашли шаҳар ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш ҳамда ташқи, туташ туманлар аҳолисига хизмат кўрсатиш акс эттирилиши керак.

Рекреация масалаларини туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида ишлаб чиқиш бир нечта босқични ўз ичига олади.

1. Рекреацион ўзлаштиришни ҳозирги даражасининг таҳлили.

- мавжуд дам олиш, туризм, курорт даволаниш тармоқларини таҳлил қилиш;
- аҳолининг мавжуд дам олиш жойлари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- мавжуд таъминланганлик даражасини норматив кўрсаткичлар билан солиштириш;
- асосий дам олиш муассасаларини уларнинг профили, сиғими, маъмурий тумандаги ўрни, иморатнинг қулайлик ва капиталлик талабларига мослиги.

18 Ҳудуднинг рекреацион потенциалини комплекс баҳолаш (комплекс баҳолаш ва функционал қисмларга бўлиш асосида ўтказилади).

- табиий-иқлимий шароитларни ўрганиш ҳамда дам олишга яроқли ҳудудларни табиатни муҳофазалаш талабларини ҳисобга олган ҳолда функционал қисмларга бўлиш;
- алоҳида ҳудудларнинг техник имкониятларини баҳолаш;
- ҳудудни рекреацион ресурсларнинг улканлик даражаси бўйича баҳолаш;
- рекреацион туманлар таркибига кирувчи туризм ва дам олиш марказларини ижтимоий-маданий ва тарихий маданий потенциаллари катталикларини аниқлаш;
- транспорт етарлилик ва талаблар манбаъидан дам олиш жойларига ҳаракатланиш шароитларини ўрганиш.

19 Аҳолининг дам олиш ҳудудлари ва жойларига бўлган эҳтиёжини:

- аҳолининг асосий демографик гуруҳларининг даволаш, дам олиш, туризмнинг барча турларига бўлган талабини;
- регионал хусусиятлар ўзига хослигини;
- рекреацион аҳамиятдаги ҳудудларни келажакда заҳиралаш имкониятларини, шу жумладан регионал, вилоятлараро, туманлараро аҳамиятдаги оммавий дам олиш қисмларини ташкил этиш учун ажратиладиган ҳудудларни;
- туманни режалаштириш объекти ҳудудида мамлакат ва регионал аҳамиятдаги дам олиш тармоқларини яратишнинг мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш.

20 Ландшафт қисмларга бўлиш асосида рекреацион ҳудудларнинг сиғимини аниқлаш.

- биоэкологик (табиий комплекс биотасининг турғунлиги), технологик (ландшафтнинг табиий ва гигиеник талабларига жавоб берувчи) ва психологик мезонлар бўйича табиий ландшафтларга келажак рекреацион босимлар катталигини солиштириш;
- рекреацион ҳудудларнинг демографик, экологик ва психологик сиғимлари катталигини белгилаш;

- ҳудуднинг рекреацион потенциални аниқлаш;
- рекреацион туманларни асосий гуруҳларга ажратиш.

Рекреацион туманлар **2 та асосий гуруҳдан иборат: 1) ихтисослашган (курорт, туристик)** - рекреация бу туманлар учун етакчи иқтисодий функция ҳисобланади; **2) полифункционал** – бу туманлар ҳудудида рекреация турли хил халқ ҳўжалиги профилидаги хизмат кўрсатиш объектларининг кичик тармоғи бўлиб хизмат қилади, ҳамда аҳолининг доимий яшаш жойида дам олишнинг ҳар хил турига бўлган эҳтиёжини кондиришни таъминлайди.

Ихтисослашган рекреацион туманлар қуйидаги турларга бўлинади: денгиз бўйи курорт, денгиз бўйи курорт-туристик, бальнеологик курорт туманлар, тоғ-туристик, кўл, дарё, сув омборлари тармоғи бўлган текислик рекреацион туманлар.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида тоғ-денгизолди курорт-туристик туманларни шартли равишда тарҳий хусусиятлари равшан ифодаланган қуйидаги асосий қисмларга бўлиш мақсадга мувофиқдир: қирғоқбўйи (денгиз сатҳидан 100 м гача); тоғолди (денгиз сатҳидан 100-500 м гача); тоғ (500 м дан юқори); тоғ-ўрмон кичик қисмини ажратган ҳолда ва баланд тоғ (денгиз сатҳидан 2000 м дан баланд).

Тоғ чанғи спорт туманлари таркибида қуйидаги элементларни ажратиш мумкин: талабга мувофиқ жиҳозланган чанғи ва чаналарда оммавий учиш қисми; чанғи ва слалом трассалари ва коридорлари, спорт мусобақалари қисми; сайр қилиш, туристик сўқмоқ ва дам олиш майдонлари қисми (қордан ва шамолдан ҳимоя воситалари билан); арқон-ўриндиқли йўллар, фуникулёр ва махсус чанғи кўтаргичлар тизимлари; туристларга хизмат кўрсатиш марказлари ва дам олиш муассасалари комплекслари ҳудудлари.

Санитария курорт даволаш ва дам олишга ихтисослашган туманлари тарҳий таркиби элементлари қуйидагилардан иборат: бальнеологик ресурслардан фойдаланиш ва қўриқлаш қисми, курорт даволаш комплекслари ва муассасалари ва уларнинг ҳудудлари; профилактик-

соғломлаштириш марказлари, махсус жиҳозланган терренкурлар, сайилгоҳ-парк ҳудудлари; солярийлар, даволаш гимнастикаси машғулотлари ва даволаш процедураларини қабул қилиш учун майдончалар ва комплекслар.

Оммавий дам олишнинг **ихтисослашган туманларига**, шунингдек спорт овчилиги, ҳаваскор балиқчилик ва спортча мўлжалга олиш туманлари ҳам киради. Улар чекланган қурилиш ва рекреацион фойдаланиш режимли ихтисослашган ҳудудлар сифатида ташкил этилади. Бу давлат ўрмон-овчилик ва балиқчилик-овчилик хўжаликлари ёки полифункционал рекреацион туманлар таркибига кирувчи (ихтисослашган функционал қисм сифатида) ёки туманни режалаштириш объекти ҳудудий тизимидаги мустақил қисм бўлиши мумкин.

Текислик қисмида шакллантириладиган дам олиш туманларини тархӣй ташкил этишнинг хусусиятларига таркибида маданий ландшафт майдонлари бўлган очик ва ўзлаштирилган маконларнинг кўп қиррали уйғунлашувини кўрсатиш мумкин. Бу ҳолда гап узлуксиз ва экологик ҳар турли бўлган, бир вақтнинг ўзида аҳоли жойлашуви тизимининг тархӣй таркибига кирувчи ҳудудлар тизими шакллантириш ҳақида кетади.

Туманни режалаштириш тизимларида полифункционал рекреацион туманларни тархӣй ташкил этиш республика ва вилоят ягона рекреацион тизими асосида тархӣй элементларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади:

- **соғломлаштириш профилидаги йирик қисмлар** (асосан узоқ вақтли дам олиш ва туризм), сиғими камида 15-20 минг дам олувчили ҳудудий комплекслар;
- **аралаш турдаги дам олиш қисмлари** (узоқ вақтли, оилали болалари билан, қисман қисқа вақтли, иккинчи уйдан фойдаланган ҳолда дала ҳовлили), сиғими камида 5 минг кишилиқ;
- **автоном комплекслар** (махсус рекреацион муассасалар), сиғими камида 1,5-2 минг кишилиқ.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида дам олиш туманлари тархӣй жойлаштириш масалалари кўриб чиқилади.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида шаҳардан ташқари қисқа муддатли дам олиш туманларини тарҳий ташкил этиш, уларни шаҳарсозлик белгилари классификациясини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоғи керак:

- аҳоли жойлариаро, аҳоли жойлари тизими шаклланиши жараёнида тузилаётган, 1,5-2 соат транспорт етарлилигида жойлашган ва тугалланган тарҳий-рекреацион тузилмадан иборат;
- шаҳардан ташқаридагилар учун алоҳида шаҳарлар ва шаҳар агломерациялари аҳолисининг дам олиш жойларига бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган;
- шаҳарликлар (шаҳар яқинидагилар) учун, дам олиш кунда дам олиш функциясини бажарувчи ва шаҳар “остонаси”да жойлашган.


Қисқа муддатли дам олиш қисмларини лойиҳалашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

- шаҳарнинг катталиги ва унинг халқ хўжалик профили (аҳолининг шаҳардан ташқари дам олиш жойларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олишда: ўрта ва катта шаҳарлар учун шаҳар аҳолисининг 17-25%, катта ва йирик шаҳарлар учун 23-42%);
- дам олиш қисмининг шаҳар ёки агломерация рекреацион тизимининг қурилмалари ва элементларига нисбатан жойлашиши (қисқа муддатли дам олиш қисмларининг ободончилик даражаси шаҳар марказий боғларининг ободончилики даражасига мос бўлиши керак);
- транспорт етарлилиги шароитлари (дам олувчиларнинг 80% шаҳар яқинидаги қисмлар 1,5 соатдан кам транспорт етарлилигида қатнайди, 60% - 1,5 2 соат транспорт етарлилигида туманларга қатнайди).

Туманни режалаштириш лойиҳаларида қисқа муддатли дам олиш қисмлари таркибида умумий овқатланиш, савдо, маданий-тарбиявий тадбирлар, физкультура ва спорт, бирламчи медицина ёрдами марказлари ёки муассасаларини кўзда тутмоқ лозим.


Рекреацион тузилмалар тархй таркибининг асосий элементлари сифатида шунингдек, оммавий дам олиш туманлари ва қисмларининг хўжалик ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш марказларини кўриб чиқмоқ керак, буларга юқоридаги функцияларни бажаришга етарли асослари бўлган аҳоли жойлари киради. Бунда соғломлаштириш профилидаги туманлар марказларининг хизмат кўрсатиш радиуслари 20-30 км, йирик дам олиш қисмлари марказаларининг хизмат кўрсатиш радиуслари 5-10 км, дам олиш комплекслари ва санатория-курорт муассасаларининг хизмат кўрсатиш радиуслари – 1-2 кмни ташкил этади.

Туманни режалаштириш лойихасида оммавий дам олишни ҳудудий ташкил этиш 32–33-расмларда келтирилган.



32- расм. Рекреацион марказларни тарҳи й ташкил этиш.

1-энг йирик шаҳар (500 мингдан ортиқ аҳоли); 2-йирик шаҳар (250-500 минг аҳоли); 3-ўрта шаҳарлар (50-100 минг аҳоли); 4-кичик шаҳарлар (аҳолиси 50 мингдан кам); 5-темир йўллар; 6-бош автомобил йўллари; 7-лойиҳавий даврда шаклланадиган рекреацион туманлар ташкилий-хўжалик марказлари; 8-лойиҳавий даврдан кейин шаклланадиган рекреацион туманлар ташкилий-хўжалик марказлари; 9-ўрганиш туризм марказлари; 10-рекреацион аҳамиятдаги автйўллар; 11-йирик ва энг йирик шаҳарлар транспорт етарлилиги бир соатлик изохранаси; 12-йирик ва энг йирик шаҳарлар транспорт етарлилиги икки соатлик изохранаси; 13-14- қисқа муддатли дам олиши; 15-болаларнинг узоқ муддатли дам олиши; 16-катталарнинг узоқ муддатли дам олиши; 17-лойиҳавий даврдан кейин ўзлаштириладиган рекреацион ҳудудлар; 18-қўриқланадиган табиий ландшафтлар.



33-расм. Дам олиш қисмларининг тархйй тизимлари:

а-чизикли; б-тўпламли; в-чуқур-туўпламли.

1-денгиз қиргоғи; 2-ҳимоя ўсимликлари; 3-мавжуд аҳоли жойлари; 4-янги дам олиш посёлкалари; 5-автомобил йўллари; 6-парклар; 7-ўрмон парклари; 8-ўрмонлар; 9-пляжлар; 10-дам олиш қисмлари чегаралари; 11-махсус қишлоқ хўжалик ерлари; 12-хизмат қилувчи персонал яшайдиган посёлкалар.

Тегишириш учун саволлар:

- 21 Рекреация нима?
- 22 Туманни режалаштириш тузилма ва лойиҳаларида рекреация масалалари қандай ёртилади?
- 23 Рекреацион туманлар турлари.
- 24 Ихтисослашган туманлар турлари.
- 25 Қисқа муддатли дам олишни ташкил этиш тамойиллари.

5.4 Худудни меъморий-эстетик ташкил этиш

Худудни тархй ташкил этишнинг муҳим томонларидан бири – уни **меъморий-эстетик ташкил этишидир**. У инсон яшайдиган муҳитнинг эстетик жиҳатларини сақлаш ва яхшилашга қаратилгандир.

Туманни режалаштириш тузилмаларида меъморий-эстетик ташкил этиш муаммолари **анчагина катта худудлар аниқланади**: муҳим транспорт коммуникацияларидан кўриш қисмлари; кўриқлаш ёки рекултивация қилишни талаб этаётган ландшафтлар; бу худудларнинг меъморий-эстетик ташкил этиш йўналиши аниқланади.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида худудлар **ландшафтларнинг жозибалилиги ва хилма-хиллиги** ҳамда уларни томоша қилиш шароитларига кўра бўлинадилар. Бу худудларни меъморий-ландшафт қисмларга бўлиш, ландшафт ҳавзалари чегараларини аниқлаш, композицион ўқ ва доминантларни белгилаш, туманнинг умумий меъморий-ландшафт таркибини аниқлаш ва шу асосда атроф-муҳитнинг эстетик сифатларини сақлаш ва яхшилашни таъминловчи тадбирлар асосий йўналишини белгилаш имконини беради.

Ландшафтларни эстетик таъсирининг ўзига хослиги ва интенсивлиги турли хил усулларда баҳоланиши мумкин:

- **табиий муҳитни инсон томонидан ўзгартириш даражаси бўйича** (йирик шаҳарларнинг типик шаҳар ландшафти; қишлоқ ва табиий элементлар қўшилган шаҳар ландшафти; шаҳар элементлари қўшилган

қишлоқ ва табиий ландшафтлар; табиий элементлар қўшилган қишлоқ ландшафти; қишлоқ ёки рекреация элементлари қўшилган табиий ландшафтлар; инсоннинг сезиларли таъсири изларисиз табиий ландшафтлар);

- **бир хиллик даражаси бўйича** (монотон – бир хил, кам ифодали, ландшафт тури – сийрак ўрмон, чўл ва бошқалар; жозибали – ландшафт турли компонентларининг эстетик тўлақонли уйғунлиги; хаотик – турли хиллар билан тартибсиз тўлиб тошган; ландшафтнинг эстетик кам ифодали тури- бедленд);
- **мутахассислар эксперт баҳоси бўйича ва социологик тадқиқотлар натижаси бўйича** эстетик қиммати бўйича (улкан, кам учрайдиган, жозибали, кам жозибали, жозибасиз, бузилган);
- **асосий ландшафт ташкил этувчи омилларнинг хусусиятлари ва уйғунлашув сонига кўра** (жозибали ўрмонлар, ифодали рельеф, сув ҳавзалари ва сув йўллари эстетик ифодали меъморий объект ёки панорамаларни ҳисобга олган ҳолда).

Ландшафт ташкил этувчи омилларнинг хусусиятларига ва уйғунлашув сонига кўра ҳудуднинг эстетик қиммати қуйидагиларга бўлиниши мумкин:

- барча ландшафт омилларининг – жозибали ўрмонлар, ифодали рельеф, сув ҳавзалари ва сув тармоқлари; ифодали меъморий объектлар ва панорамаларнинг уйғунлиги;
- иккита омилнинг – рельеф ва ўрмон, сув ҳавзалари ёки тармоқлари ва ўрмонлар, ифодали меъморий объектлар ва панорамаларнинг ўрмонлар ёки сув ҳавзалари ва тармоқлари билан уйғунлиги;
- қандайдир битта омилнинг – ўрмонлар, рельеф, сув ҳавзалари ва тармоқлари, ифодали меъморий панорамаларнинг мавжудлиги;
- **эстетик жиҳатдан қулай ландшафт омилларининг йўқлиги** – текис рельефли, ўрмонсиз ҳамда сув ҳавзалари ва тармоқларидан узоқда жойлашган ҳудудлар.

Бундай бўлиниш қиммати турли даражали ландшафтларнинг нисбий катталиги бўйича (умумий майдонга нисбатан % ҳисобида) алоҳида рақобатдош майдонларни эстетик мезон асосида солиштириш имконини беради.

Ландшафтларни эстетик баҳолашни уларни томоша қилиш шароитларисиз ўтказиб бўлмайди. Бунда омманинг назарига нисбатан кўпроқ тушадиган ҳудудлар алоҳида қизиқиш туғдиради. Бу одатда, аҳоли жойлари тизимларининг марказ-шаҳарларига ва энг муҳим транспорт магистралларига ҳамда бошқа оммавий одамлар тўпланадиган жойларга туташувчи маконлардир.


Ҳудудни томоша қилиш шароитлари қуйидагиларга бўлинади:

- “очиқлик” даражаси бўйича – ёпиқ (қурилган массивлар ичида, ўрмонларда, рельефнинг берк пастликларида);
- ярим очиқ (ўрмон массивлари чеккасида, қурилмалар чегарасида);
- очиқ (йирик акваториялар, далалар ва ҳ.к.);
- визуал аҳамияти бўйича: аҳоли жойлари тизимларининг асосий марказларидан, бу марказларни бирлаштирувчи асосий транспорт коммуникацияларидан, бошқа шаҳар ва поселкалардан, оммавий дам олиш жойларидан кўринувчи.

Лойиҳалаш жараёнида учта кетма-кет келувчи босқични ажратиш мумкин:

- ***биринчи босқич*** – лойиҳаолди, лойиҳаловчиларни керакли бошланғич маълумот билан таъминлаш вазифасини бажаради. Бу босқичда тархӣ ҳолатнинг хусусиятлари ўрганилади ва унинг натижаси бўлиб туманнинг меъморий-ландшафт таркиби тўғрисида тасаввур пайдо бўлади.
- ***иккинчи босқич*** – лойиҳавий, унда лойиҳавий ечим вариантларини шакллантириш ва танлаш (шунингдек ҳудудни меъморий-ландшафт ташкил этиш бўйича тавсиялар) бундан олдинги босқичда амалга оширилган баҳолаш асосида ўтказилади. Баҳолаш натижасида олинган

тархйй конкретлаштирилади. Бу лойиҳавий ечимлар вариантларини объектив солиштириш, кулай меъморий ландшафт шароит-шароитларини сақлаш ва яхшилаш визфаларини ҳисобга олувчи туманни режалаштириш объекти тизимчаларининг моделини тузиш имконини беради (34-расм).



34- расм. Туманни режалаштириш объектининг меъморий-ландшафт таркиби.

А-ландшафт туманининг бош ўқи ва томоша марказлари;

Б-ҳудудни ландшафт ҳавзаларига бўлиш.

1-ландшафтни томоша қилиш асосий пиёда трассалари; 2-3-томоша қилиш қисмлари чегаралари; 4-асосий сув трассаси; 5-марказ-шаҳарлар; 6-инженер иншоотлари; 7-шаҳар томондан томоша қилиш йўналишлари; 8-кўриниш нуқталари; 9-ёпиқ кўриниш қисмлари; 10-туманнинг бош ландшафт-композицион ўқи; 11-ландшафт ҳавзалари; 12-томошавий тўсиқлар; 13-шаҳар қурилмалари; 14-транзит автомагистрал; 15-тоғ рельефи.

Архитектура ландшафт баҳолаш материаллари ҳудудни комплекс баҳолашда ҳам ишлатилади. Лойиҳанинг матнида ва чизмасида қайд этилган ҳудуднинг архитектуравий-ландшафт ташкил этиш бўйича тавсиялар атроф

муҳитни муҳофазалаш комплекс тузилмасида, аҳоли жойлашуви бўйича тавсияларда, дам олиш ва туризмни ташкил этишда, транспорт коммуникацияларини ўтказишда ва бошқаларда ишлатилади.

Худудни комплекс баҳолашни тугалловчи унинг архитектура-ландшафт таркиби тўғрисидаги тасаввур мавжуд тархӣ ҳолатнинг эстетик томонини архитектура-ландшафт марказлари, ўқлари, қисмлари ва ҳавзалари тизими сифатида акс эттиради. Марказлар сифатида аҳоли жойлари ва панорамалар очилиши жойларидаги майдонлар, ўқлар сифатида – транспорт коммуникациялари ва пассажирлар ҳамда пиёдалар оқими атроф панорамаларни томоша қилиши мумкин бўлган туристик маршрутлар хизмат қилади. Кўриш майдонлари – оммавий томоша жойлари жойлашган ўрни бўйича; очилаётган панорамаларнинг эстетик қиммати бўйича; қатнашувчилар оқимининг интенсивлиги бўйича хилларга бўлиниши мумкин. Архитектура ландшафт ҳавзалари сифатида марказлардан ёки очик маконлардаги трассалар майдонларида кўриш секторлари доирасидаги худудлар хизмат қилади.

Оммавий кўриш марказлари, ўқлари ва ҳавзалари тармоқларининг худудий таркиби архитектура-ландшафт таркибининг каркаси сифатида қаралиши мумкин. У ландшафтларни кўриш шароитларини белгилаб беради.

Архитектура-ландшафт қисмлари ўзининг ва уларнинг ўқлар ҳамда оммавий кўриш трассаларидан томошавий кўриниш қисмлари билан ҳамоҳанглигида эстетик қиммати бўйича ландшафтлар турларига бўлиниши мумкин.

Меъморий-ландшафт таркиби тўғрисидаги **тасаввур асосида тавсиялар ишлаб чиқилади**, улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ажратилган оммавий томоша марказлари ва трассаларидан кўринувчи эстетик ташкил этилган силуэт ва панорамаларни шакллантириш;
- меъморий-ландшафт қўриқхоналар, буюртмахоналари ва қўриқланадиган қисмларни ташкил этиш, меъморий ёдгорликларни

- таъминлаш йўли билан ажратилган ландшафтларнинг энг қимматлиларининг эстетик сифатларини қўллаш;
- алоҳида эстетик қимматга эга бўлган ландшафтларни томоша қилиш шароитларини кўриш хавзаларида ва қисмларида ердан фойдаланишнинг чегараловчи режимларини ўрнатиш орқали қўллаш ва яхшилаш;
 - жозибасиз ва бузилган ландшафтларни томоша қилиш имкониятини кўринишни беркитиш тадбирларини ўтказиш орқали чеклаш (дарахтлар ўтказиш, деворлар қуриш ва ҳ.к.);
 - бузилган ландшафтларни қайта тиклаш ва жозибасиз ландшафтларнинг эстетик сифатларини яхшилаш;
 - аҳоли жойлари ривожланиши йўналишини аниқлаганда ва янги аҳоли жойлари учун майдон танлаганда, аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни тарҳий ташкил этиш йўналишини танлаганда; асосий транспорт коммуникацияларини ўтказганда; аҳоли жойлари панорамалари ва силуэтларини шакллантирганда меъморий-ландшафт шароитларини ҳисобга олиш.

Ҳудудни меъморий-ландшафт ташкил этиш бўйича таклифлар, худди унинг эстетик баҳолаш натижалари каби туманнинг ландшафтини сақлаш ва яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича зарур бошланғич материал вазифасини бажаради.

Тегишириш учун саволлар

1. Меъморий-эстетик ташкил этиш нима?
2. Ландшафтларнинг эстетик таъсири қандай усулларда баҳоланади?
3. Ҳудуднинг эстетик қиммати нималардан ташкил топади?
4. Ҳудудни томоша қилиш шароитлари нималарга бўлинади?
5. Ҳудудни меъморий-эстетик лойиҳалаш босқичлари.

6-БЎЛИМ. АТРОФ-МУҲИТНИ САҚЛАШ ВА ИНЖЕНЕРЛИК МАСАЛАЛАРИ

6.1 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

Туманни режалаштиришнинг *табиатни қўриқлашдаги роли* табиатнинг асосий компонентлари: сув, ҳаво, тупроқ-ўсимлик қатлами, ҳайвонот дунёсини сақлашга ёрлам берувчи шароитларни яратишдан иборат бўлиб, туман ҳудудини инженерлик тайёрлаш, мелиорация, жойни суғориш ва кўкаламзорлаштириш билан узвий боғлиқ. Атроф-муҳитни қўриқлаш туманни режалаштириш доирасида ишлаб чиқариш кучларини тегишли жойлаштириш, аҳоли жойлашуви, аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш, табиатни қўриқлаш тадбирларини ўтказиш орқали амалга оширилади. Жумладан, халқ хўжалик объектлари тизимини туман ҳудудида рационал маконий жойлаштиришда, ундан эффектив фойдаланишда, тўғри функционал қисмларга ажратишда атроф-муҳитни қўриқлаш бўйича катта имкониятлар мавжудки, уларнинг амалга ошиши биринчи навбатда туманни режалаштириш билан боғлиқдир.

“Атроф-муҳитни қўриқлаш” бўлимига қуйидаги бўлимчалар киради:

- Туманни умумий экологик тавсифи;
- Атмосфера ҳавосини қўриқлаш;
- Ер усти ва ер ости сувларини қўриқлаш;
- Тупроқ ўсимлик қатламини қўриқлаш ва бузилган ерларни тиклаш;
- Санитар-эпидемиологик шароитни яхшилаш;
- Атроф-муҳитни шовқин, электромагнит тебранишлар таъсиридан ва иссиқлик ифлосланишидан сақлаш;
- Ўсимликларни қўриқлаш ва кўкаламзорлар тизимини шакллантириш;
- Ҳайвонот дунёсини қўриқлаш;
- Қўриқланадиган ҳудудлар тизимини шакллантириш;
- Ландшафтни сақлаш ва яхшилаш
- Инженер-экологик қисмларга бўлиш ва атроф-муҳитни қўриқлашнинг комплекс тузилмаси.

Бўлим маълум бир тартибда ишлаб чиқилади ва қуйидаги аналитик-прогноз ва лойиҳавий босқичларни ўз ичига олади:

- атроф-муҳит компонентлари ҳозирги ҳолати тавсифи;
- туманнинг умумий атроф-муҳит ҳолатидаги камчиликларни ҳамда табиий ресурслардан фойдалнишдаги камчиликларни аниқлаш;
- атроф-муҳит ва унинг алоҳида компонентлари ҳолатини туманнинг келажакда белгиланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда прогнозлаш;
- туман ҳудудини инженер-экологик қисмларга бўлиш тузилмасини ишлаб чиқиш ва унинг у ёки бу қисмида пайдо бўладиган муаммоли ҳолатларни белгилаш;
- атроф-муҳитни қўриқлаш бўйича конкрет тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш муддатларини ва тахминий капитал ҳаражатларини ҳамда амалга оширувчи тармоқ ва идораларни аниқлаш;
- атроф-муҳитни қўриқлашнинг комплекс тузилмасини тузиш ва лойиҳавий ечимларни туманни режалаштиришнинг бошқа бўлимлари билан тугал мослаштириш.

Қўрилаётган регионнинг ҳозирги атроф-муҳит ҳолатини баҳолаш унинг табиий шарт-шароитларини, ресурсларини хўжалик ва аҳоли жойлашувини таҳлил қилишга асосланади ва ўз ичига инженер-экологик тавсифномаларни аниқлаш, энг муҳим муҳит ташкил қилувчи компонентларни таҳлил қилиш ҳамда туманнинг табиий ва антропоген тузувчилари орасидаги мавжуд камчилик ва диспропорцияларни аниқлашни олади.

Атроф-муҳитни прогнозлаш вазифаларига туманни режалаштириш тузилмаси (лойиҳаси) бўйича туман хўжалигини ривожлантириш масштабларидан келиб чиқиб кутилаётган атроф-муҳитнинг келажак ҳолатини аниқлаш киради. Бу масштабларнинг “экологик” мезонлари бўлиб,

атроф-муҳитни кўриқлашнинг тегишли стандартлари, санитар-гигиеник ва бошқа нормативлар хизмат қилади.

Атроф-муҳитни кўриқлаш масалаларини ишлаб чиқишнинг лойиҳавий босқичи ўз ичига инженер-экологик қисмларга бўлиш, муаммоли ҳолат ва ареалларни аниқлаш, конкрет тадбирлар комплексини асослаш, атроф-муҳитни кўриқлаш комплекс тузилмасини тузиш ҳамда табиатни кўриқлаш тадбирларига кетадиган тахминий капитал ҳаражатларни аниқлашни олади.

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида атроф-муҳитни кўриқлашнинг алоҳида бўлимларини ишлаб чиқиш методикаси умуман бир хилда, аммо у ёки бу масалаларни кўриб чиқиш ва уларни график тасвирлаш анчагина фарқ қилади.

Туманни режалаштириш тузилмаларида берилган вилоят (ўлка, республика) миқёсида **табиатни кўриқлаш стратегияси бўйича таклифлар** ва атроф-муҳитни кўриқлашнинг **асосий йўналишлари** берилади.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида эса тегишли вилоят (ўлка, автоном республика) учун қабул қилинган табиатни кўриқлаш стратегияси атроф-муҳитни кўриқлаш тадбирлари тизимида конкретлаштирилади.

Атроф муҳит ҳолатининг тавсифномаси ўз ичига қуйидагиларни олади:

- мавжуд хўжалик, табиатдан фойдаланиш ва аҳоли жойлашувининг таъсири натижасида туманнинг умумий атроф муҳити ҳолатини баҳолаш;
- антропоген босимни республика ва вилоят ёки туманлар бўйича ўртача кўрсаткичлар билан солиштириш;
- мавжуд тумандаги атроф муҳит муҳофазаси бўйича энг муҳим муаммоларни аниқлаш.

Инженер-экологик тавсифномалар: репродуктив қобилият, геохимик фаоллик ва ҳудуднинг экологик сиғими каби кўрсаткичлар демографик сиғими билан биргаликда табиий муҳитнинг барча асосий компонентлари

ҳолатини таҳлил қилиш ва прогнозлаш учун асос бўлиб ҳамда туманни келажақ ривожланиш параметрларига, унинг аҳолиси сонига ва ниҳоят атроф муҳит муҳофазаси бўйича белгиланган тадбирлар характери таъсирига умумий экологик чеклов бўлиб хизмат қилади.

Ҳудуднинг репродуктив қобиляти, яъни атроф табиий муҳит элементларини - атмосфера кислороди, сув, ўсимлик қопламини қайта ишлаб чиқиш қобиляти тушунилади.

Келажақ саноат ривожланиш даражасини белгилашда репродукция индекси катта аҳамиятга эга. Бу кўрсаткич мавжуд ёки келажақ асосий биосфера тузувчиларининг истеъмоли нисбатини билдиради. Репродукция индекси 1 га тенг бўлганда табиий муҳит у ёки бу компонентининг баланси истеъмоли тўғрисида гапирса бўлади. Репродукция индекси 1 дан кичик бўлганда туман ноқулай ҳисобланади.

Ҳудуднинг геохимик фаоллиги, яъни табиий муҳитни ифлослантирувчи техногенез маҳсулотларини қайта ишлаш ва чиқариш қобиляти тушунилади.

Ҳудуднинг табиий босимга чидамлилиги деганда ландшафтларнинг табиий антропоген таъсирларга (рекреация, транспорт ва ҳ.к.) қаршилик кўрсатиш қобиляти тушунилади. Ҳозирги даврда рекреацион соҳада ландшафтларга бўлган босимнинг кўрсаткичлари аниқлангани учун, улар бу инженер-экологик кўрсаткични аниқлашда ишлатиладилар.

Ҳудуднинг экологик сиғими – бу конкрет шароитларда уни биогеоценозларининг максимал мумкин бўлган биологик маҳсулдорлигидир.

Экологик сиғим индексини белгилаш учун экологик сиғим кўрсаткичинини туманни биомассаси катталигига бўлиш лозим. Бу индекснинг 0,5 дан кичиклиги туман экосистемасининг анчагина деградациясини билдиради ва уни мақсадли такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади.

Инженер-экологик тавсифномалар вақт давомида ўзгарувчан бўлиб, уларни табиатни қайта тиклаш тадбирлари комплекси орқали яхшилаш мумкин. Буларга ҳудудни инженерлик тайёрлаш, технологик, биотехник ва

бошқа тадбирлар киради. Уларнинг ичида ҳудудни тарҳий ташкил этиш муҳим ўрин тутди.

Атмосфера ҳавосини қўриқлаш аҳоли жойларида ҳаво ҳавзасининг ҳолатини баҳолашда реал концентрацияларнинг йўл қўйилган чегара доираси билан солиштириш орқали амалга оширилади.

Аҳоли жойлари ҳавосининг ифлосланиши тўртта асосий босқич бўйича баҳоланади: йўл қўйиладиган, кучсиз, ўртача, кучли.

Салбий натижалар масштаби (ўрмонлар ҳалокати майдони, табиий ва маданий биоценозлар ҳосилдорлигининг пасайиши) геотизимларнинг ҳаво ифлослантирувчиларга қарши чидамлилигига боғлиқ бўлади. Геотизимларнинг чидамлилиги биринчи навбатда ўсимликларнинг чидамлилиги билан аниқланади, чунки ифлос ҳавонинг таъсирига биринчи навбатда улар жавоб беради. **Антропоген таъсирнинг** тақсимланиши ва геотизимларнинг ифлослантирувчиларга чидамлилигини солиштириш муаммоли ареаллар ва муаммоли ҳолатларни аниқлаш имконини беради.

Ҳаво ҳавзаси муаммоли ҳолатини ва уни геотизимнинг бошқа компонентларига таъсирини аниқлаш умумий ҳолатни яхшилашга қаратилган тадбирлар тизимини шакллантириш имконини беради.

Актив тадбирларга қуйидагилар киради:

- **технологик**: ёқилғини яхшилаш, янги технологияларни қўллаш, ёпиқ цикллар, чиқиндисиз ва кам чиқиндили ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ҳ.к.;
- **санитар-гигиеник**: газларни физик-кимёвий тозалаш услублари, чўкинди ва суюқ аралашмаларни ажратиб олишнинг физик услублари.

Пассив тадбирларга баланд трубалар ва санитар-ҳимоя қисмларни ташкил этиш киради. Тарҳий тадбирлар муҳим роль ўйнайди, уларга қуйидагилар киради:

- ифлослантирувчилар манбаъларини ва аҳоли яшайдиган қисмларни ўзаро тўғри жойлаштириш, бунда ҳудудий ифлосланиш потенциали

бўйича қисмларга бўлиш ҳамда табиий комплексларнинг ҳаво ифлосланишига чидамлилиги ҳисобга олинади.

- инженер-экологик қисмларга бўлиш асосида ҳудуддан фойдаланиш режимини ўрнатиш.

Ер усти ва ер ости сувларини қўриқлаш. Ер усти сувларининг ифлосланишининг потенциал ҳавфини баҳолаш сув тармоқлари сувининг кўплиги, оқимнинг тезлиги, қияликнинг экспозицияси, сувнинг температураси ва бошқа тавсифномаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ер усти сувларини қўриқлашнинг асосий тадбирлари қуйидагилардан иборат:

- саноат тугунлари ва алоҳида корхоналарда ёпиқ сув айланишини татбиқ этиш;
- саноат ва коммунал-маиший оқава сувларни дарёларнинг оқимини тартибга солиш орқали етарли даражада суюлтириш;
- оқава сувларни механик (коагуляция, нейтраллаш ва тинитиш), физик-химик (электростатик ва ион алмашув, сорбция ва ҳ.к.) ва биологик тозалаш.

Ер ости сувларини қўриқлаш бўйича тадбирлар қуйидагилар:

- профилактик (ер ости сувларининг сифатини текшириш ва кузатиш, ер остидан сув олгичларни санитар жиҳатдан ишончли жойлаштириш ва ҳ.к.);
- локал (сув қатламини ифлослантириш ўчоғидан тўсиш);
- тикловчи (сув горизонтини ифлосланишини йўқ қилиш ва ер ости сувларининг табиий сифатини тиклаш).

Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш. Ўсимликларни қўриқлашга қуйидаги тадбирлар киради:

- флорадан рационал фойдаланиш ва браконьерлик билан курашиш;
- кам учрайдиган ва йўқолиб кетаётган ўсимлик турларини йиғишни таъқиқлаш;

- буюртмахоналар ташкил этиш, ботиканика боғлари дендрарийларида коллекциялар ва резерватлар тузиш.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш бўйича асосий муаммолар хўжалик фаолияти туфайли унда бўлган ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Табиий биоценозларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар **ташкилий, тарҳий ва биотехник турларга** бўлинади.


Ташкилий тадбирларга ов қилиш, балиқ тутиш ва бошқаларнинг муддати, усуллари, масштаби ва жойини белгиловчи маслаҳат, чеклов ва таъқиқлар комплексидан ибратдир.

Тарҳий тадбирлар асосий биологик ресурслардан фойдаланиш бўйича ҳудудни қисмларга бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва овчилик, мўйначилик, балиқчилик хўжаликларини ҳамда қўриқхоналар ва буюртмахоналар ташкил этиш таклифларини ўз ичига олади.

Биотехник тадбирлар иккига бўлинади: 1-ўтлоқларни сақлаш ва майдонини кенгайтириш; 2- ҳайвонларга тўғридан-тўғри ёрдам бериш ва уларнинг сифат характеристикасини яхшилаш.


Туманни режалаштириш тузилмаларида энг умумий тарҳий тадбирларга асосий диққатни жалб этиш лозим (ҳудудни қисмларга бўлиш, қўриқхоналар ва буюртмахоналар ташкил этиш ва ҳ.к.).

Туманни режалаштириш лойиҳаларида эса тарҳий тадбирлар билан бир қаторда биотехник тадбирлар ҳам ишлаб чиқилади (35-36 расмлар).



35- расм. Туманни режалаштириш лойихасида атроф муҳит муҳофазаси.

I-IV инженер-экологик қисмлар. 1-ўта ноқулай; 2-ноқулай; 3-чекланган қулай; 4-қулай; 5-табiiй парклар; 6-буюртмахоналар; 7-қўриқхоналар; 8-қўриқланадиган ландшафтлар; 9-алоҳида табиат ёдгорликлари; 10- I гуруҳ ўрмонлари; 11- II гуруҳ ўрмонлари; 12- шаҳарларнинг яшил қисмлари; 13-дала ҳимояси ўсимликлари; 14- сув қўриқлаш ўрмонлари; 15- ўрмон питомниклари; 16- санитар-ҳимоя қисмлар; 17-сув олиш жойларининг санитар-ҳимоя қисми; 18-атмосферани ифлослантириш манбалари; 19-оқава сувларни тушириш жойи; 20-аэропортнинг шовқин қисми; 21-транспорт магистралларининг шовқин коридорлари; 22-ахлат ёқувчи завод; 23-қаттиқ чиқиндиларни сақлаш полигонлари; 24-эрозияга қарши тадбирлар қисми; 25- ноқулай санитария-эпидемиология тавсифномали қисмлар; 26-пестицидларни чекланган миқдорда қўллаш қисмлари; 27-ўрмоннинг ёнғин хавфли майдонлари; 28-оммавий дам олиш қисмлари; 29-овчилик ҳўжаликлари; 30-ҳайвонларнинг қимматли турлари тарқалган қисмлари; 31-камёб қушлар уялайдиган жойлар; 32-шаҳарлар; 33-шаҳар типигаги поселкалар; 34-келажакли қишлоқ жойлари; 35-темир йўллар; 36-магистрал автомобил йўллари; 37-бошқа автомобил йўллари; 38-тарихий ва маданий ёдгорликлар.



**36- расм. Конлар ишлаши билан бузилган ҳудудларни ўзлаштириш.
а-мавжуд аҳвол; б-лойихавий таклиф.**

1-мавжуд аҳоли жойлари; 2-йўқотиладиган аҳоли жойлари; 3-ишлаётган карьералар;
4-дам олиш қисмига айлантирилган ташиқ тўплар ва очилмалар; 5-эрозия
майдонларга тупроқ ётқизиш; 6-ёпилган очилмалар; 7-сув ҳавзалари; 8- 1-1,5 соатлик
пиёда етарлилик чегаралари; 9-жамоат транспортида бир соатлик етарлилик чегараси.

Назорат учун саволлар:

1. Туманни режалаштиришнинг табиатни қўриқлашдаги роли.
2. “Атроф-муҳитни қўриқлаш” бўлими нималарни ўз ичига олади?
3. Атроф-муҳитни прогнозлаш вазифаларига нималар киради?
4. Лойихавий босқич ўз ичига нималарни олади?
5. Туманни режалаштириш тузилмаларида табиатни қўриқлаш бўйича нималар берилади?
6. Туманни режалаштириш лойихаларида атроф-муҳитни қўриқлашнинг қайси масалалари кўриб чиқилади.
7. Актив тадбирларга нималар киради?
8. Пассив тадбирларга нималар киради?
9. Ер усти ва ер ости сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш бўйича қандай тадбирлар мавжуд?

6.2 Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш

Туманни режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ***тарихий ва маданий ёдгорликларга*** қуйидагилар киради:

- ***тарихий ёдгорликлар*** – халқнинг ҳаётидаги муҳим тарихий воқеалар билан боғланган тарихий жойлар ва педметлар, иморатлар ва иншоотлар;
- ***археологик ёдгорликлар*** – шаҳарлар қолдиқлари, қўрғонлар, қадимги аҳоли жойлари қолдтқлари, тош ҳайкаллар, қоя расмлар ва ҳ.к.
- ***шаҳарсозлик ва архитектура ёдгорликлари*** – архитектура ансамбллари ва комплекслари, тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кўчалар ва ҳ.к.

Туманни режалаштиришда турли хил тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборатдир:

- объектларни кўриқлаш учун танлаш ҳамда ёдгорликларни кўриқлаш ва фойдаланиш бўйича чоралар уларнинг қиймати, у ёки бу маданият ривожланишидаги ўрни, композицион роли, табиий атроф-муҳитга ва ҳозирги аҳволига қараб амалга оширилмоғи лозим;
- туманни режалаштиришда тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш табиий-иқлимий ва антропоген таъсирларни ҳисобга олишни назарда тутати, лекин бу билан боғлиқ бўлган зарар минимумга келтирилмоғи лозим;
- хўжалик фойдаланишдан анчагина ҳудудлар ажратиб олиниши мумкин бўлмаганли туфайли, ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тизими комплекс бўлмоғи лозим, яъни ҳам ёдгорликларни сақлаш манфаатларини, ҳам ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларини мослаштириши керак.

Бўлимни ишлаб чиқиш қуйидаги **босқичларни** ўз ичига олади:

- тарихий ва маданий ёдгорликларни ва уларнинг атрофини ўрганиш;
- ёдгорликларнинг рўйхатини ва уларнинг классификациясини тузиш;
- кўрилаётган туман тарихий ва маданий ёдгорликларини ҳудудни функционал қисмларга бўлиш ва тарҳий ташкил этишдаги, туманни режалаштиришнинг меъморий-эстетик вазифаларини ечишдаги ўрни ва ролини аниқлаш;
- туманнинг тарихий ва маданий ёдгорликларини уларни сақлаш асосий тамойилларига мос ҳолда муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини маконий-тарҳий ташкил этиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш.

Аналитик босқичда туман тарихи бўйича бор материаллар билан танишиш, тарихий ва маданий ёдгорликлар тўплами кўрсаткичлари бўйича тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, ёдгорликларни сақлаш давлат органлари материаллари, археологик ва этнографик экспедициялар, ўлкашунослик музейлари, архивлар,

ёдгорликларни муҳофаза қилиш маҳаллий жамиятлари материаллари ўрганилади.

Таҳлилнинг муҳим босқичи – *натурани тадқиқ қилиш*. Бунда табиий ландшафтнинг сақланиши ёдгорликни ёки ёдгорликлар гуруҳини сақлаб қолинишига асос бўладиган майдонини ажратиш муҳимдир.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар тўпланган жой аҳоли пунктининг *тарихий ва шаҳарсозлик қимматини аниқлашда* унинг тархий таркибининг сақланганлиги, унинг худудидаги ёдгорликлар сони ҳамда аҳоли жойининг туман тарихидаги аҳамиятидан келиб чиқиши лозим.

Ёдгорликлар тўғрисида қуйидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга:

- ёдгорлик тури, унинг бирламчи вазифаси, қурилиш вақти;
- ёдгорликнинг сақланиш даражаси ва ундан ҳозирги даврдаги фойдаланиш характери;
- ёдгорликнинг тарихий, илмий, бадий, утилитар ва экологик қиммати;
- урбанизациялашган ва табиий ландшафтда ёдгорликнинг композицион роли, ландшафт билан алоқаларининг ҳамда ландшафтни ўзининг сақланганлик даражаси;
- ёдгорликни томоша қилиш шароитлари, уни асосий транспорт коммуникацияларига яқинлиги ва етарлилиги;
- атроф муҳитнинг характери ва унинг ёдгорликка таъсири.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар тўпланган аҳоли жойининг тарихий ва шаҳарсозлик қимматини аниқлашда унинг тархий таркибининг сақланганлиги, худудидаги ёдгорликларнинг сони ҳамда аҳоли жойининг туман тарихидаги аҳамиятидан келиб чиқмоқ лозим.

Майдон бирлигига энг кўп тарихий ва маданий ёдгорликлар тўғри келувчи аҳоли жойлари ёдгорликларни сақлаш тизимида таянч жойлари сифатида тавсия этилиши мумкин. Ёдгорликларни сақлаш тизимидаги барча аҳоли жойлари ягона умумтуман маршрути билан боғланган бўлиши лозим. Бу маршрут эса ўз навбатида, туристик ва экскурсион маршрутлар билан мослашуви керак.

Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланишни **маконий-тархйй ташкил этиш бўйича** таклифлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ёдгорликларни туман ҳудудида жойлашиш карта схемаси тузилади ва у ёдгорликларни сақлаш давлат органлари билан келишилади;
- умум туман ёдгорликларни сақлаш тизимида таянч пунктлар ажратилади ва уларнинг таъсир доираси аниқланади;
- туманнинг умумий функционал қисмларга ажратиш чизмаси билан маданий ёки хўжалик функцияларини ривожлантириш таклифлари берилади;
- ёдгорликларни сақлаш регионал қисмлари чегаралари аниқланади ва қўриқланадиган ҳудудларни сақлаш режимлари бўйича таклифлар берилади.

Тарихий маданий меросни сақлашни ташкил этишнинг шакллари кўриб чиқиладиган ҳудуд катталигига қараб тарихий-маданий (миллий) парклар, уларнинг ичида турли хил йўналишдаги (тарихий-меъморий, археологик, этнографик ва бошқа) муҳофаза қисмлари, ҳамда комплекс ва локал муҳофаза қисмлари ажратилади. Бунда ердан фойдаланиш ва қурилишнинг маълум бир режимдан фойдаланилади.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида муҳофаза қисмлари ичида қурилмаларни тартибга солиш қисмлари ва табиий ландшафтни қўриқлаш қисмлари ажратилади. Табиий ландшафтни қўриқлаш қисми, тарихий ва маданий ёдгорликлар билан боғланган ҳолда, йўл қўйиладиган босимлар бўйича ва табиий компонентлардан хўжалик фойдаланиш турлари бўйича ажратилади.

Тарихий ва маданий ёдгорликлардан фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқаётганда уларнинг янги функционал ролини ҳудуддан келажакда фойдаланиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб аниқлаш лозим.


Тарихий ёдгорликдан фойдаланиш шакли қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- янги функционал таркиб ёдгорликнинг маконий таркибига тўғри келиши керак;
- янги функция ёдгорликнинг сақланишига салбий таъсир этмаслиги лозим;
- янги функция ва ёдгорликнинг бадиий-образли сифатлари орасида номуносибликлар бўлмаслиги керак.

Туманни режалаштириш тузилмаларида энг йирик регионал муҳофазалаш шакллари (тарихий-маданий парклар ва унинг ичидаги турли ихтисослик қисмлари) ишлаб чиқилади, қўриқлаш режимлари ўрнатилади.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида комплекс ва локал қўриқлаш қисмлари чегаралари белгиланади. Комплекс қисмлар тарихий аҳоли жойлари гуруҳлари атрофида алоҳида ёдгорликларни қўшган ҳолда; локал қисмлар алоҳида аҳоли жойлари ва алоҳида ёдгорликлар атрофида ўрнатилади. Қўриқлаш қисмлари ичида қурилмаларни тартибга солиш қисми ва табиий ландшафтни қўриқлаш қисмлари ажратилади. Уларда туманни режалаштириш тузилмасига нисбатан анча тўлароқ ёдгорликлардан фойдаланиш таклифлари берилади.

Туманни режалаштиришда тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлашнинг умумий масалалари 37- расмда келтирилган.



37-расм. Туманни режалаштиришда тарихий ва маданий ёдгорликларни кўриклаш ва фойдаланиш.

1-тарихий қимматли аҳоли жойлари; 2-янгидан аниқланган тарихий қимматли аҳоли жойлари; 3-қайта тикладиган меъморий-ландшафт комплекслари; 4-қўргонлар; 5-алоҳида диний ёдгорликлар; 6-саноат архитектурасининг алоҳида ёдгорликлари; 7-тарихий трассалар; 8-9-реставрация қилинадиган ёдгорликлар чегаралари; 10- сувенир ишлаб чиқариш марказлари; 11-қайта тикланаётган ҳунармандчилик цехлари; 12-ёдгорликларни сақлаш тизимида таянч пунктлари; 13-ёдгорликлардан курорт мақсадида фойдаланиш қисми; 14-ёдгорликлардан шаҳар олди дам олишида фойдаланиш қисми; 15-ёдгорликлардан туризм учун фойдаланиш қисми; 16-ёдгорликлардан музей ва бошқа махсус мақсадларда фойдаланиш қисми; 17-туристик трассалар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Тарихий ва маданий ёдгорликларга нималар киради?
2. Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлашнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
3. Туманни режалаштириш лойиҳаларида тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш бўлими қандай босқичларни ўз ичига олади?

4. Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлашнинг маконий-тархӣй ташкил этиш бўйича таклифлар нималарни ўз ичига олади?

6.3 Туманни режалаштиришда транспорт масалалари

Транспорт инфраструктураси – бу маълум бир ҳудудларда юк ва йўловчи ташишни таъминлайдиган транспорт коммуникациялари, транспорт воситалари ва қурилмаларининг тизимидан иборатдир.

Мамлакат халқ хўжалигида транспорт боғловчи ва **ташкил этувчи** ролини бажаради. Усиз ишлаб чиқаришни **кооперациялаш**, янги перспектив туманларни ўзлаштириш мумкин эмас. Транспортнинг ривожланиши шаҳарлар ва бошқа аҳоли жойларининг ривожланишига, аҳолининг ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий ва ихтисослашган алоқаларини чуқурлашишига, меҳнат қилиш жойларини, яшаш ва дам олиш жойларини эркин танлашга имкон беради.

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида транспорт бўлимини ишлаб чиқишдаги асосий вазифа бўлиб транспорт тармоғини ҳудуддан фойдаланиш характериға мослаштиришдан иборатдир (аҳоли жойлашуви билан, саноат объектларини, қишлоқ хўжалиги ҳудудларини жойлаштириш ва бошқалар билан).

Транспорт тизими бу – транспорт турлари, уларнинг ташиш қобилияти, ҳаракатланиш узоклиги, транспорт воситаларининг тезлиги, пассажирлар ва юклар ҳажмининг тақсимланишидир.

Ривожланган шаҳар-марказлар таъсир доирасидаги шаклланган аҳоли жойлашуви асосида аҳоли жойлашуви тизимларини эффектив ташкил этиш учун бу ҳудудлар транспорт тизимини уларни тархӣй таркиби билан мослаштириш лозим. Моҳиятан бу туманларнинг ягона транспорт тизимининг шаҳарсозлик ечимларига мослаб аниқ бир тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалға оширишни билдиради.

Аҳоли жойлари тизими ва уларнинг транспорт инфраструктураси **тархӣй бирлигини** амалга ошириш шаҳарсозликнинг жиддий ва қийин муаммоларидан ҳисобланади. Бу муаммони ечишнинг мураккаблиги шундан иборатки, тархӣй таркиб элементлари шаклланиши транспорт тизими яратилишидан олдинда боради. Иккала тизимни – тархӣй ва транспорт ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлаш ҳозирги замон шаҳарсозлигининг муҳим масаласидир.

Охир оқибат берилган чегараларда янги транспорт тизимини яратиш ёки мавжудини қайта ўзгартиришдан мақсад халқ хўжалиги юк ва пассажир ташилмаларини ҳаракат хавфсизлиги ва ташқи муҳитга зарарли таъсирини камайтиришни таъминлаган ҳолда ташкил этишдан иборатдир.

Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ечиш лозим:

1. Транспорт воситаларини **тезлик имконияларини** ошириш;
2. Аҳолининг мажбурий **норационал ҳаракатларини** минимал даражага келтириш;
3. **Ижтимоий эҳтиёжлар** туфайли пайдо бўлган **ҳаракатларнинг** йўналишлар сонини ва узунлигини иложи борича қисқартириш.
4. Макон ва вақтда координациялашган минимал ҳаражатларда ташишга бўлган эҳтиёжини қондирувчи ягона **эффектив транспорт тизимини** яратиш;
5. Аҳоли жойлашуви тизими **транспорт-тархӣй таркибининг** атроф табиий муҳит билан уйғунлашувини таъминлаш;
6. Транспортнинг атроф ҳудудларга **салбий таъсирини** (шовқин, вибрация, ишлатилган газлар, чанг ва ҳ.к.) минимумга келтириш.

Бу вазифаларнинг бир қисми **техник воситалар**, бир қисми – **шаҳарсозлик усуллари** ва бир қисми шаҳарсозлик ва транспорт масалаларини ечиш усулларининг **йигиндисини** орқали ҳал этилади.

Муаммо ечимининг энг юқори эффективлигига умуман олганда учта ўзаро боғлиқ компонентларни мослаштириб **аҳоли жойлашуви тизими,**

транспорт тармоғи ва транспорт воситаларини – мавжуд ҳолат ва келажакни ҳисобга олиб эришилади.

Асосий транспорт турларидан темир йўл транспорти энг кўзга ташланадиган шаҳар ташкилий роль ўйнайди. Темир йўл транспорти шаҳар олди ҳаракатларида етакчи транспорт воситаси ҳисобланади. Ўйрик аҳоли жойлашуви тизимларида темир йўл транспортини пассажир ташишда фойдаланишда, унинг ишини транспорт бошқа турлари билан координациялаш талаб этилади.

Темир йўллар категорияси юкларнинг ҳажми ва пассажир поездларининг ҳаракат ўлчамларига боғлиқ.

Туманни режалаштиришда темир йўл траспортини ташкил этишга қаратилган масалаларга саноат комплексларига, аэропортларга, денгиз ва дарё портларига келувчи йўллар тармоғини ривожлантириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш киради. Баъзи ҳолларда янги темир йўллари, шаҳобчалари ва айланма йўлларини қуриш тавсия этилади.

Ўйрик шаҳарларга кираверишдаги магистрал темир йўлларнинг бош участкалари уларни биргаликда узоқ ва шаҳар олди ташувларидагина эмас, балки магистрал тармоқнинг элементи сифатида қаралмоғи лозим.

Мамлакат автомобил паркиннинг ўсиши, ободонлаштирилган автомобил йўллари тармоғининг кенгайиши, яқин келажақда автомобил транспортининг аҳоли жойлашуви тизими таркибининг шаклланишидаги роли ошишини билдиради.

Автомобил йўлларини лойиҳалашда уларнинг халқ хўжалик аҳамияти улар бирлаштирадиган шаҳарлар аҳоли сонига мувофиқ олинади. Автомобил йўлларининг ҳар бир категориясига мамлакат ягона транспорт тизимида, шу жумладан туманни режалаштириш объекти учун ҳам, ўз ўрни ажратилади. Автомобил йўлларининг техник-эксплуатацион параметлари бўйича категорияси уларнинг маъмурий аҳамиятдаги классификацияси билан мувофиқ бўлиши лозим (жадвал).

Автомобил йўллари калассификацияси

Йўлларнинг техник категорияси	Автомобил йўлларининг маъмурий аҳамияти	Ҳисоб кўрсаткичлари		Тарҳда энг кичик айлана радиуси, м
		Ҳаракат интенсивлиги авт/сут	Ҳаракат тезлиги Км/соат	
I	Ҳалқаро аҳамиятдаги автомобил йўллари, республика аҳамиятидаги асосий магистраллар, йирик шаҳарлардан аэропортларга, дарё ва денгиз портларига бориш	7000 дан ортиқ	150	1000
II	Юқоридаги	3000-7000	120	600
III	Мамлакат миқёсидаги автомобил йўллари, вилоят аҳамиятидаги асосий йўллар, аэропортлар, темир йўл станцияларига ва халқаро йўлларга бориш	1000-3000	100	400
IV	Ўлка, вилоят ва туман аҳамиятидаги автомобил йўллари	200-1000	80	250
V	Маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўллари	200 дан кам	60	125

Ўзлаштирилган туманлар учун асосий масала мавжуд автомобил йўлларини транспорт оқимларининг ҳозирги ва келажак ҳаракат ўлчамларига мослаштиришдир. Автомобил йўлларининг ўтказиш қобилиятини ошириш учун уларни паст категориядан юқорига ўтиш қисмларини, айниқса йирик шаҳарлар яқинида, кенгайтириш орқали амалга оширилади. Автомобил йўлларида тезкор автобус ҳаракатини ташкил этганда қўшимча йўлакларни кўзда тутиш лозим.

Автобус транспорти юк ва пассажир ташишга бўлган эҳтиёжни оператив қондиргани учун келажаги порлоқ ҳисобланади. Унинг қўлланиш дориаси кенг ва турли хил, у ҳаракатнинг турли шароитларига мослашган.

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида аэропорт, аэродромлар ва вертолет станциялари майдонлари учун ҳудудлар ажратилмоғи лозим.

Юқори класс аэропортларни жойлаштирганда нафақат лойиҳа объектига, балки қўшни туманлар, шаҳар ва аҳоли жойлари транспорт

етарлилигида жойлашган аҳолига ҳам хизмат кўрсатиш кўзда тутилади. Аэропортлар етарлилигини ошириш учун уларни мавжуд ёки лойиҳаланаётган темир йўл ва автомобил йўлларига яқин жойлаштириш лозим.

Самолётларнинг учиш ва қўниш ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида, ҳамда турар жой ҳудудларини ва дам олиш қисмларини авиациянинг шовқини таъсиридан ҳимоялаш, шаҳарларни тўсиқсиз ривожланишини таъминлаш учун аэропортлар ва аҳоли жойлари орасидаги масофа қуйидагича бўлиши лозим: классиз ва I класс аэропортлар учун – 30 км; II класс – 20 км; III ва IV класс – 5-10 км. Янги лойиҳаланаётган завод аэродромлари аҳоли яшайдиган ҳудуд чегарасидан 6 км масофада жойлашиши мумкин.

Ҳаво транспортидан туман ичи юк ва пассажир ташишда йўл тармоқлари табиий шарт-шароитлар туфайли етарли даражада ривожланмаган ёки бўлмаса фойдаланилади.

Туманни режалаштириш тузилма ва лойиҳаларида транспортни ривожлантиришнинг умумий масалалари 38- расмда келтирилган.

Такрорлаш учун саволлар:


1. Транспорт инфраструктураси нима?
2. Транспорт халқ ҳўжалигида қандай вазифани бажаради?
3. Транспортнинг ривожланиши қандай имкониятларни очиб беради?
4. Туманни режалаштиришда транспорт бўлимини ишлаб чиқишдаги асосий вазифа нима?
5. Транспорт тизими нима?
6. Транспорт тизимини яратишдан асосий мақсад нима ва у қандай вазифаларни ўз ичига олади?
7. Бу вазифалар қандай ҳал этилади?
8. Туманни режалаштиришда темир йўл, автомобил, автобус ва ҳаво транспортларидан фойдаланиш доирасини айтиб беринг.

6.4 Инженер-техник инфраструктураси

Сув таъминоти ва сувларни олиб кетиш. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли жойларида сув таъминоти истеъмолчиларнинг таркиби ва босими, сув таъминоти манбаъларининг борлиги ва жойлашувига қараб лойиҳаланади. Аҳоли яшовчи ва саноат ҳудудларининг **бирлашган сув таъминоти тизимида** бир хил манбаълар, сув олиш жойлари, насос станциялари, сув йўналтиргичлар ва тозалаш иншоотларидан фойдаланилади.

Бундай тизим саноатнинг технологик эҳтиёжлари учун асосан сифатли ичимлик суви талаб қилинганда ва унинг сарфи кўп бўлмаганда мақсадга мувофиқдир. **Алоҳида тизимда** сув олиш жойлари, насос станциялари, сув йўналтиргичлар ва тозалаш иншоотлари аҳоли яшовчи ва саноат ҳудудлари учун алоҳида-алоҳида қурилади. Бундай тизим техник сувнинг сарфи аначагина бўлганда ёки саноат корхоналарининг сув таъминоти манбаига жуда яқин жойлашганида рационал ҳисобланади.

Аҳоли яшовчи ва саноат ҳудудларини **ярим алоҳида сув таъминоти** тизимида сув олиш жойлари ва сув йўналтиргичлар умумий, тозалаш иншоотлари ва тармоқлари эса алоҳидадир. Сув таъминоти тизимлари нафақат алоҳида аҳоли жойлари учун, балки шаҳарлар ва аҳоли жойлари гуруҳлари учун ҳам тузилади (39-расм).



39–расм. Туманни режалаштиришда сув таъминоти ва оқава сувларни олиб кетиш. Сув таъминоти ва оқавалар, минг $\text{м}^3/\text{сут.}$

1-келажак сув истеъмолининг умумий катталиги; 2-мавжуд сув истеъмоли катталиги; 3- ер ости сувларининг келажакда олинishi; 4- ер ости сувларининг ҳозирда олинishi; 5-сув омборлари ресурслари; 6-оқава сувларнинг келажак ҳажми; 7-оқава сувларнинг ҳозирги ҳажми; **Майдонлар:** 8-ер ости сувларининг тасдиқланган заҳираси билан; 9-келажак ер ости сувларининг разведкаси учун; 10-келажаги йўқ; 11-сув омборлари; 12-тўғонлар; 13-лойиҳаланаётган каналлар. **Ер усти манбаъларидан сув олиш:** 13- лойиҳаланаётган каналлар; **Ер ости манбаъларидан сув олиш:** 14- мавжуд; 15-лойиҳавий; **Филтрлаш станциялари:** 16-мавжуд; 17-лойиҳавий; 18-мавжуд сув келтириш тармоқлари; 19-лойиҳавий сув келтириш тармоқлари. **Канализациянинг тозалаш иншоотлари:** 20-мавжуд; 21-лойиҳавий; 22-канализация тушириш; **Канализация коллекторлари:** 23-мавжуд; 24 лойиҳавий.

Хўжалик ва ичимлик сув таъминоти учун фойдаланиладиган ер ости сувларининг сув олиш жойлари керакли санитар-гигиеник шароитларга эга бўлган ва албатта саноат ва аҳоли яшайдиган ҳудудлардан ташқарида жойлашмоғи лозим. Худди шу мақсадда фойдаланиладиган ер усти сувларининг сув олиш жойлари, саноат ва аҳоли яшайдиган ҳудудлардан дарё ёки канал оқими бўйича юқорида жойлашмоғи керак. Барча сув таъминоти манбалари санитар-ҳимоя қисмларига эга бўлмоқлари лозим.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли жойлари ҳудудларидан оқава сувларни олиб кетиш хўжалик-маиший ва саноат оқавалари ҳамда атмосфера ёғин сувлари учун лойиҳаланмоғи керак.


Хўжалик-маиший ва саноат оқавалари ҳамда атмосфера ёғин сувларини олиб кетиш *алоҳида, умумий ва ярим алоҳида* канализация тизимида бажаралиши мумкин.

Алоҳида тизим иккита мустақил тармоқлардан иборат: биттаси бўйича саноат корхоналаридан хўжалик-маиший ва оқава сувлар олиб кетилади, улар умумий тозалаш иншоотларида тозаланади: иккинчисидан эса ёмғир сувлари, қор эригандаги сувлари ва шартли тоза саноат оқавалари олиб кетилади.

Умумий тизим тозаланган хўжалик-маиший, саноат ва ёмғир сувлари учун умумий тармоққа эгадир. Бу тизимда алоҳида тизимга нисбатан тозалаш иншоотларининг ҳажми кўпаяди.

Ярим алоҳида тизим хўжалик-фекал ва ёғингарчилик оқавалари учун иккита мустақил тармоқ ўтказишни кўзда тутди. Иккала тармоқ баъзи жойларида махсус бўлувчи камералар билан бирлаштирилади. Улар орқали маиший ва саноат оқавалари билан бир қаторда тозалаш иншоотларига ёғингарчилик сувларининг энг ифлосланган қисми ҳам юборилади.

Бир нечта шаҳарлар ва аҳоли жойлари учун канализациянинг туман тизими умумий тозалаш иншоотлари билан қурилиши мумкин (40-расм).



40- расм. Канализациянинг туман тизими.

1-аҳоли яшаш қисми; 2-насос станцияси; 3-босимли тармоқ; 4-ўзи оқувчи тармоқ; 5-тозалаш иншоотлари; 6-тозаланган оқаваларни тушириш.

Энергия таъминоти. Энергия таъминоти учта бўлимни ўз ичига олади: *электр таъминоти, иссиқлик таъминоти ва ёқилғи-газ таъминоти.*

Ҳозирги замон электр таъминотини тавсифлаш электр тармоқлари ва тармоқ қурилмаларининг умумий ҳолати кўрсаткичлари, электр таъминоти манбаълари, уларнинг шу ва қўшни энергия тизимлари билан алоқалари; олдинги йиллардаги электр таъминоти ривожланишининг қисқача тавсифи; хўжалик тармоқлари бўйича истеъмол таркиби; электр истеъмолининг нормалари ва энерготизим актив қуввати ва электр энергиясининг ҳисобот балансини ўз ичига олади.

Замонавий иссиқлик таъминоти шаҳар ва шаҳар типдаги поселкаларда марказлашган иссиқлик таъминоти даражасини, иссиқлик манбаъларини, ёқилғини марказлашган ва алоҳида иссиқлик таъминоти тизимлари томонидан истеъмол этилишини, иссиқлик истеъмол нормаларини қисқача тавсифлаш орқали баҳоланади.


Ҳозирги замон ёқилғи ва газ таъминотини таҳлил қилганда ёқилғи ресурсларининг хўжалик тармоқлари бўйича ҳажм, таркиби ва тақсимлаш хусусиятлари, табиий ва суюлтирилган газнинг турли истеъмолчилар

гурухлари бўйича сарфи, газ ўтказиш транспорти ва ҳудудни табиий ва суюлтирилган газ билан таъминловчи манбаъларнинг ҳолати кўриб чиқилади.

Келажакда электр, иссиқлик, ёқилғи-газ таъминотини ривожлантириш бўйича таклифлар қуйидаги умумий масалаларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади:

- тармоқни ривожлантириш ва электр, иссиқлик ва ёқилғи таъминоти темпларини аниқлаш;
- энергия таъминотини мавжуд лойиҳалар бўйича келажак схемасини танлаш;
- инженерлик иншоотлари, тармоқлари ва ёқилғи энергетика ресурслари манбаъларини ривожлантириш йўллари танлаш;
- келажак балансини тузиш;
- халқ хўжалиги асосий тармоқлари томонидан энергоресурслар истеъмоли таркибини асослаш (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ҳ.к.);
- аҳоли жойлари энерготаъминоти бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
- истеъмолчиларнинг алоҳида категориялари учун энергия истеъмолининг тахминий ҳисоб-китоблари;
- энергия таъминотини ривожлантиришга кетадиган капитал маблағларни ва ишлар ҳажмини ҳисоблаш.

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида энергия таъминоти масалалари 41-расмда келтирилган.



41- расм. Туманни режалаштиришда энергия таъминоти.

А-мавжуд; Б-лойиҳавий.

1-ГЭС; 2-Иссиқлик энергия маркази; 3-500 кВ ли подстанция; 4-220 кВ ли подстанция; 5-110 кВ ли подстанция; 6-35- кВ ли подстанция; 7-500 кВ ли подстанция; 8-220 кВ ли ЛЭП; 9-110 кВ ли ЛЭП; 10-35 кВ ли ЛЭП; 11- нефт етказувчи; 12-газ етказувчи; 13-маҳсулот етказувчи.

Худудларни инженерлик тайёрлаш – бу худуднинг характеристикасини яхшилашнинг инженерлик тадбирлари ва иншоотлари комплекси ёрдамида ундан хўжалик фойдаланиш ва табиий муҳитни сақлаш талабларига амал қилган ҳолдаги режавий тартибга солиш жараёнидир. У худуд тавсифномаларининг ундан хўжалик фойдаланиш талабларига мос келмаган ҳолида бажарилади.

Худудий ресурслар фондини аниқлаш ва уларнинг турли хил хўжалик фойдаланишга яроқлилигини белгилаш худудни комплекс баҳолаш билан боғлиқдир. Инженерлик тайёргарликка нисбатан бу баҳолаш худуднинг характеристикаларини фойдаланиш тури учун норматив даражагача етказиш ва уни шу даражада ушлаб туриш учун кетадиган ҳаражатларни аниқлаш билан боғлиқдир. Баҳолашнинг ва тегишли тайёргарликнинг йўналиши шаҳарсозлик, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқ хўжалиги, рекреация ва табиатни муҳофаза қилиш соҳалари бўйича амалга оширилиши мумкин.

Шаҳарсозлик ва рекреация йўналишлари худуднинг инженер-геологик, гидрологик, санитар-гигиеник, медико-биологик, меъморий-эстетик хусусиятларини яхшилаш билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги йўналишлари тупроқларнинг сув, туз, температура ва ҳаво режимларини оптималлаштириш, ҳаво муҳитининг ер усти қатламида ўсимликлар ҳаёти учун қулай шарт-шароитларни яратиш ва механизмлардан фойдаланиш билан боғлиқ.

Балиқ хўжалиги йўналиши дарё, кўл ва ҳовузларнинг гидрологик ва санитар режимини яхшилаш, балиқ яшайдиган ҳовузлар қуриш, кўпаядиган жой ва қисмларни ободонлаштириш ва қўриқлаш билан боғлиқ.

Баҳолаш натижаси – худудни ҳаражатлар даражаси бўйича туманларга ажратиш ва қулай, чекланган қулай ва ноқулай категорияли майдонларни белгилашдир.


Худуднинг келажак модели ҳисоб вақтида қабул қилинган худуддан хўжалик фойдаланиш турлари асосида шаклланади. Ҳар бир тур учун худудий тизимни унинг ривожланиши ва мавжуд бўлиши учун керакли тафсифномали модели қабул қилинади. Тафсифномалар норматив ва экстраполяцион усулларда аниқланади.

Туманни режалаштиришда худуд **характеристикаларини ўзгартиришнинг асосий йўналишлари** қуйидагилардир: тупроқларнинг кўтариш қобилиятларини ошириш; рельефни вертикал режалаштириш;

худудни бўлинганлигини камайтириш; қумларни мустахкамлаш; пляжлар майдонини кўпайтириш; карст ҳосил бўлишини йўқотиш; сув ва тупрок эрозиясини олдини олиш; кўчки босиб қолиш ҳолатларини йўқотиш; жарликларни йўқотиш; сел пайдо бўлиши ва таъсир қилишини йўқотиш; ер ости сувлари чуқурлигини тартибга солиш; дарёлар ўзани ва оқимини тартибга солиш; дарё ва сув ҳавзаларининг гидрологик режимини тартибга солиш; худудни сув билан таъминланганлигини ошириш; дарё ва сув ҳавзаларини санитар-гигиеник шароитларини яхшилаш; сув босимини ва ер ости сувларининг кўтарилишини йўқ қилиш; ботқоқоқликларни йўқотиш; тупроқларни шўр босишини йўқотиш ва санитар-гигиеник шароитларини яхшилаш; тупроқларнинг температура-намлик режимини яхшилаш; худуднинг биомасса бўйича репродуктив қобилиятини ошириш; худуднинг сув бўйича репродуктив қобилиятини ошириш; ландшафтларнинг геохимик мустахкамлигини ошириш; ландшафтларнинг жозибadorлигини ошириш.

Ландшафт тафсифномаларининг белгиланган йўналишлари, параметрлари ва ареаллари асосида инженерлик тадбирлари ва техник қурилмалари таркиби ва ҳажми аниқланади ҳамда бу тадбирлар ўтказиладиган майдонларнинг жойлашиши ва юзаси белгиланади.

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида инженерлик тайёргарликнинг умумий масалалари 42-расмда акс этирилган.



42-расм. Туманни режалаштиришда ҳудудни инженерлик тайёрлаш.
 1-шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкалар; 2- аҳоли жойлари резерв майдонлари;
 3-транспорт магистраллари; 4-қишлоқ хўжалик ерлари; 5-ўрмонлар;
 6-буюртмахоналар, қўриқхоналар; 7-давлат ўрмон йўлаклари; 8-ўрмон йўлаклари;
 9-дарёлар; 10-сув омборлари; 11-лойиҳаланаётган сув омборлари; 12-қиргоқларни мустаҳкамлаш; 13-лойиҳаланаётган қиргоқларни мустаҳкамлаш; 14-дамбалар;
 15-дарё оқими ва ўзани; 16-лойиҳаланаётган дарё оқими ва ўзанини тартибга солиш;
 17-бузилган ерларни рекультивация қилиш; 18-жарларни ободонлаштириш; 19-магистрал каналлар; 20-лойиҳаланаётган магистрал каналлар; 21-насос станциялари; 22-лойиҳаланаётган насос станциялари; 23-сугориш туманлари; 24-лойиҳаланаётган сугориш туманлари; 25-қуриш туманлари; 26-лойиҳаланаётган қуриш туманлари; 27-гидротехник ва ўрмон мелиоратив эрозияга қарши тадбирлар ўтказиш туманлари.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Сув таъминотининг қандай тизимлари мавжуд?
2. Канализациянинг қандай тизимлари бор? Уларнинг турларини тавсифланг.
3. Энергия таъминоти нималарни ўз ичига олади?
4. Электр таъминотининг тавсифи нималардан иборат?
5. Иссиқлик таъминотининг тавсифномасига нималар киради?
6. Ёқилғи ва газ таъминотининг таҳлили нималарни ўз ичига олади?
7. Келажак электр, иссиқлик ва ёқилғи таъминоти бўйича таклифлар нималарни ўз ичига олади?
8. Худудларни инженерлик тайёрлаш нима?
9. Инженерлик тайёргарликка нисбатан худудни баҳолаш қандай амалга оширилади?
10. Худуд характеристикаларини ўзгартиришнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

“ТУМАННИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШТИРИШ”

Доцент Мирзаев М.К.

Хажми 40 соат

1 семестр

Рейтинг:

а. Жорий назорат 30 %-12 балл

б. Оралиқ назорат 40 %-16 балл

в. Яукний назорат 30 %-12 балл

жами: 40 балл

Максимал балл - 40

Аъло	86-100 %	34,4-40 балл
------	----------	--------------

Яхши	71-86 %	28,4-34,3 балл
------	---------	----------------

Қониқарли	55-71 %	22-28,3 балл
-----------	---------	--------------

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995.
2. Белогорцев И.Д., Кудиненко А.Д., Соломенник В.М. Районная планировка и региональное расселение. Минск, “Высшая школа”, 1986.
3. Владимиров В.В. Расселение и окружающая среда. М., Стройиздат, 1992.
4. Генеральная схема расселения на территории Республики Узбекистан. Ташкент, Уз шахарсозлик ЛИТИ, 2005.
5. Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений. Ташкент, ТАСИ, 2008.

6. Мирзаев М.К. Туманни режалаштириш асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2000.
7. Мирзаев М.К. Планировочная организация региональных систем расселения в ардных районах Средней Азии (на примере Узбекистана). Автореферат дисс. канд.арх., М., ЦНИИП градостроительства, 1988 .
8. Островский В. Современное градостроительство. М., Стройиздат, 1979.
9. Районная планировка. Справочник проектировщика. М., Стройиздат, 1986.
10. Турсунов Х.К. Градостроительные основы развития систем населенных мест Республики Узбекистан (теоретические предпосылки и методология проектирования). Автореферат на соиск. уч.ст.док.арх. Ташкент, ТАСИ, 1999.

